R 496
1986/10



Эски
№4

# ГУЛИСТОН

10
1986

Ҳамиша қалбимизда!

Ф. Аминов фотоси



Мураббийлар давраси: Тошкентдаги «Октябрь революцияси» заводининг усталари Олимжон Маллаев, Турсун Ҳакимов, Маҳмуд Абдукаримов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушукур Қодиров, Семён Данченко, Николай Бахаровский.

В. Мосин фотоси

# КПСС СИЁСАТИ — ТИНЧЛИК СИЁСАТИ

**Совет Иттифоқининг ишончи комилки, ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга тезда эришиш ва уни *шу йилнинг ўзида олий даражадаги Совет — Америка учрашувида* имзолаш мумкин. Ҳеч шак-шубҳасиз, бу воқеа *учрашувнинг асосий реал якуни*, қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида муҳим қадам бўлур эди. Бу воқеа ядро қуроллари ва уларни тугатиш юзасидан музокараларда бундан кейинги тараққиёт сари, дунёдаги бутун вазиятни тубдан соғломлаштириш сари ҳаракатнинг ўзига хос дебочаси бўлур эди.**

(М. С. Горбачевнинг Совет телевидениеси орқали шу йил 18 август куни берган Баёнотидан)

# ДИЛ СЎЗЛАРИМ

**Сора ЭШОНТЎРАЕВА,**

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати

**Ўша куни ярим кечагача тошкентликларнинг уйларида чироқлар ўчмади, бизнинг шаҳримиз ҳам, бутун мамлакат каби, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотини тинглади.**

**Бугун бепоён ва кўпмиллатли Ватанимиз, бутун тараққийпарвар инсоният шу тарихий Баёнот таъсирида яшамоқда. Мен ҳам Коммунистик партиямизнинг, мамлакатимизнинг собит тинчликсеварлиги, тинчликни барқарор этиш ғоясини ўзида мужассам этган янги ташаббуси ҳақида ўйламоқдаман. Ҳозир жаҳонда беташвиш яшаб бўлмайди. Чунки дунёда қора кучлар, ҳарбий васваса мутаассиблари, «самовий уруш» тарафдорлари, одам ўйлаганда юраги орқага тортиб кетадиган ёвуз ниятли корчалонлар кичкинагина сайёрамизни ядровий ҳалокатга дучор қилиб, ўзим омон қоламан, деган телбаларча хаёл билан хомтама бўлаётганлар мавжудлигини кўриб, сезиб турадиган кишиман.**

**Ядровий синовларни бир томонлама тўхтатиб туриш тўғрисидаги Совет Баёноти бир йил мобайнида амал қилди. Соғлом фикрли инсониятнинг даъватига қарамай, АҚШ маъмурияти айни ташаббусни қўллаб-қувватламади. Бунинг устига, Америка милитаристлари Невада штатида ядро портлатишларини намойишкорона давом эттирди. Бу билан АҚШ Совет Иттифоқини ҳарбий қарама-қаршиликни кучайтиришга қўполлик ва сурбетларча тортмоқчи бўлди. Баъзан, ана шундай пайтларда, бу ядровий қуролланиш васвасасига чалинганларга ўз куч-қудратимизни сездириб қўйиш шарт эмасмикин, деган ўй ҳам хаёлга келиб қолар эди... Лекин биз қандайдир урушқоқ кимсалардан қўрққанимиз важҳидан тинчлик учун курашаётганимиз йўқ, ахир, бизнинг мамлакатимиз ҳар қандай тажовузкорга жавоб зарбасини бера олади. Биз барча кишилар бахтли бўлишини, тинч-тотув яшашини истаймиз холос.**

**Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсеварлик йўлига ҳамиша содиқдир. Биз ҳаммамиз партиямиз Бош секретари Баёнотини, реализм, тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатига асосланган янги тинчликсеварлик ташаббусини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз.**



**Тинчлик иши енгади! Бутун мамлакатимиз, республикамизда ўртоқ М. С. Горбачев Баёноти муносабати билан ўтказилган митингларда шу руҳ ҳукмрон бўлди.**

**А. Жумаев фотоси**

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 10 (440)
Октябрь
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Ўқиш зали № 4

ГБ УзССР Ж

# ЯДРОВИЙ ҲАЛОКАТ ЖИЛОВЛАНСИН!

## МЕНИНГ ҲИССАМ

Хизматим тақозоси билан мен деярли ҳар куни, бўлмаса кунора республикамизнинг турли шаҳарлари ва районлари бўйлаб юзлаб километр йўл босаман. Гуллаб-яшнаган қишлоқлар, худди қон томирларидай тараларган каналлар, тўла қувват билан ишлаётган саноат корхоналари кўз олдимдан пайдар-пай ўтиб туради. Буларнинг барчасини мен ва сафдошларим каби минглаб-миллионлаб кишилар яратганлигини биламан. Ўзимнинг меҳнатим билан ана шу яратувчилик ишларига мансублигимдан фахрланаман. Севимли Ватанимизнинг ҳамма жойларида ҳам менинг замондошларим ана шунақа яратувчилик ишлари билан банд. Бунёдкорлик ишларимиз янада самарали бўлиши учун эса бизга мустаҳкам тинчлик керак.

Партия ва ҳукуматимиз ер юзида тинчликни қарор топтириш учун қатъият билан йўл тутмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган Баёноти ядровий ҳалокат хавфига қарши қаратилган, ядровий ҳалокатни амалда жиловловчи, тинчликни таъминловчи мардона қадамдир.

Партиямиз раҳбари мамлакатимиз халқлари номидан сўзлаб, Оқ уй маъмуриятини ядро қуроли билан ўйнашишни бас қилишга, ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги бемаъни уринишлардан воз кечишга даъват этди, атом синовларини тўхтатиб қўйиш муддатларини яна узайтириш ҳақида гапирди. КПСС аъзоси сифатида мен бу чора-тадбирни чин дилдан қўллаб-қувватлайман. Ўз ҳамкасбларим номидан эса баралла айта оламанки, тинчлик ишига, совет халқининг фаровонлиги ва осойишталиги учун кураш ишига фидокорона меҳнатимиз билан ҳисса қўшаверамиз.

**Раҳмонжон УСМОНОВ,**
Қўқон депосининг машинисти

## ҲАЁТНИНГ ҲАҚҚИ БУ!

Улуғ дарёларни бағрига босиб,
Ядро қуюнларин ҳайдаб инига,
Гоҳ насимдай: қизлар ҳайдарин ёзиб,
Бир наъра ўрлади қалб жаҳонига.
Бу наъра сув каби сингиб тупроққа
Лола, буғдой бўлиб кўтардию бош,
Қоришди кулгуга, хаёлга, оҳга
Еришди тонг бўлиб — тунни этиб фош.
Титраб турган симоб — шу она-Замин...
Титрар симоб — бешик, алланинг тахти.
Илиги бутунми Алла оламин?
Омонат эмасми оналик бахти?
«Йўқ!» — дейди, қудратли ва эзгу хитоб —
Дунёнинг оёққа қалққан имони.
Ҳаётнинг ҳаққи бу — гултож, офтоб!
Ҳаётнинг ҳаққи бу — Тинчликнинг нони!

**М. ҚУШМОҚОВ**



— Биз тинчлик истаймиз!

А. Жумаев фотоси

## ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИ

Бригадамиз аҳли Халқаро Тинчлик йили «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Биз, совет кишилари, дунёда тинчлик, дўстлик ва тенглик абадий барқарор бўлишини истаймиз.

Ҳаммамиз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотини ҳаяжон билан қониқиб тингладик. Баёнотда биз совет халқларининг дилида ва тилида доимо янграб келган муқаддас калом — жаҳонда тинчликни ҳимоя қилиш, унинг дунё халқлари олдидаги қадр-қиммати жонкуярлик билан ифода этилди.

Биз иккинчи жаҳон урушидан сўнг, тикланиш йилларида дунё юзини кўрган авлод вакилларимиз. Биз ўша йиллари Улуғ Ватан уруши иштирокчилари сафида тер тўкдик. Улардан Ватанни севишни, фидокорона меҳнатни, тинчликни қадрлашни ўргандик.

Ўртоқ М. С. Горбачев Баёнотида халқаро хавфсизлик проблемаси умумий проблема эканлигини ва буни ҳамма якдил бўлиб ҳал этиши, келажак авлод олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Биз мазкур Баёнотни бутун дунё тинчликсевар халқлари қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини радио, телевидение, матбуот орқали билиб турибмиз. Шундай қилишга ҳамма эзгу ниятли кишилар бурчлидир. Ҳукуматимизнинг ядро портлатишларининг бир томонлама мораторийсини 1987 йил 1 январгача узайтириши ҳам совет халқлари учун тинчликнинг ниҳоятда қадрлилигидан далолатдир. Зеро, биз пахтакорлар ҳам камтарин меҳнатимиз самараларини тинчлик, халқлар бахт-саодатига вобаста, деб биламиз.

**Тошмурод ДАВРОНОВ,**
Нарпай районидаги «Октябрь» колхози бригада бошлиғи




Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида ҳам шундай митинг бўлиб ўтди. Суратда: митинг пайти. Институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Ҳабибуллаев нутқ сўзламоқда.

Р. Нуриддинов фотоси (ЎзТАГ)

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

# ҚАЙТА ҚУРИШ САБОҚЛАРИ

ЯНГИЛИКНИ ҳис этиш, янгиланиш, олға томон шитоб билан бориш, қолоқлик, турғунлик кўринишларига муросасизлик — коммунистларга хос фазилат.

Агар биз янгича ишлашни ўрганиб олмасак, қоқилиб қоламиз. Қоқилиш эса равон йўлдан тойдиради, шикаст етказади. Ижтимоий маъно касб этганида эса, қолоқликка, турғунликка мубтало қилади, вазиятга холисона баҳо беришдан чалғитади.

Партия бизни турли хатоликлардан огоҳ қилмоқда — адолат билан иш тутишга, ҳамма нарсани ўз номи билан — яхшини яхши, ёмонни ёмон дея очиқ эътироф этишга ўргатмоқда. Талабчанлик ва ҳалоллик, партиявий виждон билан иш тутиш керак бўлган жойда кўнгилчанлик қилиш янглиштиради. Елғон гап, дабдабабозлик — ахлоқий жиҳатдан нопоклик, сиёсий жиҳатдан ҳалокатлидир. Ленинча кўрсатма шундай, ҳаёт ҳақиқати шундай!

Партия XXVII съезди социал-иқтисодий соҳадаги аҳволни обдан таҳлил этиб, тараққиёт одимларимизни жадаллаштириш вазифасини жиддий тарзда қўйди. Бунинг учун туб бурилиш, қайта қуриш тадбирларини амалга ошириш керак. Партиянинг бу кўрсатмаси мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар, кенг жамоатчилик, бутун афкор омма томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Қайта қуриш амал қила бошлади. У эндигина бошланган бўлса-да, дастлабки қувончли натижалар гувоҳимиз. Экономика ривожланиш изига тушди, тартиб-интизом мустаҳкамланмоқда. Катта-кичик масалаларни ҳал этишда кенгашиб иш тутилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлик касб эта бошлади.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида дадил силжишлар кўзга ташланаётир. Жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи кучлари — миллионлаб меҳнаткашларнинг фаоллиги, халқ ижодкорлигининг кўлами ортиб бораётир. Ишни тубдан қайта қуришнинг асосий моҳияти уни одамлар томон, жонли иш томон буриб юборишдан иборатдир.

Қайта қуришни, қайта қуришдаги жами ишларни ҳар бир киши ўзидан, ўзининг гражданлик ўрнини белгилаб олишдан, сиёсий, меҳнат фаолиятини кучайтиришдан, ишнинг пировард натижалари учун жавобгарлик ва масъулият туйғусини оширишдан бошлаши керак.

Бошқача айтганда, қайта қуриш — ҳамманинг иши! Жамиятни социал-иқтисодий тараққий эттиришдан ҳеч ким четда қолмаслиги талаб қилинмоқда. «Ҳамма: ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кишилар ҳам, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг кенгашида, — илм-фан, бошқариш, ташкилий ва сиёсий иш билан боғлиқ бўлган кишилар ҳам ўз ишларини кучайтиришлари лозим. Ҳар бир тармоққа ва ҳар бир корхонага татбиқан фан-техника тараққиётини олға силжитиш, жадаллаштиришнинг сифат жиҳатини таъминлаш учун конкрет равишда нима қилиш зарурлигини билиб олиш керак, чунки экономика — энг муҳим вазифа эканлиги равшан. Экономикани янги изга, жадаллаштириш суръатларига, сифат жиҳатдан янгича ёндашувларга ўтказиш ғоят катта сиёсий, социал ва бошқа оқибатларга эга бўлади».

Бу ҳаётбахш кўрсатмадан шундай хулосага келиш керак: ишчилар синфи ҳам, деҳқонлар ҳам, техника зиёлилари ҳам, ижодкор зиёлилар ҳам — хуллас, энди ҳеч ким: эскириб қолган, олға томон ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган, воқелигимизга, социалистик тузумимизга доғ тушираётган нарсаларга тоқат қилолмайди, эскича яшашни истамайди. Шунинг ўзи қайта қуриш сари қўйилган дадил қадамдир.

Партия кадрлари, хўжалик раҳбарларининг иш юритишида, мулоҳаза-мушоҳадасида ҳам қайта қуриш нишоналари сезила бошлади. Улар: «Қандай қилиб бўлса ҳам планни бажариш керак», деган бир ёқлама фикрлашдан аста-секин фориғ бўлмоқдалар. Инсон омили биринчи ўринга қўйилмоқда. Меҳнаткашларга зарур меҳнат ва маданий-маиший шароитлар яратиб бериш ҳақида қайғуриш — бугунги раҳбарнинг қиёфасини белгиловчи фазилатдир.




Атом урушига йўл йўқ!

А. Жумаев фотоси

**Жоржи АМАДУ,**

ёзувчи, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати

**Мен бу ердан, жуда олисдаги Бразилиямдан, Инсониятнинг қадр-қимматини улуғлаган, унинг эртаси учун заҳмат чекаётган ҳамқалам ёзувчиларга қарата ҳайқираман: Атрофга боқинг! Ҳарбий театр саҳнаси шунчалик кенгайиб кетдики, бизнинг оламимизда бирор бир хилват бурчак, оёқ босгулик жой қолмади. Олам шундай ўзгариб кетдики, ва биз, ҳаммамиз, дарвоқе, «Ер» деб номланган ана шу жимитдайгина қайиқчада истиқомат қиламиз. Уни портлатиш, бизнинг ҳаммамизни тилка-пора қилиб ташлаш жуда осон.**

**Ана шундай, ҳаммамиз бараварига, ҳарбий саноат-корчалонларига, СОИ, бинар ва бошқа бўғувчи, ёкувчи, қул қилувчи қуролларга, Невада штатидаги ядро қуролининг ер остидаги шовқин-суронлари мусиқа бўлиб эшитилаётганларга қарши ўзимизнинг дадил, баралла «ИЎҚ» деган ҳайқириғимизни айтамиз.**

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси — Фарғона водийсидаги йирик кимё корхоналаридан бири. Бу коллективнинг ишни қайта қуриш соҳасидаги фаолияти КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бирлашма кўп маблағ сарфламаган ҳолда стандарт талаблари даражасида маҳсулот тайёрлашнинг ойдин йўлига тушиб олди. Бунда асосан меҳнатга муносабатдаги ҳалоллик, рағбатлантириш, меҳнат ва технология интизомига риоя қилиш муҳим роль ўйнади.

Ишга ижодий муносабат резервларни ҳаракатга келтириш имкониятларини юзага чиқаради. Лекин биз дабдабабозлик, мақтанчоқлик, оғизда қайта қуриш тарафдори бўлиб, аслида ишни барбод бераётганларга бефарқ қаролмаймиз. Танқид қилса тазйиқ ўтказадиган, одамлар фароғатини ўйламасдан, план деб кўкрагига ураверадиган ваъдабозлардан халос бўлишимиз керак. Танқид, ошкоралик, жавобгарлик етарлича бўлмаган аввалги йиллар вазиятида ноҳуш нарсаларга — социалистик тузум принципларига хилоф ҳолатларга кўникиб қолгандик. У замонлар ўтди. Хоҳ раҳбар, хоҳ мутахассис, хоҳ оддий киши бўлсин, одамлар барибир, гард-чангдан покланиб олмоқлари, ҳушёр тортишлари заруратга айланди.

Туб бурилиш босқичида кадрлар сараланмоқда. Раҳбар кадрларни, мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг дастлабки якунлари орамизда ҳамон амалпарастлар, қилинмаган ишни бажарилди, деб расмийлаштиришга мойил, порахўр, фармонбардор кишилар борлигини кўрсатди. Улар ҳамон эскича ишлашга умид қилаётирлар. Партия жадаллаштириш, туб бурилиш, қайта қуриш имтиҳонларига тоб беролмаётганларни ёш, ғайратли, ишбилармон, янгиликка йўл очиб беришга қодир иқтидорли кадрлар билан алмаштириш йўлини тутмоқда. Зотан, партия йўли — одиллик, адолат йўли.

Одиллик, адолат билан иш тутиш нима беришини мулоҳаза қилиб кўрайлик. Хўжалик раҳбарига осон эмас. Лекин у ишни пухта ташкил қила билиши оқибатида одамлардаги ташаббускорлик рўёбга чиқади. Уддабурро хўжалик раҳбари жадаллаштириш инсон омилини фаоллаштиришга боғлиқ эканлигини яхши билади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти кейинги вақтларда ярқ этиб кўзга ташланиб қолди. Сабабими? Ишчиларга зарур шароитлар яратиб берилди. Корхона территориясида маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишда туб бурилиш ясалди. Одамларга ғамхўрлик ажойиб натижалар бераяпти. Планлар бажарилиб, социалистик мажбуриятлар адо этила бошланди.

Инсон омилига, социал, маданий-маиший масалаларга панжа орасидан қараш жадаллаштиришга жиддий путур етказади. Планлар ҳам барбод бўлади, энг замонавий техника — ҳатто у рақамли программа билан бошқариладиган, роботлаштирилган ускуналар билан тўла жиҳозланган бўлса ҳам наф бермайди. Ишни ўнглаб олаётган — инсон омилига эътибор кучайган коллективларда эса жиддий ўзгаришлар содир бўлаяпти.

— Бизда маиший хизмат кўрсатишнинг мукаммал комплекси вужудга келтирилди, — дейди Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмаси моторист-тикувчиси Мастура Омонова. — Энди бирлашмамиз ишчилари мева-чева, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто ярим фабрикатларни ҳам бевосита корхона территориясидаги магазинлардан харид қилмоқдалар. Натижада вақтимиз тежалмоқда, бўлар-бўлмасга бозор-ўчарга қатнамайдиган бўлдик.

Бу нима дегани? Масаланинг иқтисодий жиҳатига назар ташлайлик-чи? Партия съездидан кейинги даврда иш вақтининг бекор ўтиши 9 процент қисқарди. Меҳнат унумдорлиги эса 7 процент кўтарилди. Бундай силжиш катта резервлардан далолат беради.

Қайта қуриш одамларнинг онги, фикрлаш тарзи, умумий ишга куюнчаклигида бурилиш ясаётгани қувончига нима етсин. Фарғонанинг Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхозда коммунист тракторчи Ғуломжон Азизов билан суҳбатлашиб қолдик. Бўёғига унча ғубор юқмаган трактор олдида туриб, у механикка қуйидагиларни уқтирарди:

— Билишимча, бу трактордан кенгроқ фойдаланаверсак бўлади. Ишлатиш ва бошқариш қулай. Муҳими, аввалгиларидан анча кучли. Мана, кунига 9—10 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов бераяпман. Бу ахир эски тракторларимиз билан ишлагандагидан қарийб бир ярим баравар ортиқку!

Тракторчидаги ҳисобдонлик, эски ва янги машина ўртасидаги тафовутларни қиёслаш аломатларига қизиқиб қолдик. Бунинг устига, Ғуломжон янги машинани кўплаб ишлаб чиқариш керак, деган фикрни ишонч билан таъкидларди.


Суриштириб билсак, гап СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида 100 от кучига эга бўлган қудратли трактор тайёрлаб чиқариш кечикаётганию унинг ўрнини вақтинча босиб турадиган «оралиқ» трактори имкониятлари хусусида борарди. Тўғри, 100 от кучига эга қудратли янги машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш анчайин иш эмас. Бунинг учун корхонани тубдан қайта ускуналашни тугаллаш талаб қилинади. Унда пахтакорларнинг куни кам қувват трактор қолаверадими?! Бирлашмадаги етакчи мутахассислар ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келишди: «Ҳозирча «оралиқ» деб атаётганимиз тракторни тайёрлаб чиқараверсак маъқул». Дарҳақиқат, у ҳам 100 от кучига эга. Уни ҳозироқ мавжуд ишлаб чиқариш майдонларида тайёрлаверсак мумкин. 10 дан ортиқ шундай трактор тайёрланди, йил охирига 50 тага етади. Келгуси йили камида 500 та ишлаб чиқарилади.

Унинг дастлабкисини синовдан ўтказиш тажрибали трактор ҳайдовчиси Ғуломжон Азизовга топширилганди. Тракторчи: «Машинани кўплаб ишлаб чиқариш мумкин», дея кафолат бераяпти. Бу — меҳнат кишисининг тавсияси. Конструктор ва етакчи мутахассисларга далда бераяпти. Лекин бу — мўлжаллаб қўйилган қудратли трактор ишлаб чиқаришни кечиктираверсак мумкин, деган гап эмас. Илгарилаш, олға силжиш сари қўйилган ҳар бир қадам қадрли. Имиллашдан илдамлаш томон ташланган бундай одимлар дадиллашаверишига ишончимиз комил.

Баъзан эски усулларга ёпишиб олган, масъулиятни ўз зиммасига олишга бўйни ёр бермайдиган хўжалик раҳбарларига ҳам дуч келасан киши. Ундайлар ўзлари бош бўлган колхоз, совхоз ё корхонадаги ўпирилишларга бошқалар айбдор, деб кўрсатишга уринадилар.

Бировлар ҳисобига яшаш фикри танатанасига сингиб кетган, доимо «у нарса кам, бу нарса етишмаяпти», «уни беринг, буни беринг» деб идоралар, корхоналар, ташкилотлар эшигига танда қўядиган, жўнроқ қилиб айтганда, зорланаверадиган кадрлар ҳам учраб турибди.

Ҳатто ўзларига боғлиқ ишни бошқалар қилиб беришини талаб қилаётган раҳбарлар ҳам бор. Яқинда Хоразм область партия активи йиғилишида қатнашишга тўғри келди. Йиғилишда область маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи С. Жаббергенов қаттиқ танқид қилинди. Сабаби — бугунги кун талаблари даражасида ишлолмаётганлиги, янгиликни ҳис қилиш ўрнига эскича ишлашга зўр бериб уринаётганлиги. Гап шундаки, бу раҳбар ҳозир ҳам планни камайтириш тарафдори. Билишимизча, у имкониятлардан ёмон фойдаланмоқда, резервларни назар-эътиборга олгиси йўқ. Эҳтимол, жон куйдириб ишлашни эп кўрмаётгандир. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги мутахассислари областдаги имкониятларни чамалаб кўриб, Хоразмда ўн иккинчи беш йилликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини уч ярим баравар ошириш мумкинлигини кўрсатиб берсалар-у, бошқарма бошлиғи икки оёғини маҳкам тираб: «Йўқ, 26 процентгина ошириш мумкин. Бундан ортиғига илож йўқ», деб туриб олса, бунга нима деса бўлади?!



**Металлургия заводида баъзи уй-рўзғор буюмлари ҳам ишлаб чиқарилади.**

**А. Жданов фотоси**

Қайта қуриш — ҳаётий зарурат. У ҳаётга тобора чуқур илдиз отиб кириб бормоқда. Қайта қуришнинг дастлабки нишоналари қувончли. Бу йўл — юксалиш, жадал тараққиёт, туб бурилиш йўли. Бу йўлни кенг меҳнаткашлар астойдил қувватламоқдалар. Ижодий меҳнат туфайли янги ташаббуслар юзага келмоқда. Келгуси йили Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейи нишонланади. Илғор меҳнат коллективларида «Икки йиллик план — Октябрь 70 йиллигига» шиори остидаги юбилейолди мусобақаси авж олаяпти. 1986 йил, умуман беш йиллик планни муддатидан илгари адо этиш ҳаракати ҳамма ерда кенг қулоч ёймоқда.

Янгича иш тутиш ғолибликка кафолат беради. Қайта қуриш борасида осон ишга умид боғлаган йўлда қоқилади. Қайта қуриш талаблари эса илғор тажрибаларга асосланишни, ҳамиша олға босишни, жадал одимлашни, қийинчиликларни мардона енгиб ўтишни, ишбилармонлик, уқувлилик, зўр ташкилотчиликни ҳуш кўради.

**Жўра ХОЛҚОСИМОВ,**
СССР Журналистлар союзи мукофоти лауреати



ЛЕНИННОМА

# «ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ»

(Шу асардан парча)

25 октябрнинг (7 ноябрнинг) тўрт йиллиги яқинлашмоқда.

Бу буюк кун биздан йироқлашган сари, Россиядаги пролетар революциясининг аҳамияти равшанроқ бўлиб бормоқда, шунингдек, бутун ишимизнинг амалий тажрибаси устида тобора чуқурроқ ўйламоқдамиз.

Бу аҳамият ва бу тажрибани, албатта, тўла ва аниқ қилиб эмас, балки қисқача қилиб олганда қуйидагича таърифлаш мумкин бўлар эди.

Россиядаги революциянинг бевосита ва энг яқин орадаги вазифаси буржуа-демократик вазифа эди: ўрта аср қолдиқларини битирмоқ, уларни охиригача йўқ қилмоқ, Россияни бу ваҳшийликдан, бу шармандаликдан, мамлакатимиздаги ҳар қандай маданият ва тараққиётга халақит берувчи бу энг катта тўсиқдан тозалаш эди...

1917 йил 25 октябрдан (7 ноябрдан) бошлаб то Таъсис мажлисини ҳайдашгача (1918 йил 5 январгача) бу соҳада буржуа-демократлари ва либераллар (кадетлар) ва майда буржуа демократлари (меньшевиклар ва эсерлар) *саккиз ойлик* ҳокимиятлари давомида қилганларидан кўра минг марта кўпроқ иш қилдик.

Бу қўрқоқлар, маҳмадоналар, ўзига бино қўйган наргислар ва журъатсизлар картон қилич ўқталдилар — ва ҳатто монархияни ҳам йўқ қила олмадилар! Биз бутун монархия аҳлатларини улоқтириб ташладик, буни ҳеч ким, ҳеч қачон қилган эмас. Биз асрлардан буён давом қилиб келган табақачиликни ер билан яксон қилиб, ундан асар ҳам қолдирмадик...

Динни ёки хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигини ёки рус бўлмаган миллатларнинг эзилиши ва тенг ҳуқуқли эмаслигини олингиз. Буларнинг ҳаммаси буржуа-демократик революция масалаларидир. Майда буржуа демократияси шаллақилари бу тўғрида саккиз ой маҳмадонагарчилик қилдилар; дунёнинг энг илғор мамлакатларидан *бирон*тасида *ҳам* бу масалалар *буржуа-демократик* руҳда *батамом* ҳал қилингани йўқ. Бизда бу масалалар Октябрь революциясининг қонунлари билан батамом ҳал қилинган. Биз динга қарши курашдик ва чинакамига курашмоқдамиз. Биз рус бўлмаган *барча* миллатларнинг ўз республикалари ёки автоном областларини вужудга келтирдик. Бизда, Россияда хотин-қизлар ҳуқуқсизлиги ёки ҳуқуқининг тўла эмаслиги каби ифлослик, қабиҳлик ва разиллик, ер шаридаги истисносиз барча мамлакатларнинг ғаразгўй буржуазияси ва қўрқоқ, бефаросат майда буржуазияси янгилаб турадиган ифлос крепостнойлик ва ўртаасрчилик сарқити йўқ...

Совет тузуми мана шу бир революциянинг ўсиб иккинчи революцияга айланишини тасдиқлайдиган ёки кўрсатадиган яққол мисоллардан биридир. Совет тузуми ишчи ва деҳқонлар учун максимум демократизмдир ва айни замонда у, *буржуа* демократизми билан алоқанинг узилишини ва демократиянинг янги, жаҳоншумул-тарихий *типининг*, яъни: пролетар демократизмининг ёки пролетариат диктатурасининг пайдо бўлиши демакдир.

Ўлиб бораётган буржуазия ва унинг кетидан судралиб бораётган майда буржуа демократиясининг кўппак итлари ва чўчқалари бизни *ўз* совет тузумимизни қуришдаги нуқсонларимиз ва хатоларимиз учун, майли, устимизга лаънатлар ёғдираверсин, сўкаверсин ва масхара қилаверсин. Биз ҳақиқатан ҳам муваффақиятсизлик ва хатоларимиз жуда кўп бўлганини ва кўп бўлаётганини бир минут ҳам унутмаймиз. Бутун жаҳон тарихида янги бўлган, дунёда мисли кўрилмаган янги типдаги давлат тузумини вужудга келтириш сингари бир иш нуқсонсиз ва хатосиз бўлармиди! Биз нуқсонларимиз ва хатоларимизни тузатиш учун, совет принципларини амалга ошириш усулларимизни, камолот даражасидан жуда ҳам узоқ бўлган усулларни яхшилаш учун тинмай курашамиз. Бироқ биз совет давлатини қура *бошлаш*, шу билан бутун жаҳон тарихининг янги даврини, барча капиталистик мамлакатларда эзилиб келган ва ҳамма ерда янги турмуш, буржуазия устидан ғалаба қозониш, пролетариат диктатурасини вужудга келтириш, кишилик дунёсини капитал зулмидан, империалистик урушлардан қутқариш сари бораётган янги синф ҳукмронлиги даврини *бошлаш* бахтига биз муяссар бўлганлигимиз билан фахрланишга ҳақлимиз ва шу билан фахрланамиз.

Империалистик урушлар тўғрисидаги, молия капиталининг ҳозирги вақтда бутун дунёда бошчилик қилаётган халқаро сиёсати тўғрисидаги, *муқаррар суратда* янги империалистик урушларга олиб борадиган, муқаррар суратда миллий зулмнинг мисли кўрилмаган даражада кучайишига, талончилик ва босқинчиликларга, бир тўда «илғор» давлатларнинг ожиз, қолоқ майда халқларни бўғишига олиб борадиган сиёсати тўғрисидаги масала, — бу масала 1914 йилдан бошлаб ер шаридаги барча мамлакатлар сиёсатининг энг асосий масаласи бўлиб қолди. Бу масала ўн миллионларча одамларнинг ҳаёт-мамоти масаласидир. Бу — кўз олдимизда буржуазия тайёрлаётган, кўз олдимизда капитализм туфайли пайдо бўлаётган келгуси империалистик урушда (1914 — 1918 йиллардаги урушда ва унга қўшимча бўлиб ҳали ҳам давом этаётган «майда» урушларда ўлдирилган 10 миллион ўрнига) 20 миллион киши ўлдириладими (капитализм сақланиб қолса), муқаррар равишда бўлажак бу урушда (1914 — 1918 йилларда майиб қилинган 30 миллион ўрнига) 60 миллион киши майиб қилинадими, деган масаладир. Бу масалада бизнинг Октябрь революциямиз бутун дунё тарихининг янги даврини очди. Буржуазия малайлари ва унинг эсер ва меньшевиклардан, бутун дунёдаги барча гўё «социалистик» майда буржуа демократиясидан иборат ҳайбаракаллачилари «империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш» шиорини масхара қилган эдилар. Ҳолбуки, бу шиор бирдан-бир *ҳақиқат* бўлиб чиқди, — аччиқ, қўпол, оппа-очиқ, шафқатсиз ҳақиқат бўлиб чиқди, шундай ҳақиқат бўлиб чиқди, бироқ бу ҳақиқат жуда кўп ва энг моҳирона шовинистлик ва пацифистлик алдамчиликлари орасидаги *ҳақиқат* бўлиб чиқди...

Октябрь революциямиз мисли кўрилмаган оғирликлар ва қийинчиликларни, мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошидан кечириб бу ғалабага эришди...

Биз бу ишни бошладик. Бу ишни қачон, қайси муддатда, қайси миллат пролетарлари охиригача олиб бориши масаласи муҳим эмас. Муҳими шуки, муз синдирилди, йўл очилди, йўл кўрсатилди...

Қийинчиликлар беҳисоб. Биз беҳисоб қийинчиликлар билан курашишга кўникиб қолганмиз. Душманларимиз бизга «тош-метиндек кишилар» ва «қаттиқ сиёсат» вакиллари деб ном берганликлари бежиз эмас. Аммо биз ақалли бошқа бир санъатни — объектив шароитларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, илгариги йўлимиз ҳозирги давр мақсадига номувофиқ бўлиб қолса, ярамай қолса, мақсадга мувофиқ йўлни танлаб олиб, чаққон ҳаракат қилишни, ўз тактикамизни тез ва бирданига ўзгартиришни ўрганиб олдик...

Бизлар, уч ва тўрт йил давомида (кескин бурилиш талаб қилинган вақтларда) кескин бурилишларга бир оз ўрганиб олганимиздан сўнг, янги бурилишни, «янги иқтисодий сиёсатни» ғайрат билан, диққат билан, сабот билан... ўрганмоқдамиз... Шахсий манфаатдорлик ишлаб чиқаришни кўтаради; бизга ҳаммадан аввал ва қандай қилиб бўлса ҳам ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак. Улгуржи савдо миллион-миллион майда деҳқонларни қизиқтириб, бир-бирига боғлаб, уларни ишлаб чиқаришнинг юқорироқ босқичига: хилма-хил алоқа ва бирлашиш формаларига олиб бориб, иқтисодий жиҳатдан ҳам бирлаштиради. Биз иқтисодий сиёсатимизни қайта қуришдан иборат зарур ишларни бошладик. Биз бу соҳада баъзи — албатта, кичик, жузъий, бироқ, ҳар ҳолда шубҳасиз, ютуқларга эгамиз. Биз ҳозир бу янги «илм» соҳасида тайёрлов синфини тамом қилаётирмиз. Биз мустаҳкам туриб ва қунт билан ўқиб, ҳар қадамимизни амалий тажрибада синаб кўриб, бошланган ишимизни бир неча марта қайта ишлашдан, ўз хатоларимизни тузатишдан қўрқмасдан, уларнинг аҳамиятини диққат билан уқиб бориб, бундан кейинги синфларга ҳам ўтамиз. Гарчи жаҳон экономикаси ва жаҳон сиёсати, бизнинг хоҳишимиздан қатъи назар, бу «курсни» анча узоқ ва анча қийин қилиб қўйган бўлишига қарамасдан, биз бу «курсни» тамом қиламиз. Ўтиш даврининг азоб-уқубатлари оғир бўлишига, офат, очлик, вайронликларга қарамай, биз руҳимизни туширмай, қандай қилиб бўлса ҳам, ўз ишимизни охиригача — ғалаба қозонишгача олиб борамиз.

14.X.1921 й.

(В. И. ЛЕНИН. Тўла асарлар тўплами. 44-том, 166 — 175-бетлар).

# ЛЕНИН ДАВРИ

Зоя ТУМАНОВА

Еришди тонг. Энди тун
Қолди ўтмиш аршида.
Тўқолмайди бойлар хун.
Инқилобнинг маршида
Одим отди халқ бардам,
Ушалди асрий орзу.
Мумкин оддий айтиш ҳам:
Улуғ Ленин даври бу!

Йиллар тўкди жангда қон,
Йиллар қучди ғалаба.
Ленин сўзини замон
Эслар ҳар кун, ҳар дафъа.
Забт этди кўкни одам,
Коммуна дилда орзу.
Мумкин оддий айтиш ҳам:
Улуғ Ленин даври бу!



# КУНЛАР ОҲАНГИ

Одатий кун бошланар,
Байрам эмас сенга бу.
Кўз қувонар, ёшланар, —
Сийқаликми ё эзгу?
Кун оҳанги, айт, бир ров,
Қалб учун не кўзлайсан?
Куйдирасан — беолов,
Қайғу йўғу, бўзлайсан.
Совуқ еган арилар
Деразага ишқар юз,
Беҳудага урилар —
Бари бир ҳам қувлар куз...
Мендами ё ҳарорат?
Зеро, менда — музлар дил!
Мендаги ўт — шарора,
Совурилмоқда бўлиб кул...
Чиқмаса ҳам ҳеч донгим,
Умидим бор ҳарқалай.

Тўхта, кузнинг оҳанги,
Мен қайтадан басталай.
... Ҳали совуқ йироқда.
Ҳукмронмас куз буткул.
Балкон бўйлаб боқмоқда
Кўм-кўк кўзли печакгул.
Кузнинг ўғли у аниқ —
Нақ юракка тикилар.
Шабнамлари ёш янглиғ
Шамолларда тўкилар.
Майли, учсин зар япроқ:
Замин дарди ёпилар.
Кун шундайин нурли, оқ,
Унга қўшиқ топилар.
Янграсин кун қувончдан.
Мен ёлғизмас ё фақир,
Дўстим, ҳануз шу важдан
Гиргиттондир ер, ахир!

# БИЗНИНГ ТОШКЕНТ



Ям-яшил кўчалар, хиёбон, майдон,
Ер ости саройин мармарлари шан...
Пионерлар борар кўчадан шодон,
Оталарнинг шонли йўллари билан.
Сен мангу меҳнаткаш, ишчи шаҳарсан,
Сен билан мамлакат этар ифтихор.
Тошкент, сен тунда ҳам сернур саҳарсан.
Лоланг дастасида — алвон ранг баҳор.
Фавворалар порлар, ариқлар куйлар,
Гўзал кўчаларинг очар баҳримиз!
Эртанг қурмоқдамиз — бўй чўзар уйлар,
Тошкент, сен бизларнинг севги шаҳримиз!
Меросимиз ҳам сен, бойлигимиз ҳам,
Сен бизнинг саодат, нурафшон ҳаёт!
Сен тинчлик, қардошлик шаҳрисан кўркам —
Сени дўстлик айлаган бунёд.

# ШАСТРИ КЎЧАСИ



Шастри кўчасида мен яшаган уй,
Хотиралар кўчасидир бу.
Ўта туриб унга ташлаган нигоҳ
Олис мамлакатдан таширif буюрган,
Бизнинг иқлим кўтармаса ҳам
Кенг, оқ кийим кийган,
Қорачадан келган
Паст бўйли одам.
Қилмасди совуқ кор.
Шошиларди у...

Биз январнинг кўкиш тонгида
(Совуқ ва туман эди)
Эшитдик: ўлди.
Ўлди.
Тўхтаб қолди унинг юраги.
Қандай талпинганди шошиб у юрак!
Курашди, сўранди, айлади таҳдид
Қаттиқ қайғу билан руҳсиз, эзилиб!
Ва тамом.
Етарди, у жонсиз, оқариб
Уша оппоқ кийимда.
Қисилганди бармоқлар бироз,
Гўё у турарди қўлида ушлаб
Бебаҳо ёмби —
Юртига
Тинчлик.

# МУҲАББАТ

Севги улфат онларда,
Телбаликка ёвуқлик.
Ёз уфурган қонларда
Қаҳратон қиш — совуқлик!
Ўтган бахтдан ёришган
Қиш қўйнида — гулбаҳор.
Мовий рангга қоришган
Кўз ёшларда нозлар бор.
О, муҳаббат, қулингман,
Минг кулиб, минг ўкиндим.
О, муҳаббат, тулингман,
Фақат сенга юкиндим.
Сен туфайли оқ нур — оқ,
Дунёда бор мурувват.
Сендай дард йўқ аччиқроқ,
Сен кучсизга куч-қувват.

Адоватдан, макрдан
Асра мени, муҳаббат.
Биргаман де бахт билан,
Авра мени, муҳаббат.
Айблаб мени, бўш дебон,
Ташламагил, муҳаббат.
Эгри йўлга ҳеч қачон
Бошламагил, муҳаббат.
Бўлди, сенга бу жасад
Инъом этсин нени ҳам —
Ахир умрим топди ҳад,
Сен-ла гуллатай десам.
Киролмайман — бағринг тор,
Журъатим ҳам етмас, ишқ...
Энди аён, ўлим бор —
Муҳаббатга қоришиқ.



Эргаш МУҲАММАД
таржималари

## Редакция почтасидан

### ИШОНЧ

Ҳанифахоннинг зиммасига 5-ҳунар-техника билим юртидан келган ёшларга тўқувчилик касбини ўргатиш масъулияти юклатилди. Бу ишидан унинг ўзи ҳам ҳаловат олади. Ўргатади, ўзи ҳам ўрганиб боради.

— Ҳулкарой, дастгоҳнинг найчаларига кўпроқ эътибор беринг, узуқ кўпаймасин, вақтингизни олиб қўяди...

— Ҳикматхон, ярим фабрикатларни тежашга ўрган, акс ҳолда пала-партишликка кўникиб қоласан, ишингдан унум қочади.

Мураббийнинг ҳар бир сўзи шогирдлар учун сабоқ. Ёшлар Ҳанифанинг қаттиққўллигидан ранжишмайди, билмаганларини сўраб ўрганишга одатланишган. Бугун ҳам шундай бўлди. Шогирдларига топшириқ бериб, дастгоҳларни кўздан кечирар экан, бир нечта найчанинг ерда ётганини кўрдию, қизларни сўз билан чимдиб олди:

— Пала-партишлик тўқувчига ярашмайди!

— Ҳозир, Ҳанифахон опа...

Ҳанифа — талабчан, бир сўзли тўқувчи. Бошқаларни ҳам шунга ундайди.

У билан смена алмашиш пайтида суҳбатлашдик. Инсон омили, юксалиш мезони, юқори суръат ва бошқа муаммолар ҳақида унинг фикрларини билмоқчи бўлдик.

— КПСС XXVII съезди материалларини синчиклаб ўқиб чиқдим. «Жадаллаштириш деганда биз нимани тушунамиз? Аввало, иқтисодий ўсиш суръатларини оширишни тушунамиз. Аммо бугина эмас. Жадаллаштиришнинг моҳияти ўсишнинг янги сифатида: фан-техника тараққиёти, экономика структурасини қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакллари асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлашдан иборат», дейилади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг XXVII съездга қилган Сиёсий докладида. Менимча, ҳар бир ишчи, — у хоҳ коммунист, хоҳ партиясиз бўлсин, — энг аввало шуни билиб олиши керакки, жадаллаштириш — бу топширилган вазифани аъло даражада бажариш, ишчи виждони кафолати ва партиявийлик принципини уйғун ҳолда ҳаракатлантириш демакдир.

Ҳанифа — ишчан, виждонли аёл. У корхона истиқболи учун янги техника ва илғор технология равнақи учун жонкуяр тўқувчилардан. Фидойи ишчи жамоат ишларида фаол, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозона олган. Унинг ортидан сингиллари Муҳаррам ва Ҳикматхонлар Шойи газламалар комбинатига қадам қўйишди.

Ҳанифа Каримова коммунистлар сафида бўлишга аҳд қилди.

— Жуда яхши ўйлабсан, — деди Ҳанифанинг ниятини билган сменадоши Вера Кравченко, — мен сенга тавсиянома бераман.

— Бундай илғорларни биз қўллаб-қувватлаймиз, — деди бригадир Йўлдошали Ҳожиакбаров ҳам.

Фабрика комсомол-ташкилотининг секретари Муҳаббат Бобоева Ҳанифани қувонч билан қарши олди:

— Сиз тиғизлашган зонага ўтганингиздан кейин элликка яқин ёш ишчи ҳам хизмат зонасини кенгайтирди, ишда ва жамоат ишларидаги фаоллигингизни биз ҳам инобатга олиб, кафолат берамиз.

Наманғандаги Шойи газламалар комбинати коммунист ишчилари Ҳанифахон Каримованинг ўз сафларида бўлишига юксак ишонч билдирдилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ
Наманган

# ЧЎЛҚУВАРЛАР

Қуёш олов пуркайди. Ана шу олов билан баҳслашмоққа аҳд қилгандай, саҳрою чўллар ёнади. Гармселнинг ўтли тиллари ялаб ўтган қумликлар бағрида тилим-тилим нохуш излар қолади, холос. Қубба-қубба қум барханлари ҳансирай-ҳансирай ҳолдан тойган, ўзини тақдир ҳукмига ҳавола этишдан ўзга чораси қолмаган саҳро заминининг қисматига ишора.

Бир қарашда саҳро манзараси худди ана шундай. Лекин ўз ички қонуниятлари билан бу ерда ҳам ҳаёт мавжуд. Усимлик дунёси саксовул, юлғун, янтоқдан, ҳайвонот олами эса эчкиэмар, қашқир, турли хил илонлар калтакесаклардан иборат. На қуш, на одам маскан топади бу ерлардан. Бунда тасаввурлар чалғийди, ҳаёт ҳақидаги тушунчалар тўқнашиб, қарама-қаршилик ва зиддиятларни кучайтиради, шунинг учун ҳам нохуш манзаралардан қалб ҳуркиб, ортга тортади.

...Мана, у яна шу ерда, Варахша чўлининг этакларида — чексиз-чегарасиз, беҳудуд ва беадад даштликларга нигоҳини қадаб турибди. Шу туришда у дам бронзадан ясалган ҳайкалга, дам ёвуз рақибига човут солишга ҳар лаҳза шай абжир суворийга, дам жонсиз вужудни тирилтирмоққа аҳд қилган фожеавий қаҳрамонга ўхшаб кетади. Нима бўлганда ҳам у аҳдида қатъий, ниятларида собит, ночорликни тадбиркорлик билан даф этишга қодир инсон қиёфасини аён этиб туради.

Ана, уфқ ҳам яллиғланган темирдай қипқизил тусга кира бошлади. Ҳадемай бутун борлиқ жоду қилингандай қуёшнинг олов комига тортила боради. Ҳаёт илинжида туни билан дайдиб изғиган жонивор борки, ўзини юлғунзору чангалзорлар бағрига уради. Қуёш дастлабки тушунча мағзига сингдирилган мазмун-моҳиятининг тескарисига — ёндирувчи, куйдирувчи, сўндирувчи нарсага айланади. Гармсел изғиб тентирайди, кўкка ўрлаган қуюнлар сарсон кезади, замин ҳансирайди, ҳаллослайди, сўнгра қисматга тан бериб тинчиб қолади...

У саҳронинг ранг-баранг ҳолатларини, нотавонлик, заъравонликларини, нимага зору нимага муштоқ эканлигини ҳам яхши билади. Саратонда заҳарга тўлган илондай тўлғонади, чилла совуғида ҳамма нарсани қотириб ташлайди. Ҳеч вақодан тап тортмайди, эрмак учун ўркач-ўркач қум барханларини жойидан жойига суриб ўйнайди, феъли айнаб қолса, инсон меҳнатининг самараси бўлган экинзорларни пайхон қилади, ариқ ва зовурларни кўмиб ташлайди. Буни у ўз куч-қудратини кўрсатиб қўйиш учун қилмайди, асло, унинг азал-азалдан асли табиати ана шундай. Бир пайтлари, неча-неча асрлар бурун гуллаб-яшнаган воҳалар, маданияти ривож топган шаҳарлар, кучли душман лашкарлари ҳам забт этолмаган қалъалар ана шу саҳро замини остида йўқлик ҳукмига гирифтор этилган, дарё ўзанлари қум билан тўлдирилган. Онда-сонда сақланиб қолган тепаликларда геологларнинг белгиси. Демак, бу ерларда ҳали қазилма ишлари олиб борилади, демак, авлод-аждодларимизнинг ҳаётига оид ҳали қанча сир-синоат ошкор бўлади.

У яна бир нарсани яхши билади: саҳроларнинг келинчак пайти — баҳор фаслини. О, у манзараларнинг гаштига нима етсин! Борлиқ лолазор, кўм-кўк майсазор тусини олади. Қизғалдоқлар денгизи майин еллар бағрида яйраб-яйраб тўлқин уради. Кўк, қизил, зангор рангларнинг ҳаммаси тиниқ. Тепаликлар — улкан гулдаста. Боқиб кўз тўймайди, завқланиб — юрак. Осмон — беғубор, уфқлар — яқин, бутун борлиқ бир оғушга сиққудай азиз, меҳр товланади, кўзлар яшнайди. Гўё инсон билан табиат ўртасида зиддият эмас, балки фақат ва фақат бирлик ҳукмрон... Афсус ва афсус, саҳро табиатининг фусункорлиги нақадар қисқа. Саккиз-ўн кунлик муддатдан сўнг бу гўзалликдан асар ҳам қолмайди. Улар ўрнида шовуллаши ҳам қандайдир ўзгача — қулоққа эриш туюладиган юлғунзорлар, баданлари эчкиэмар тусидаги тарам-тарам саксовуллар, тиканлари ниш ура бошлаган янтоқзорлар қаердан пайдо бўлганлигини билмай қоласиз. Саҳро ҳаёти бошланади, қуёшнинг бераҳм тиғлари остида замин гўё ўтхонага айланади. Инсон ва саҳро ўртасида азалий ва беомон жанг давом этади.

— Бағрингни яшнатиб, гўзалликка сени ошуфта этаман, — дейди инсон.

— Оловга яқинлаша кўрма, унинг тафтида жизғанак бўласан, — дейди саҳро.

Барибир инсон ўз измидан қайтмайди, тавқи-лаънатга учраган саҳро бағридан ер тортиб олиб, тобора ичкари интилади. Унинг бу борадаги аҳди-паймони қатъий, ғайратшижоати етарли, куч-қудрати бисёр. Фақат унинг ихтиёрида сув бўлса, бас, техникага ҳам эндиликда муҳтожлик сезилмайди.

...У саҳро қаърига нигоҳини қадаганча қотиб қолгандай. Лекин у таҳдид билан эмас, меҳр билан боқади. Бу йил, янаги йил, мана шу беш йил ичида Варахша саҳроларидан яна қанча ер тортиб олиниши мумкинлигини чамалайди, уни тасарруфга киритиш имкониятларини фикран ҳисоб-китоб қилади. Истак ва ниятларни рўёбга чиқариш учун шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслигини, етти ўлчаб бир кесиш лозимлигини у яхши билади. Шунинг учун ҳам у, оддийгина қилиб айтганда, чўлқувар деган ном шарафини улуғлаб келмоқда. Бу йўлда у чекиниш нелигини тасаввурига ҳам сигдиролмайди, фақат ғолибият сари интилади.

У деганимиз — замондошимиз, юзларнинг, мингларнинг, ўн мингларнинг биттаси бўлган оддий чўлқувар, механизаторлик касби билан юртдошлари ҳурмат-эътиборини қозонган, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида халқнинг юксак ишончига лойиқ Жўрамурод Худойқуловдир. У ўзининг туғилиб ўсган юрти — Пешқу районидаги Фрунзе номли колхозда яшаб, шу ерда меҳнат қилади. Тиниб-тинчимас, куч-ғайратга тўлиб тошган, ўзгаришлар руҳини чуқур ҳис этган, эртанги кун юксакликларидан туриб фаровон ҳаётни бунёдга келтираётган фидокор, меҳнатсевар инсон. Йигирма йилдан бери — ўрта мактабни битиргандан буён у шу ерда ишлайди, ўзи каби меҳнат билан униб-ўсган кишиларнинг қувонч ва ташвишлари билан нафас олади.

— Мана бу маккажўхори майдонларига қаранг, — дейди Жўрамурод нигоҳини саҳро бағридан тортиб олиб. Саҳро билан туташ экинзорларга боқамиз. Нотекис ўсган, бўйи етай деганда барглари қовжирай бошлаган маккажўхорилар оғир кайфият уйғотади.

— Шу майдонларни тўйдириб бир мартагина сув берсак кифоя эди, — дея аллақандай ўкинч оҳанги билан давом этади Жўрамурод. — Бироқ бу йилги сув танқислигининг касри биринчи галда ана шу маккажўхоризорларга урди. Ғўзалар насибасини қирқмаслик учун бу майдонларни ўз ҳолига ташлаб қўйишдан ўзга илож тополмадик.

Бу майдонлар асли бундан бир-икки йил муқаддам чўл бағридан юлқиб олинган ерлар. Қанча меҳнат, сарф-харажат, куч-имконият сафарбар этилган эди бу ишларга. Лекин афсус-надомат чекишдан фойда йўқ.



Суратда: Жўрамурод Худойқулов (ўнгда) устози, илғор механизатор Ширинбой Жумаев билан ўзаро суҳбатда.

Автор фотоси

Баъзан, ана шунақа, табиат хуружларига ён беришга, бўйсунишга ҳам тўғри келади, бусиз илож йўқ. Лекин бу ерлар ўзимизнинг ўзлаштирган ерларимиз. Бугун бўлмаса эртага у албатта тилсимини очмай қўймайди.

Чўлу саҳролар билан олишавериб чайир бўлиб кетган вужуди, қуёшнинг олов тафтидан бўғриққан чеҳраси, бу ерларнинг сизу биз кўролмайдиган сиру асрорини ҳар сония, ҳар лаҳза кузатиб турган ўткир нигоҳи Жўрамуроднинг — чинакам чўлқуварнинг дил сўзларига кафолат.

Куннинг оташ тиғи остида бошларини оғиз-бурунлари аралаш оппоқ рўмоллар билан танғиб олиб, жон асрашга ҳоли қолмаган ҳар туп ғўза атрофига ишлов бераётган қизлар ва навжувонларни кўрганимизда, оқар сувларни зовур сувлари билан аралаштириб, ҳар томчи оби ҳаётни далаларга тежаб-тергаб тараётган сувчилар меҳнати билан танишганимизда, ўз ҳаловатидан воз кечиб, сифат комиссияси составига 5—7 кишидан уюшган ҳолда сув тараш, ўғит бериш каби масалаларда ўзларининг бой тажрибалари билан юртдошларига кўмаклашаётган қариялар билан суҳбатлашганимизда кўпчиликнинг меҳнат самараси зое кетмаслигига амин бўлдик.

Ҳамма далада. Колхоз раиси, унинг ўринбосарлари, бригада бошлиқларини қуёш ерни энг забтига олган дамларда ҳам идорада учратолмайсиз. Барча бир тан-бир жон бўлиб, ҳар дақиқа, ҳар лаҳзани ғанимат билиб, бу йилги ҳосил учун курашларга ўзларини сафарбар деб билганлар. Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени нишондори, 30 йилдан бери пахтачилик бригадасини бошқариб келаётган Хўжам Оқиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган сувчи Қўлдош Йўлдошев, пиллакаш Гавҳар Жумаева, чорвадорлар эр-хотин Турди Раҳматова ва Раҳмат Турдиевлар, бригадирлардан Шариф Жумаев ва Жума Расуловалар, колхозчилар — Лола Нурова, Раҳима Нурназарова, Баҳрия Йўлдошева, Жўрақул Саидов, Қўша Мавлонов, Самин Авазов, Дурон Пўлатов ва яна неча ўнлаб кишилар ўзларининг фидойи меҳнатлари билан колхознинг фахри, унинг обрўйи ҳисобланадилар. Биз бухоролик журналист Рашид Аслонов билан бирга уларнинг кайфияти, маданий-маиший эҳтиёжлари, талаб-истаклари билан қизиқамиз.

— Бир сўз билан айтайми, — дейди ўзига хос қизиққонлик билан Жўрамурод Худойқулов. — Деҳқон орзулари рўёбга чиқадиган чинакам замонлар бўлди. Алмашлаб экишни жойига қўйдик, механизациядан тўла унум билан фойдаланаяпмиз, ортиқча ерларга эҳтиёж қолмади. Бу — қўшиб-ёзишдек балою иллатдан халос бўлдик, дегани. Қанча оғир бўлса ҳам баланд руҳ билан ишлаётганимизнинг боиси ана шунда.

Янги ўзлаштирилган ва ўзлаштиришга мўлжаллаб қўйилган ерлардан ҳозиргина бизларни олиб ўтган колхоз раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Худоёр Қутлиев замонавий посёлкаларнинг истиқболи ҳақида гапиради:

— Колхозларимиз тасарруфидаги қишлоқлар анчагина. Биз энди эртанги кунни ўйлаб, Варахша массивида замонавий уйжойлар қуришга аҳд қилдик. Бир неча бино қад кўтарди, бир нечасида асосан ёшлар истиқомат қилишаяпти. Янги кўчиб борганларга алоҳида қулайликлар яратилаяпти, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан имтиёзлар берилган.

Колхозда физкультура ва спорт ишларига алоҳида эътибор берилган. Футбол командаси район бўйича иккинчи, курашчилар командаси эса, область миқёсида совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Бундан икки йил муқаддам яхшигина ансамблимиз бор эди, — дейди овозида норозилик, юзида хафалик аломати пайдо бўлиб Худоёр ака. — Унга биз «Варахша гуллари» деб ном берган эдик. Унинг атрофига уюшган санъат ихлосмандлари — йигит ва қизларимиз кечалар ва йиғинларимизга файз киритишарди. Афсус, ана шу ансамбль тарқалиб кетди. Сабабми? Район маданият бўлими мутасаддилари музика раҳбари штатини қисқартириб юборишди. Жонкуяр раҳбар бўлмагач, ҳарчанд уринмайлик, ансамблни тиклай олмадик.

Биз ҳам район маданият бўлимининг бундай «ташаббуси»га ҳайрон қолдик. Йўқдан-ку, йўндириш мумкин, борини ҳам йўққа чиқариш... Ҳеч мантиққа сиғмайди.

Суҳбат айни қизғин тус олган пайтда дала шийпонига колхоз партия ташкилотининг секретари Шоҳназар Ҳасанов келиб қолди.

— Сифат комиссияси ишининг ўн кунлик якунлари билан танишдик, — деди у хурсанд ҳолда. — Ажойиб ветеранларимиз борда. Шариф Бозоров дастлабки раисларимиздан, узоқ йиллар бригадирлик қилган; Мардон Холов — ўн йилдан зиёд раис бўлиб, яхши ном қозонган; табелчиликдан бригадирликка кўтарилган Нурмурод Саидов, собиқ бош инженер Ҳамроқул Нуров... Буларнинг тажрибаси бизлар учун бамисоли жавоҳирлар сандиғи. Фақат ундан фойдалана билсак бас. Колхозимиздаги юз эллик нафар коммунистнинг ҳаммаси ҳам барча имкониятларни ишга солиб меҳнат қилаётган фидойи кишилардир. Балки, суҳбатда, уларнинг номи ҳам тилга олингандир.

Ҳа, юқорида исми-шарифи зикр этилганларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир, улар ўрнак ва намуна кўрсатиб бошқаларни олға бошламоқдалар.

— Биз ўтган йили зиммамиздаги план топшириқларини уддалай олмадик, — дейди Ш. Ҳасанов. Лекин унинг сўзларида пушаймонликка ҳам, мамнунликка ҳам ўхшамайдиган аллақандай оҳанг сезилади. Бу мавҳумот ҳолатига Жўрамурод Худойқулов равшанлик киритади.

— Гап шундаки, — дейди у босиқлик ва ўйчанлик билан, — ўтган йили план қоғозда бажарилган йиллардагидан кўра кўпроқ пахта бердик. Бир минг уч юз гектарлик пахта майдонимизнинг бир қаричини ҳам кўздан яширмадик. Дилимиз покиза бўлиб, кўнглимиз равшан тортди. Бу ҳаётбахш руҳни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан олдик. Партиямизнинг XXVII съезди ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўргатди. Кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар иллатидан қутилганимиз учун ортиқча юкдан халос бўлгандек енгил тортдик. Эндиликда бундай нохушликларга заррача бўлса-да йўл қўймаслигимиз керак...

Йўлдамиз. Икки томондаги баравж ғўзалар қатида кўзланган ҳосил чўғи яширин. Фрунзе номидаги колхоз меҳнатчилари гектаридан 30,7 центнердан пахта хирмони уйиш, жами 4 минг 80 тонна ҳосил йиғиштириш мажбуриятини ўз зиммаларига олишган. Кечасию кундузи давом этаётган меҳнат ана шу вазифани шараф билан адо этишга қаратилган.

Гоҳ ўйдим-чуқур, гоҳ шағал тўшалган, гоҳ тўшаш учун тайёр қилиб қўйилган уюм-уюм қуруқ асфальтлар ёнидан — нотекис йўлдан борар эканмиз, партком секретари эътиборимизни жалб қилиб дейди:


— Яна бирор ойлардан сўнг текис асфальт йўлга айланади бу жойлар. Очиғи, бу ҳам депутатимиз Жўрамуроднинг хизмати.

Билсак, учта колхоз ерларини туташтирадиган, узунлиги саккиз километрдан иборат бўлган бу йўл сайловчиларнинг ўз депутати Жўрамурод Худойқуловга билдирган талаб ва истакларидан бири экан.

— Йўл бирор ойларда эмас, шу йил битади, — дейди у аниқлик киритиб. — Ҳамонки, гап депутатлик ҳақида бошландими, айтишим керак, ўзининг ва ўзгаларнинг қадрини билган кишиларга бу иш осон эмас.

Ўз гапидан ўзи ҳижолат чеккандай, бироз тараддудланиб, анчайин жиддий оҳангда давом этади Жўрамурод:

— Мен — оддий бир қишлоқ йигитига ҳукумат ишларида иштирок этишдек катта кафолат бериб қўйилди. Айрим масалаларни зудлик билан ҳал қилиш учун имкониятлар яратиб берилган, айрича ҳуқуқ ва имтиёзлар билан таъминланганман. Мана, шу йўлни



**Пахта карвони.**

**А. Усмонов фотоси (ЎзТАГ)**

олайлик. Лойиҳалаштиришдан тортиб уни қуриб битказишгача сарфланадиган харажат бир неча миллион сўмни ташкил этади. Навоий номли, Шариф Эргашев номли ва бизнинг колхоз саъйи-ҳаракатларини бирлаштирган тақдирларида ҳам катта миқдордаги бу сарф-харажатга қодир эмас. Айрим мутасадди ташкилотлар эса осонликча ён босмайдилар. Ана шунда депутатлик ҳуқуқидан фойдаланишга тўғри келди. Мен ўзимга билдирилган ишончни оқлашга, зиммамга юклатилган бурчни ўташга ҳам шу тарзда ўрганиб бормоқдаман... Чўллар бағридан яна тўрт юз гектар ер тортиб олиш, Варахша каналини давом эттириш ва бетонлаштириш, район марказида пионерлар уйи қуриш, Пешку пахта тозалаш заводини газлаштириш ва бошқа ишлар сайловчиларнинг наказлари, талаб ва истаклари. Умидим — ана шу ниятларни рўёбга чиқариш.

— Қишлоқ хўжалигидаги шахсан ўзингиз банд ва масъул ишларга халал бермайдими булар?

— Албатта, вақт топиш керак. Вақт топамиз, — дейди Жўрамурод ишонч билан.

Турли юмушлар билан машғул колхозчиларнинг меҳнати, яшаш тарзи, орзу-ўйлари билан танишиш натижасида амин бўлдик: туб бурилиш даврининг янгиланиш руҳи яратувчилик, бунёдкорлик ишларида намоён бўлиб бормоқда. Ана шу руҳдан илҳомланган кишиларимиз ҳали кўп яхши самараларга эришадилар.

...Икки нарсанинг зидди — саҳро билан бўстон бу ерда бир-бирига туташ. Бир томонда ҳаёт яшнайди, бир томонда томчи сувга ташна ерлар. Лекин инсон нигоҳи ҳар икки томонга ҳушёр қадалган. Саҳро ямяшил ерларни-да комига тортаман дейди, инсон эса унинг телба хуружларини даф этиб, ўзини гўзалликка ошуфта қилиш билан оворао банд. Бу — аслида ҳаёт учун кураш, кўлами ва миқёси билан тенгсиз ва беадад кураш. Охир-оқибатда инсоннинг — юзлаб, минглаб, ўн минглаб жўрамуродларнинг, унинг билан бирга бораётган сафдошлар — замондошларимизнинг ғолибияти билан якунланажак курашдир бу!

**Баҳодир АМИНОВ**

Пешку — Тошкент

# ИСЁНКОР ҚАЛБ

*СЕРГО ОРЖОНИКИДЗЕ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН*



Григорий Константинович Оржоникидзе 1886 йил 24 октябрда Грузиянинг Имеретия тоғларидаги Гореша қишлоғида камбағаллашган дворян Константин Николаевич оиласида дунёга келди. Улар енг ичида кун кўрардилар. Отаси оилани бир амаллаб тебратиш учун Чиатура шаҳарчасига бориб, иш қидирар, гоҳо ҳўкизлар қўшилган аравада марганец рудасини темир йўлгача ташишга ёлланар, гоҳо денгиз қирғоғидаги Поти портига келиб тирикчилик тадбирини қилар эди. Григорий дунёга келганига олти ҳафта тўлганда, онаси вафот этди...

Серго Оржоникидзенинг революцион фаолияти 1901 йили Тифлис фельдшерлар мактабига ўқишга кириши билан бошланди. У мактабдаги социал-демократ ўқувчилар тўгараги машғулотларида қатнаша бошлади. Бунгача у В. И. Ленининг «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган асари билан танишиб чиққан эди. Доҳийнинг «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» фаолиятидан аллақачон хабар топган Серго, ленинчи «Искра» газетасини мунтазам ўқиб, грузин социал-демократларининг яширин газета ва варақаларини тарқатувчи эътиқодли революционерга айланган эди.

Серго Оржоникидзе 1903 йили Россия социал-демократик ишчилар партияси сафига кирди. У Улуғ Октябрь революцияси ғалабасига қадар революцион фаолияти учун етти марта қамалиб чиқди. Бокудаги Баилов қамоқхонасидаги ваҳшийликлар ҳам, Шлиссельбургдаги ёвузликлар ҳам, бир умр Сибирга сургун қилиниши ҳам, Енисей губерниясидаги инсон ақли бовар қилмайдиган қийноқлар ҳам, сиёсий маҳбусларнинг Ёқутистондаги оғир аҳволи ҳам унинг мардонавор иродасини бука олмади. Серго қамоқхона ва сургунларда, чор маъмурларидан қочиб, Эронда яшаганида ҳам инқилобий фаолиятини давом эттираверди.

Серго Оржоникидзе революцион ишларда қатнашаркан, у доимо партиянинг асосчиси В. И. Ленин билан учрашиш, ундан революцион сабоқ олиш орзуси билан яшади.

У Эроннинг Ғилон вилоятида туриб, партиянинг Париждаги большевистик маркази билан боғланди; большевистик матбуотга хат-хабарлар юбориб турди; унинг ўткир фельетонлари, публицистик мақолалари «Гуржи ўғли Серго», «Серго Клдисзири» тахаллуслари билан эълон қилинарди.

Бу ерда у большевикларнинг ғарб мамлакатларида босилган китоб ва газеталарини Эрон орқали Россияга ўтказиш ишига бошчилик қилди. Тез фурсатда форс тилини ўрганди, «Коммунистик партия манифести»ни форс тилига таржима қилиш ишига бош-қош бўлди. Эрон болаларига рус тилидан бепул дарс берди. Бир йил атрофида — 1909 йил куздан 1910 йил кузигача муҳожирликда яшагандан сўнг В. И. Ленин билан учрашиш учун Парижга жўнади. Бу ният бир йилдан кейин — 1911 йил 31 январда ушалди. Улар В. И. Ленининг Париждаги Мари-Роз кўчасидаги квартирасида учрашдилар. «Шу кундан эътиборан, — деб эслайди Н. К. Крупская, — у бизнинг энг яқин дўстимиз бўлиб қолди». В. И. Ленин Серго билан бўлган суҳбатда Кавказдаги социал-демократик ҳаракатлардан тортиб, миллий масалагача қизиқди. В. И. Ленин унда марксистик билимга чанқоқлик билан бирга исёнкорлик кайфияти кучлилигини ҳам кўрди. Бинобарин, бу грузиялик большевикка ниҳоятда масъул топшириқларни ишониб топшириш мумкинлигига амин бўлди.

РСДРП Боку ташкилоти Сергони большевикларнинг Париж яқинидаги Лонжюмо мактабига ўқишга йўллади. Бу мактаб 1911 йил июнь ойининг бошларида ўз фаолиятини бошлаган эди. Мактабда асосий масалалар: сиёсий иқтисод — К. Марксниг буржуа сиёсий иқтисоди назарияларини танқид қилиши; аграр масала; Россияда социализмнинг назария ва практикаси масалалари бўйича В. И. Ленининг ўзи лекциялар ўқирди. Сиёсий иқтисоддан семинар машғулотларини Инесса Арманд олиб борарди. Большевиклар партия мактабининг иш юритувчиси Н. А. Семашко эди.

Сергонинг партия мактабидаги ўқиши узоққа чўзилмади.

Россияда янги революцион тўлқин бошланганлиги туфайли В. И. Ленин Лонжюмо партия мактабининг истеъдодли талабаларидан Серго Оржоникидзе, И. И. Шварц ва Б. А. Бреславни Россияга, революцион социал-демократлар орасида иш олиб боришга, большевикларнинг Бутунроссия конференциясини тайёрлашга сафарбар қилди. Серго Оржоникидзе бу конференцияга тайёргарлик кўрувчи Россия ташкилий комитетига аъзо қилиб киритилди. Оташин большевик Бутунроссия партия конференциясига ҳозирлик кўриш жараёнида ўша пайтда партияда бош кўтарган оппортунистларга, миллатчиларга қарши кескин кураш олиб борди.

1912 йил январда бўлиб ўтган РСДРПнинг Бутунроссия VI (Прага) конференцияси биринчи мажлисдаёқ амалда Г. К. Оржоникидзе бошчилик қилган Россия ташкилий комитетининг фаолиятини маъқуллади. Унда шу масала юзасидан Серго Оржоникидзе доклад қилган эди. У конференция давомида ленинча йўлни қувватлаб, меньшевик-ликвидаторлар ва отзовистларни фош этиб, бир неча бор сўзга чиқди: конференция қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда актив иштирок этди. Конференция Г. К. Оржоникидзени РСДРП Марказий Комитети аъзолигига ва Марказий Комитетининг бевосита Россияда иш олиб борувчи Рус бюроси аъзолигига сайлади. Бу — Серго Оржоникидзенинг, доҳий назари тушган революционернинг большевиклар партияси атоқли арбобларидан бирига айланганлигидан далолат эди. Конференцияда В. И. Ленин таклифи билан Россия Ташкилий комитетининг фаолиятини маъқуллаган қарор қабул қилинди.

Бироқ кўп ўтмай, 1912 йил 14 февраль куни революцион фаолияти учун Серго Оржоникидзе қамоққа олинди. Суд ҳукми: уч йил каторга ишлари ва умрбод сургундан иборат эди. Серго уч йил ёвузлик макони — Шлиссельбург қалъасида сақланди, кейин бир умр Сибирга сургун қилинди...

1917 йил Лена дарёсида муалар кечроқ, май ойининг охирида эриди. Тинка-мадори қуриган сиёсий маҳбуслар Ёқутистонни тарк этдилар. Улар орасида атоқли большевиклар Г. К. Оржоникидзе, Г. И. Петровский, Е. М. Ярославский ҳам бор эди.

Серго Оржоникидзе 1917 йил 23 майда Петроградга етиб келди. В. И. Ленининг таклифи билан у РСДРП(б) Петроград комитети составига ҳамда ишчи ва солдат депутатлари Петроград Совети ижроия комитетига киритилди. Тиним билмас революционер Оржоникидзе омма орасида тушунтириш ишларини олиб боришга катта эътибор берди.

1917 йил июль воқеаларидан кейин партия В. И. Ленин ҳаётини муҳофаза қилиш чорасини кўрди. Марказий Комитет Разлив билан алоқа боғлаб туришни Оржоникидзега топширди.

Қуролли қўзғолон сари йўл тутишни белгилаган VI съездга Серго Оржоникидзе Петроград большевистик ташкилотидан делегат қилиб сайланганди. У съездда ҳаммани ҳаяжонга солган масала — В. И. Ленининг буржуа судига келиш ёки келмаслиги масаласида доклад қилди. Съезд бир оғиздан С. Оржоникидзенинг фикрини қувватлаб, В. И. Ленининг буржуа судига келмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди. Партиянинг VI съездидан кейин у қисқа муддатга Закавказьега бориб, Тифлис ва Ғарбий Грузия большевистик ташкилотлари конференцияларини ўтказишга раҳбарлик қилди. 1917 йил 24 октябрда Петроградга қайтиб, темир йўл вокзалидан тўғри революция штаби — Смольнийга йўл олди. Оржоникидзега Муваққат ҳукумат ва Керенскийнинг сўнгги умиди бўлган тўпчилар учинчи батальонини революция томонига ағдариб олиш вазифаси топширилган эди. Серго бу ишончни оқлади. У тушган броневикни Новинка станцияси ёнида, ўрмон ёқасида тўпчилар батальонининг соқчилари тўхтатдилар. Серго броневик ёнида тасодифан тўпланган тўпчилар қаршисида бир ярим соат нутқ сўзлади. Ва... ҳеч қандай қаршиликсиз бутун бошли тўпчи батальон Совет ҳокимияти томонига ўтди.

1918 йил ёзда, Советлар Республикаси душманлар ҳалқаси ичида қолган бир пайтда С. Оржоникидзе Жанубий районнинг фавқулодда комиссари қилиб тайинланди. Унга В. И. Ленин томонидан берилган мандатда Қрим, Кубань, Дон областларидаги, Ставрополь ва Қора денгиз губерниялари — Боку, Шимолий Кавказ, Қора денгиз флоти Оржоникидзе раҳбарлигида ишлаши қайд қилинган эди. Шундай катта ваколатларга эга бўлган фавқулодда комиссарнинг штати атиги тўртта питерлик ишчидан иборат эди!

Гражданлар уруши йилларида партия Марказий Комитети Серго Оржоникидзени

Евгений БЕРЕЗИКОВ

# ҚАДР

(ҲИКОЯ)



Жанубий йўналиш бўйича поезднинг жўнашига деярли йигирма минутча вақт қолган эди. Суюн вокзал майдонига тўшалган бетон гиштларга гўё озор бермаслик учун иложи борича оҳиста қадам ташларди. Бундай эҳтиёткорликнинг сабаби қўлтиғига қистирилган танбур бўлиб, уни бугун комиссион магазиндан харид қилиб олди.

У келинига атаб олинган сержило хонатласга музика асбобини авайлаб ўраган, гўё гўдакни бағрига босгандай, илиқ бир туйғу вужудини илитарди.

Нимасини айтасиз, танбурни кўриб, биринчи галда Турсун бобонинг севинчи ичига сиғмаса керак-ов! Фольклор ансамбли тузиш ҳақидаги таклиф асли ана шу саксон икки ёшли оқсоқолдан чиқди. Ўрта мактаб ўқитувчиси Суюн бу фикрни қўллаб-қувватлади.

Ансамбль аъзоларининг дастлабки йиғилишидаёқ Турсун бобо тенгдошлари даврасида енгларини шимариб ўйинга тушар, атрофдагиларга қувлик билан боқар экан, куйлай кетди:

Ҳой, сен калиш сотиб ол,
Келин асло билмасин...

«Машъала» деб ном берилган ансамбль атрофида Турсун бобо каби ўттиз нафардан зиёд тинибтинчимас қариялар уюшди. Улар сентябрь кунлари мактаб ўқувчиларидек ҳар бир йиғинга шовқин-сурон ва қувноқ кайфиятда тўпланардилар. Ансамблни кўриш ва тинглаш учун ҳар тарафдан келаётган одамлар оқими сира тинмасди.

Қўшиқ ва ўйинлар обдан маромига етказилди, ёддан кўтарила бошлаган аския ва пичинг-қочиришларга янгича оҳангларда қайтадан жон бағишланди. Лекин кўнгилдагидай жарангдор музика асбоблари етишмасди. Савдо пештахталарига қўйилганлари эса, мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида ишланган. Асбоб бўлгани билан мусиқий сеҳри бўлмаса, ундан нима наф? Улар заводда узлуксиз усулда ишлаб ташланавергандан кейин аҳвол шу-да.

Гижбадабанг доирани эса уларга пойтахт артистлари совға қилдилар. «Машъала» аъзолари — қарияларнинг чиқишлари ўзининг завқу шавқи билан уларни тамоман сеҳрлаб қўйган эди.

— Эҳ-а, мана буни ансамбль деса бўлади, бундай қувончни қачонлардан бери туймаган эдим, бир маза қилдим, — деган эди ўшанда пойтахтликларнинг раҳбари кинокамера олиб келмаганидан кейиниб.

— Фольклор саҳналарини телевидение орқали кўрсатсак, зўр иш бўларди-да.

Меҳмонларнинг кўтаринки ҳолатидан фойдаланиб, Суюн Турсун бобони гижгижлади ва пойтахт артистларидан ана шу доирани сотиб олишга кўндирди, лекин шунга муносиб танбур уларда ҳам йўқ эди.

Ўғлининг никоҳ тўйини ўтказиб бўлгач, каникулнинг сўнгги кунларидан фойдаланиб қолиш учун Суюн зарур музика асбобини қидириб топишга аҳд қилди ва катта шаҳар сари йўл олди. Музика асбоблари билан савдо қиладиган дўконга кириб ўтирмади, вақти зое кетишини яхши биларди. Чунки у жойларда ансамблда ярим йилдан буён жўнгина динғиллайдиган танбурга ўхшаш асбоблардан бўлак ҳеч вақо бўлмайди. Поезддан тушиши биланоқ бошқа йўлга бурилмасдан у тўғридан-тўғри комиссион магазинини қидириб кетди. Хайрият, қидиргани топила қолди. Мана, танбур қўлида.

Асбоб униққан бўлса-да, уни яратган номаълум устанинг меҳр кўри сезилиб турарди. Давр ўтиши билан инсон қўллари ҳароратидан сайқал топиб ярқираган танбур торлари ҳам ниҳоятда жарангдор — тоғ архарининг пайларидан ишланган эди. Суюн асбоб учун чамалаганидан кўра кўпроқ — икки юз сўм тўлади. Яхшиямки, йўл-йўлакай келинига бир кийимлик хонатлас олгани, акс ҳолда уйда жанжалдан боши чиқмай қолармиди. Лекин бағрига босган танбур шунақаям вужудини илитмоқдаки, унинг завқига нима етсин.

Билет — чўнтакда. Касса томон навбатга турган оломон даврасидан, хайрият, соғ-омон чиқиб олди. Эндиликда бу давра ўзининг шовқин-сурони билан бошқаларни ҳуркитиб турарди.

Асфальт ва бетон қотишмасидан иборат перрон қизигандан қизиб борарди. Томоқлар қақрайди. Суюн вагон ичига киришдан аввал бу шаҳарда унга ниҳоятда ёқиб қолган муздаккина морсдан яна бир стакан ичиб, чанқоғини қондирмоқчи бўлди. «Хоҳиширода бўлса, бас, одамлар қандай яхши ишларни амалга оширмайдилар».

Чўнтагида атиги бир сўм пул ва яна танга-чақалар қолганлигини сезди. Морс сотиш ўзига ниҳоятда ярашиб тушган кўҳликкина навжувон кружкани тўлдириб Суюнга узатди.

— Муздаккина экан, — бош ирғади миннатдорлик билан Суюн.

— Жоннинг роҳати, — деди сотувчи аёл. — Гўдак ўрагандай тугунни қўлтиғингизга қистириб олибсизми? — дея қизиқсинди у.

— Буми, танбур, музика асбоби.

— Ҳа-а-а, — маънодор оҳанг билан овозини чўзиб деди аёл.

— Ниҳоятда ажойиб нарса бу, — ўз навбатида қўшиб қўйди Суюн.

Шу билан улар ўртасидаги гапсўз тугади. Бировнинг саховатли қалбини англаш учун одамга арзимас нарса кифоя. Арзимас нарса...

---

икки марта Туркистонга сафарбар қилди. Чунки бу даврда Туркиядан қочган Анвар пошшо ва Англиянинг Қашқардаги бош консули Эссертон 1922 йил баҳорда Совет Россиясига қарши «буюк мусулмон давлати»ни ташкил қилишга киришган эди. Анвар пошшо инглизлар томонидан қуролланти-рилган эллик мингдан ортиқ босмачи қўшинларини тўплади. Бундан ташқари, Туркистоннинг ҳамма қисмида ўнлаб босмачи тўдалари ҳаракат қилаётган эди. 1922 йил май ойининг бошида партия Марказий Комитетининг махсус вакили сифатида С. Оржоникидзе Туркистонга келди. Партия Марказий Комитети 1922 йилнинг май ойида Оржоникидзенинг «Туркистон — Бухоро ишлари бўйича таклифлари»ни маъқуллади. Бу — РКП (б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюросини тузиш, «сўл коммунистлар» ташкилотларини тарқатиб юбориш, Бухоро коммунистик ташкилотларини қайта тафтиш қилиш ва мустаҳкамлаш, Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш ва бошқа таклифлардан иборат эди.

Партия Марказий Комитети Серго Оржоникидзени 1922 йил августида иккинчи марта Туркистон ишларига жалб қилди. У бу гал ҳарбий-сиёсий ва партиявий-ташкилий масалаларда Туркистонга ёрдам берувчи комиссия ишига бошчилик қилди.

Гражданлар урушининг деярли барча фронтларида ҳарбий комиссар, армия қўмондони сифатида иштирок этган Г. К. Оржоникидзе мамлакатимиз тинч қурилишга ўтган йилларда социалистик қурилишнинг барча жабҳаларида катта жонбозлик кўрсатди. Партиянинг X съездида Г. К. Оржоникидзе РКП (б) Марказий Комитети аъзолигига сайланди. 1926 йил ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, 1930 йил Сиёсий бюро аъзоси қилиб сайланди. У умрининг охиригача партия штаби составида бўлди. 1932 йили Халқ хўжалиги Олий Кенгаши қайта тузилиши муносабати билан С. Оржоникидзе оғир машинасозлик халқ комиссари қилиб тайинланди.

Серго Оржоникидзе Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказ республикалари саноатини юксалтириш, бунинг учун янги саноат комплекслари барпо этишга алоҳида эътибор берди. У Турксиб темир йўли қурилиши билан мунтазам шуғулланди. Чирчиқда саноат комплексини, жумладан, Чирчиқ Кимё комбинатини қисқа вақтда барпо этиш ишига бевосита раҳбарлик қилган, Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликни ривожлантиришнинг истиқболини кўра билган эди. Архив материаллари билан танишар экансиз, «Ташсельмаш» заводини тезроқ ишга тушириш, Оҳангарон кўмир ҳавзаси ишларини тезлаштириш, Тошкент Тўқимачилик комбинатини барпо этиш, Ўрта Осиё республикаларида нефть саноатини ривожлантириш, айниқса, Ўзбекистон саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаш фидойи коммунист Серго Оржоникидзенинг доимий эътиборида бўлганлигига гувоҳ бўласиз. Унинг ташаббуси билан 1931—1932 йилларда Ўзбекистон саноатини барпо этиш учун РСФСРдан 13 мингдан ортиқ малакали ишчи юборилди. 1930—1934 йилларда республикадаги маҳаллий миллат вакилларидан 1600 дан ортиқ киши Москва, Ленинград ва Ивановодаги марказий заводларда ишчи кадрлар тайёрлаш курсларини битириб қайтдилар.

Серго Оржоникидзе саноат ходимларининг йиғилишларидан бирида: «Саноат ходимлари учун нима зарур?.. Биринчи навбатда интизом ва партиявийлик! Партиявийлик — бу бош масала! Ишдаги партиявийлик энг биринчи ва энг дастлабки масаладир», деб таъкидлаган эди.

Серго Оржоникидзе янгиликни тез сезувчи, уни дарҳол социалистик ҳаётга татбиқ этувчи ленинча раҳбарлардан бири эди. Алексей Стахановнинг ажойиб ташаббусини биринчи бўлиб пайқаган, мамлакат саноатига ёйган Оржоникидзе бўлган эди. Шунинг учун ҳам уни кўпинча «стахановчилар халқ комиссари», деб ҳам аташарди.

Ҳа, Серго Оржоникидзенинг 50 йиллик умри коммунистик ибрат ва намунадан иборат бўлди. Унинг порлоқ хотираси абадийдир.

Козим УМАРОВ,
Искандар ҲАЙИТОВ,
тарих фанлари кандидатлари, доцентлар

Муздаккина морс бирдан унинг иштаҳасини қўзғаб юборди. Шундоққина айвон тагида икки ёш йигит егулик нарсалар билан қизғин савдо қилишарди.

Суюн бир қўли билан азиз нарсасини кўксига босганича, бошқа қўлига бор-йўқ бир сўмини ушлаб, пештахтага яқинлашди. Барзанги йигитлар аввал унга синовчан назар билан боқиб сергак тортдилар, кейин қўлидаги бир сўмликни кўриб, кўзларини лоқайдлик пардаси қоплади. Пештахта устидаги товуқ гўшти иштаҳани қўзғатар, ундан нарироқдаги қўйнинг тўши кўзни бесаранжом қилар эди. Лекин у пулига яраша булочка орасига солинган сосиска билан кифоялана қолди.

Сотувчи йигитлардан бири қалин қоғозга таққонлик билан нарсаларни ўраб Суюнга узатдида, чўт доналарини бир-икки шарақлатиб, унга яна йигирма тийинлар чамаси қайтим берди. Суюн пештахта ёнидан эндигина жилган эди, иккинчи сотувчи — бурни остига мўйлабча қўндирган озғингина йигит у томонга қараб бақирди:

— Ҳой, бир сўмни чўзмайсанми бу ёққа?

Суюн пештахта ортидаги бир уюм қоғоз пуллар томон қўл чўзган эди, мўйлабли йигит тирсаги билан тўсиб қолди, шунда ҳам ҳеч бир ҳайрон ва хафа бўлмаган ҳолда Суюн ўша ёққа ишора қилди:

— Менинг бир сўмим ана шулар ичида! — Шундай бўлса ҳам виждонини поклаб олиш мақсадида у чўнтагига қўл солди. — Мана, ҳеч вақо йўқ. Борини бердим.

Пештахта ортидаги йигитлар елка қисишди. «Берган бўлса, берипти-да». Суюн эса поезд сари ошикди. Бунақада поезддан қолиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас...

Вагонда яхшилаб ўрнашиб олгач, танбурни бурчакка авайлаб тираб қўйди. Суюн қараса, хонатласнинг қатидан бир сўмлик пулнинг учи чиқиб турибди.

— И-й-е, — қоғоз пулни суғуриб оларкан, ҳайратини ифода қилолмай ҳайрон эди ўқитувчи.

«Қандай қилиб бу ерда пайдо бўлиб қолди бу?» — ҳеч ақли бовар қилмас эди Суюннинг. Сосиска эскириб айнамаганмикин, деган ўй билан эгилган пайтда шу ерга тушиб қолганмикин? Умуман, яхши иш бўлмади. «Бу икки ўспирин йигит энди менинг ҳақимда нималар демайди? Чакана ўғри дейди, вассалом!» — айни кезда ўқитувчининг бутун фикризикри ана шунақа ноҳуш ўйлар билан банд эди, танбур ҳақидаги ширин хаёллар ҳам бирпасда таркалиб кетди.

Чайнаётган нарсаси томоғидан ўтмасди Суюннинг. У тишланган нон бурдасини жаҳл билан нари сурган эди, танбурга қўли тегиб кетди. Уни ушлаб қоламан, деб баттар бўлди. Торлар жаранглаб кетди. Танбур садолари Турсун бобонинг қўшиғини ёдга солди.

Сен сотиб ол емишингни,
Фақат ҳеч ким билмасин...

Суюннинг вужудини муздак тер босди. Танбурни жойига қўяман деб яна бесўнақай қўполлик қилди, яна ўша оҳанг қулоғи остида жаранглаб кетди:

Сен сотиб ол емишингни,
Фақат ҳеч ким билмасин...

— Ий-я, — энди чинакамига ўзидан ўзи ғаши келиб, алаҳсирашдан фориғ бўлишга интиларди Суюн.

— Гражданин, билетингизни кўрсатинг, — деди кираверишда туриб олган озғин текширувчи ҳорғинлик билан.

Суюн билетини узатди. У шу заҳотиёқ компостер қилиб, эгасига қайтарди. Лекин текширувчи пассажирни фавқулодда ҳаяжонли ҳолатда кўриб, бироз тараддудланиб қолди. Буни сезган Суюн ўрнидан даст турди-да, қоғоз пул ушлаган қўлини олдинга чўзиб қичқирди:

— Мана бу бир сўмликни олиб, эгаларига, вокзалдаги сотувчи йигитларга бериб қўйинг, илтимос. Мен уларни алдадим, мен жиноятчиман.

Бу пайт пассажирнинг юзи важоҳатли тусга кирган бўлса керак, текширувчи бор кучи билан ўзини четга олди, бироқ Суюннинг кучли панжалари унинг эгнидаги камзул баридан маҳкам тутиб олган эди.

— Қўйиб юборинг мени, ақлдан озганми бу. Мунча бир сўмингизни тумшуғимга тиқасиз? Ҳозир милицияни чақираман, — дер эди овозини баланд қўйиб чинакамига қўрқиб кетган текширувчи.

— Мен сиздан ростакамига илтимос қилаяпман, сиз бу йигитларни жуда осон топасиз. Улар вокзалда савдо қилишади. Олиб қўйинг ахир буни, — ғазабланган текширувчининг дўк-пўписаларига қарамай, бир сўмлик қоғоз пулни ҳамон унинг энгаги остида ўйнатарди.

— Қўйиб юборинг-е мени! — дея силтаниб ўзини четга олди текширувчи. Кескин ҳаракатдан унинг суяклари ҳам қарсиллаб кетгандай бўлди, бош кийими ерга тушди, думалаб бориб чўғдай қизил хошияси Суюнни хавфдан огоҳ этгандай, ёниб турарди.

Темир панжалардан зўр-базўр бўшалган текширувчи бирпасда ғойиб бўлди. Тез орада у поезд бошлиғи ва милиционер билан қайтиб келди.

— Мана у — ўша безори! — қўлини шитоб билан олдинга чўзиб, Суюнни кўрсатди текширувчи.

Ажин босган озғин чеҳра, уникқан, бироқ топ-тоза дўппи, эгнидаги бежирим костюм Суюннинг дуб-дуруст одам эканидан далолат бериб турарди. Поезд бошлиғи қандайдир даражада ишончсизлик билан текширувчидан сўради:

— Сени қўрқитиб юборган одам шуми?

— Ўртоқлар, гражданлар, — ялиниб-ёлвораркан атрофини қуршаб олган одамларга илтижо қилиб Суюн. — Мен бу одамдан сотувчиларга бир сўм пулини бериб қўйишини илтимос қилдим, фақат шу менинг илтимосим. У бўлса...

— Яна қанақа бир сўм? Бу нима деганингиз? — ҳеч нарсага тушунолмай такрор сўради милиционер.

— Ахир мана шу бир сўмлик ҳақида гапираяпман, — дер эди Суюн тартибот қўриқчиси томон қоғоз пулни чўзиб. — Мен уларнинг, ана ўшаларнинг... — Суюн ҳаяжон зўридан фикрини ифодалашга сўз тополмасди, — ана шу бир сўмлик билан сотувчиларнинг ҳақига хиёнат қилдим. Йигитлар олдида ниҳоятда уятли иш бўлди. Энди улар мени ўғри ва муттаҳам деб ўйлайдилар. Мана, мен шаҳардан танбур сотиб олдим, — нима учун қоғоз пул мавзусидан танбурга ўтганлигини ўзи ҳам тушунолмай жавраради Суюн.

— Атиги бир сўм экан-ку... Бош қотиришга ҳам арзимайди бу, — ўзиниими ё Суюнни тинчлантирмоқчи бўлиб айтдими шу сўзни милиционер, билиб бўлмасди.

— Бир сўм бўлса ҳам, ахир у бировники, виждонга хилоф, — ўжарлик билан ўзиникини маъқулларди Суюн.

— Қўйинг мана шу бир сўмингизни, гражданин, — фавқулодда осойишталик билан деди поезд бошлиғи. Текширувчининг қўлтиғидан олиб нари кетди. Лекин текширувчи танбурли ғаройиб пассажирнинг қилмишлари бутунлай оқибатсиз қолаётганлигидан норози эканлиги билиниб турарди.

Шу билан саргузашт тугади, муаллим манзилига етиб олди ва ўша куни кечқурун қувноқ қарияларга ўзининг асосий хариди — танбурни совға қилди. Турсун бобо музика асбобини меҳр билан қўлига олиб, у ён-бу ёнга енгилгина айлантириб кўрди, лабини чўлпиллатиб, завқини ошкор қилди ва бирдан хиргойи қилиб юборди:

Сен сотиб ол емишингни,
Фақат ҳеч ким билмасин...

Турсун бобонинг киноя ва пичинг тўла овози Суюннинг қулоғи остида бутунлай бошқача жарангларди.

— Е тавба, — хўрсиниб юборди Суюн. — Бу аҳмоқона фикр қачонгача мени таъқиб этиб юради энди...

Ортиқ сабр-тоқати қолмади. Алдамчи деган таъна оромини тамом бузди-қўйди. Ҳали ҳаётнинг пасту баландини яхши тушунмаган ёшгина йигитлар унинг ҳақида — муаллим Суюн ҳақида ёмон фикрда бўлишлари мумкинлиги кечаси-ю кундузи унинг хаёлини чулғаб олган эди. Энди у ўзининг ўқувчилари юзига қайси кўз билан қарайди? Ахир ҳар бир ўқувчи уни сотувчиларни виждонсизларча алдаган товламачи деб ўйламайдими?..

Янги ўқув йили бошланишига бир кун вақт қолди. Осойишталигини бутунлай йўқотиб қўйган Суюн қўшнилардан қарз-ҳавола қилиб, мактаб директоридан рухсат олди ва яна катта шаҳар томон равона бўлди.

...Мана, ниҳоят поезд сўнгги бекатга ҳам етиб келди. Вокзал майдони. Суюн деярли оёғини қўлга олиб айвон сари югурди. Минг афсус, савдо павильони батамом бўм-бўш эди.

Ҳув наридаги морс бочкаси кўзига худди оловдай кўриниб кетди. Кўҳликкина аёл ўз ўрнида эди, лекин у бу сафар морс эмас, квас билан савдо қиларди. Муаллим аёлнинг эътиборини ўзига қаратиб, ниҳоятда қизиққонлик билан ҳув ўша куни айвон остида савдо қилган йигитларни суриштира кетди. Ва шу аснодаёқ бир сўм пул ҳақида бор гапни айтиб берди.

— Ўзингизни босинг, квасдан ичинг. Айниқса бугунгиси жуда бўлакча, — илгаригидан кўра ҳам мулойимлик билан сўзларди аёл. У Суюнга чиройли кўпикланиб турган ичимликдан кружкага тўлдириб узатди. Муаллим бир кўтаришда тубигача бўшатди.

Саховатқалб аёл муздак ичимликнинг бадан-баданларга сингиб кетишиними ёхуд хайрихоҳлик туйғуларини синовдан ўтказибми, бироз кутиб турди-да, сўнгра даҳшатли ҳукмни эълон қилаётгандай Суюнга қараб деди:

— Сизнинг йигитчаларингизни кеча БХСС ходимлари ушлаб кетишди. Мўйлаб қўйгани бор эди-ку, ўша бир харидорни бир мартанинг ўзидаёқ ўн икки сўмга алдабди. Сиз эса бир сўм учун изтироб чекиб юрибсиз!

— И-й-е! — Суюн бошқа ҳеч нарса дея олмади, бутун вужуди карахт бўлиб қолган эди.


Ҳушига келиб кафтини очди — панжалари орасида эзғиланган қоғоз пулга ишора қилиб:

— Энди бу бир сўмликни нима қиламан... — деди ўта даражада қайғуга ботиб.

Б. АМИНОВ таржимаси



Р. Букенбоев чизган расм.



# КУН ТАРТИБИДА: ОЛИЙ ТАЪЛИМ

МАТБУОТДА КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасининг эълон қилинганига ҳам тўрт ойдан ошиб қолди. Шу ўтган вақт ичида бутун мамлакатимизда бўлганидек республикамизда ҳам мазкур лойиҳа кенг муҳокама қилинмоқда. Республика газеталари ва журналларида олимлар, ўқитувчилар ва умуман жамоатчиликнинг турли вакиллари олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуриш юзасидан қизғин фикр-мулоҳазалар, фойдали таклифлар билдирмоқдалар. Худди шу масала хусусида мухбиримиз Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министри **Маҳмуд Салоҳиддинович САЛОҲИДДИНОВ** билан учрашиб, унга ислоҳотга доир бир неча саволлар берди. Қуйида мана шу суҳбат мазмунини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мухбир: — Ўртоқ министр! Ҳозирги шароитда олий таълимни ислоҳ қилишнинг зарурий сабаблари нималардан иборат?

Министр: — Ривожланган социализм шароитида жамиятимиз ижтимоий ҳаётида беқиёс ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳаёт, социализмнинг тараққиёт қонунлари кун тартибига янги-янги ижтимоий масалаларни қўймоқда. Партия ва ҳукуматимиз социализмнинг иқтисодий негизи ва унинг ҳозирги тараққиёти заруриятларидан келиб чиқиб, В. И. Ленин таълимотига изчил амал қилган ҳолда, янги иқтисодий-сиёсий вазифаларни ҳал этишга собитқадамлик билан киришди. Бу борада КПСС XXVII съезди социализмнинг иқтисодий-сиёсий асосини мустаҳкамлаш ва шу тарзда жамиятимиз ҳаётини бугунги талаб ва эҳтиёжларни кўзлаб қайта қуришнинг аниқ режаларини белгилаб берди. Олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуриш вазифалари ҳам шу катта программанинг таркибий қисмидир.

Мамлакатимизда фан ва техниканинг мислсиз тараққиёти, халқ хўжалигининг ривожланиш жараёнида турли тармоқлар, йўналишлар пайдо бўлмоқдаки, уларни бугунги талаблар асосида мақсадга мувофиқ бошқариш масаласини малакали, юксак даражада ихтисослашган кадрларсиз ҳал этиб бўлмайди. Бу — масаланинг муҳим жиҳати. Иккинчидан, ҳозир амалдаги олий таълим системасининг баъзи томонлари йиллар ўтиши билан эскирди. Ундаги таълим бериш усуллари ва мутахассислар тайёрлаш методлари бугунги шароитга, жамиятимизнинг тараққиёти замирида туғилган эҳтиёжларга тўла жавоб беролмай қолди. Партия ва ҳукуматимиз мактаб таълимини ислоҳ қилиш программасини ҳам худди шу эзгу мақсадларни кўзлаб жорий этган эди. Мана шу программанинг узвий давоми ўлароқ олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуриш вазифаси кун тартибига қўйилмоқда.

Мухбир: — Қайта қуришнинг асосий моҳияти нималардан иборат?

Министр: — КПСС Марказий Комитетининг мамлакатимизда олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуришга қаратилган тадбирлари олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада яхшилаш тўғрисида кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигининг яна бир ёрқин намунасидир. Космик асрда, ишлаб чиқариш ва уни бошқаришни автоматлаштирилган системаларга ўтказиш жараёнига ўтиш шароитида кенг малакали, яхши ихтисослашган мутахассислар жуда зарурдир. Ишлаб чиқариш жараёнларининг, у халқ хўжалигининг қайси соҳасида бўлмасин, самарадорлиги биринчи навбатда шу жараёнларни бошқараётган мутахассисларнинг малакасига боғлиқдир. Олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуриш программасида мутахассисларни тайёрлашнинг ҳозирги амалдаги системасини тубдан қайта қуриш кўзда тутилган. Бунда, айниқса, кадрларни тайёрлашда уларни зарур ва муҳим касблар бўйича ихтисослаштиришга асосий эътибор берилади.

Амалдаги таълим системасида эса параллелизм деган бир жиддий нуқсон бор. Бошқача айтганда, бир қатор олий ўқув юртларида бир хил мутахассисликдаги кадрларни тайёрлаш системаси бугунги эҳтиёж нуқтаи назаридан унча мақсадга мувофиқ эмас. Умуман, қайта қуриш программасида шу хил кўпгина муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган.

Мухбир: — Таълимни қайта қуриш программасини амалга ошириш учун қандай ташкилий тадбирлар кўрилмоқда?

Министр: — Мана, бир неча ойдан бери КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Республикамизда ҳам бу муҳим ҳужжат зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг лойиҳа муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишларида 1 минг 200 дан ортиқ ўқитувчилар ва мутахассислар сўзга чиқишиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Министрликка ўқув юртлари коллективларидан ва айрим шахслардан икки юздан ортиқ таклифлар тушди. Бу таклифларнинг ҳаммаси министрлик коллегиясида пухта ўрганиб чиқилди ва сўнгра лойиҳага оид таклифлар сифатида Иттифоқ министрлигига юборилди.

Ислоҳот лойиҳасининг кенг халқ муҳокамасига қўйилиши ва шу муҳокама давомида унинг обдан пухта-пишиқ қилиб тўлдирилиши, шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир. Бизнинг давлатимиз халқ билан кенгашиб иш кўрадиган чинакам халқчил давлат эканлигини олий таълимни қайта қуришга тайёргарлик кўриш мисолида ҳам билиб турибмиз. Зеро, давлатимизнинг энг олий мақсади — бу халқ тўғрисида, унинг камолоти ва фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилишдир.


Олий ва махсус ўрта таълимни қайта қуриш жараёни — бу муҳим сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган ишдир. Уни амалга оширишда ўқув юртлари коллективларининг, тегишли министрликлар, идоралар, умуман, кенг жамоатчиликнинг иштироки талаб этилади. Бу масалада, айниқса, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари алоҳида фаоллик кўрсатишлари лозим.

Маълумки, таълимни қайта қуриш мавжуд ўқув-ўқитув системаларини тубдан ўзгартишни, уни янада такомиллаштиришни кўзда тутади. Бунга эса осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун дастлаб етук, муайян соҳалар бўйича ихтисослашган, малакали ўқитувчи кадрларга ҳамда зарур моддий-техник базага эга бўлишимиз керак. Демак, олий таълимни қайта қуришга тайёргарлик ишларини худди шу муаммоларни ҳал этишга киришишдан бошлашимиз лозим.

Мухбир: — Мана, суҳбатимиз олий таълим борасидаги муаммоларга келиб тақалди. Сизнингча, уни қайта қуриш жараёнида яна қандай муаммоларни ҳал этиш талаб этилади?

Министр: — КПСС Марказий Комитетининг Лойиҳасида кўзда тутилган вазифаларни ҳал этишга ҳар томонлама ёндашишимиз керак. Биз ўқув юртлари коллективларининг эътиборини худди шунга қаратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Шуни очиқ эътироф этишимиз лозимки, ўқув юртларимизда ҳозиргача студентларнинг, мактабларда бўлганидек, ўзлаштириш процентини ошириб кўрсатишга интилишдан иборат зарарли практикага амал қилиб келинмоқда. Бу эса студентларга бўлган талабчанликнинг ҳамда уларнинг ўзида масъулиятнинг бирмунча сусайиб кетишига олиб келди. Бу нарса студентларнинг билим савиясига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз энди шу зарарли «принцип»га чек қўйишимиз керак. Бунинг ўрнига, лойиҳада мўлжалланганидек, студентларга ўқув программаларидаги материалларни ўзлаштиришда баҳсий қизиқув руҳини сингдириш айни муддаодир. Худди шу мақсадда барча ўқув планларини тубдан қайта қуриб чиқишимиз, унда таълимнинг анъанавий усулларидан ташқари мажбурий олимпиадалар, иш ўйинлари, конкурслар, викториналар, ишлаб чиқариш ва амалий вазифаларни моделлаштириш ишларига ҳам кенг ўрин берилиши керак. Бу хил баҳсий машғулотларга саноқли ўқувчи-студентларни эмас, балки ҳамма талабаларни кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, ёшларни маъна-



**Самарқанддаги «Уста» халқ ижодий уюшмаси кулоллари.**

А. Караваев фотоси

вий жиҳатдан камол топтиришда бадиий адабиёт ва санъат асарлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мазкур предметлар бўйича мавжуд ўқув программаларини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни бугунги талаблар асосида қайтадан тузиш, обдан такомилига етказиш лозим.

Бизнингча, студентларни маънавий рағбатлантиришнинг муттасил системасини жорий этиш лозим. Кўп ҳолларда институт ёки университетни имтиёзли дипломлар билан тамомлаган ёшларнинг истеъдоди етарли қадрланмайди, жойларга борганда уларга деярли эътибор берилмайди. Бундай қобилиятли ёшларни ўқув юртларининг ўзида олиб қолиш, аспирантурага тавсия этиш, улар ҳисобига ўқитувчилар сафини тўлдириш ҳамда бошқа илмий-тадқиқот институтларига йўллаш системасини расмий одатга киритиш керак. Шу ўринда олий ўқув юртларини тамомлаб, жойларга ишга борган ёш мутахассислар ҳақида алоҳида тўхталишни истардик. Республикамизнинг область ва районларида (айниқса, қишлоқ районларида) кўпгина соҳаларда маълумотли кадрлар, мутахассислар етишмагани ҳолда йўлланма билан ишга борган ёш кадрларга яхши эътибор берилмайди. Уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, тегишли шароит яратиш тўғрисида, умуман, уларнинг муқим кадрлар бўлиб қолишлари ҳақида етарли ғамхўрлик қилинмайди. Жойлардаги маҳаллий партия ва совет ташкилотлари бу масалага эътибор билан яхши киришсалар, айни муддао бўларди.

Умуман, ёш кадрлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни ишга жойлаштириш, тегишли уй-жой шароитининг гарантияли бўлиши ҳам лойиҳанинг такомиллашган нусхасида ўз ифодасини топиши лозим. Шу масаланинг яна иккинчи томони бор. Ўқув юртларини тамомлаган ёшларнинг баъзилари (айниқса, шаҳарликлар) йўлланма олган жойларига умуман етиб бормайдилар, баъзан эса 3—4 ойлаб кечикиб борадилар. Бу борада ҳам қатъий тартиб ўрнатилиши керак. Ушандай ёшлардан уларни ўқитиш учун кетган харажатни ундириб олиш ва ҳатто баъзи ўта интизомсизларини олий маълумот гувоҳномасидан маҳрум этиш ҳуқуқи ҳам гарантияланган бўлишини истардик. Мана шу айтилганларга ўхшаган муаммолар борки, буларнинг ҳаммаси таълимни қайта қуриш жараёнида амалда ўзининг ижросини топиши керак.

Мухбир: — Ўқув юртларига қабул вақтида қишлоқ ёшлари билан шаҳар ёшларининг бир-бирларига «конкурентлик» ҳоллари юз бераётганга ўхшайди. Шу масалада, фикрингиз қандай? Яна тағин кўплаб шаҳарлик ёшлар ўқув юртларини тамомлагач, арзимаган юмушлар, масалан, сомсафурушлик, ошпазлик ва ҳоказони бажаришиб, ўзларини овутиб юрибдилар. Бу ҳам кўнгилли ҳол эмас, албатта.

Министр: — Ҳаётнинг ўзи, шаҳар ва қишлоқ ёшларини ўқув юртларига қабул қилиш тартибини бирмунча мутаносиблаштиришни талаб қилмоқда. Биз таълимни қайта қуриш жараёнида, албатта, маҳаллий шароит ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб иш тутишимиз лозим. Ҳали айтганингиздек, кўпгина шаҳарлик ёшлар ўз мутахассисликлари бўйича ишламайдилар, уларнинг баъзилари вақтида йўлланма олган жойларига бормасликнинг «йўлини топиб» олганлар. Айни вақтда таълимни қайта қуриш талаблари асосида кечки курсларда янги қабул контингенти ҳар бир шаҳарнинг маҳаллий шароити тақозо этаётган ихтисосликлар бўйича, ундаги мавжуд завод-корхоналар, ишлаб чиқариш тармоқлари, муассасалар ва идораларнинг кадрларга бўлган зарурий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уюштирилса, айни муддао бўлур эди. Бу талабни ҳаётнинг ўзи, бугунги тараққиёт ўртага қўймоқда. Олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий боиси ҳам шундадир. Шунингдек, колхоз ва совхозларнинг, саноат корхоналарининг йўлланмалари билан ўқишга юбориладиган ва ўшалар ҳисобидая стипендия тўланадиган ёшлар сонини муттасил кўпайтириб бориш керак. Бу эса мазкур хўжаликлар ва саноат корхоналарини керакли ихтисосли кадрлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Махсус билим юртларига келсак, уларга ҳам маҳаллий талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда ёшларни қабул қилиш керак. Биринчи навбатда, бу ўқув юртларида таълим бериш савиясини тубдан яхшилашга, ўқиётган ҳар бир ёшнинг муайян ихтисосини мукаммал эгаллаши учун тегишли моддий шарт-шароитни яратишга жиддий эътибор берилиши лозим. Бу борада кенг миқёсдаги ташкилий ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Мухбир: — Олий таълимни қайта қуриш программа асосида ўқитиш методларида қандай ўзгаришлар юз беради?

Министр: — Ҳозирги амалдаги тартибда ўқув программаларида лекция машғулотларига кенг ўрин берилган. Энди бу хил ўқитиш методини камайтириш, бунинг ўрнига амалий-практик машғулотларни кўпайтириш назарда тутилмоқда. Етакчи педагоглар раҳбарлигида студентларнинг мустақил ишларига кўпроқ эътибор берилади. Шунингдек, баъзи олий ўқув юртлари йўналишларида параллелизм ҳоллари мавжуд. Масалан, университетлар ҳам, педагогика институтлари ҳам ўқитувчилар тайёрлайди. Маълумки, институтда ўқиш муддати тўрт йил, университетда эса беш йил. Иш даврида, ставка соатларини белгилашда бу тафовут мутлақо инобатга олинмайди. Худди шунингдек, республикамизда иккита олий ўқув юрти (Тошкент ва Андижон чет тиллари институтлари)да ажнабий тиллар бўйича ўқитувчилар тайёрлангани ҳолда университетларда ҳам, бошқа педагогика институтларида ҳам чет тиллар бўйича кадрлар тайёрланаяпти. Оқибатда баъзи тиллар бўйича ўқитувчилар ортиқчалик қилиб, уларни дарс соатлари билан таъминлаш қийин бўлаётир. Ўша контингентлар ўрнига бошқа, керакли мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганда мутахассисларга бўлган тақчиллик юз бермаслиги мумкин эди.

Мухбир: — Маълумки, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг аҳамияти беқиёс. Шу масалада олий ўқув юртларининг ҳиссаси қандай?

Министр: — Фан-техника ютуқлари — бу ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг асосий омили. Бу борада олий ўқув юртлари, айниқса, техникавий йўналишдаги ўқув юртлари бирмунча ишлар қилмоқдалар. Лекин уларнинг моддий-базавий имкониятлари чекланган. Хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлардан тушадиган маблағларнинг маълум қисми ўша ишларни самарали бажарган олий ўқув юртларининг кассаларига тушганда эди, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган амалий тадқиқотлар кўламини анча кенгайтириш имконияти туғиларди. Олий ўқув юртларида бажарилаётган илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни мувофиқлаштириш — координациялаш масаласи ҳали-ҳалигача аниқ ҳал этилган эмас. Шу масалани ечиш мақсадида олий ўқув министрлиги қошида ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Худди шу масалада ҳамманинг ғашига тегаётган, сансалорликка олиб келадиган яна бир нуқсон — бу ўзаро «идоравий тўсиқлар»дир. Бундай тўсиқлар қанчалик тезроқ барҳам топса, олий ўқув юрти лабораторияларида такомилига етган илмий тадқиқотлар самараси ишлаб чиқаришга шунчалик жадаллик билан етиб боради.

Биз олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш программасини амалга оширишга тайёргарлик кўрар эканмиз, мана шу хил муаммоларнинг умумий куч билан муваффақиятли ҳал этилишига ишонч билан умид боғлаб турибмиз.

Мухбир: — Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Биз ҳам ўқув юртларининг коллективларига қайта қуриш режаларини собитқадамлик билан амалга оширишларида тилакдошмиз.

Суҳбатни **Ш. СИДДИҚОВ** олиб борди.

Мумтоз МУҲАМЕДОВ

# «ҚАРО КЎЗУМ»



Воқеий ҳикоя

Азиз бобо қазосига йил тўлибди. Бу хабар қишлоққа ёйилди... Кўксой бўйида истиқомат қиладиган қуролдош дўсти Қодир ота шу заҳотиёқ унинг хотини Саври биби олдига етиб келди. Қодир ота: «Қайси биримиз қариб-чуриб дунёдан кўз юмсак, йил ўтса йиғи-сиғи, дуохонлик қилиб ўтирмай, Тўйчи ҳофизнинг «Қаро кўзим» навосини янгратиб, ош берамиз», дея қилган аҳду паймонини эслатди ва уни бажо келтиришга тайёрлигини айтди.

Саври хола бу гапни жон-дили билан тинглади. Аммо ичида: «Ҳавонинг авзойи бузуқ, қишлоқ жойда «Қора кўзим» топиладими, йўқми, қари одам шаҳар айланиб юрса, малол келмасмикин», деган истиҳолада рўйхуш бермади.

Қодир ота зукко, чўрткесар чол. Донишмандлиги туфайли сўзининг устидан чиқиб, тенгқурининг руҳини шод этмоқчи эди. У дарҳол йўлга тушди. Қишлоқ оралаб катта йўлга чиқиб олганда, кўчада зоғ кўринмасди. Бирпасда кун оғиб, бўралаб ёғаётган лайлак қор илиқ ёмғирга айланди. Теварак-атрофи бийдек дала, поёни уфққа ёнбошлаган пахтазор. Қани энди улов бўлсаю, уни қош қораймасдан шаҳарга элтиб қўйса... Зеро, табиатнинг ўжарлиги ҳам, уловсизлик ҳам Қодир отанинг шахтини қайтара олмади. Йўлда давом этди. Алламаҳалда қандайдир бир машина ёнидан ўтди, аммо тўхтамади. Сўнг орқадан яна бир машина етиб келди. Қараб улгурмаган ҳам эди, машина кўлмак сувни отахоннинг юзига сачратиб ўтиб кетди. Ўтишга ўтдию нарироқ бориб «ғийқ» этиб тўхтади. «Оббо, умрингдан барака топкур-е, шинаванда шофер экансан», дея отахон ҳаллослаганча етиб борди. Шалаббо бўлган тўнини қўлига олиб, шоша-пиша машина эшигини очди. «Раҳмат-раҳмат», деб миннатдорчилик изҳор қилди, ичкарига кириб ўлтирмоқчи эди, ёши йигирма бешларга борган тилла кўзойнакли шофер отахоннинг сув шўрғалаган тўнини кўрсатиб, ўтиргични ифлос қиласан, дегандай чолнинг кўкрагидан итарди. Унинг ёнидаги мўйлаби сабза урган йигитчанинг чолга раҳми келдими:

— Яхшимас, Додхо, аввал отахонни кўлмак сув билан сийлаганимиз учун ўзимиз узр сўрайлик! — деди.

— Ҳечқиси йўқ, йигитлар, машиналарингда радиохонага ташлаб кетсанглар бўлгани, жудаям зарур иш чиқиб қолди.

— Радиохона? — зарда билан сўради Додхо.

— Ҳа, «Тошкентдан гапирамиз» деган жой бор-ку. Шундоққина шаҳарга кираверишдаги Горький томоша боғи рўпарасида. Қуббаси осмонга қараб турган ҳашаматли бино.

— Майли, ўтира қолинг, отахон, — деди мўйлаби сабза урган йигитча сипоришлаб.

— Йўқ, бўлмайди! — деб туриб олди кўзойнаклиси. — Ҳў-ў, бобой, менга қаранг, ёш бир жойга борганда, кўча-кўйда санғиб юришга бало борми?! Кампирингиз билан кўк чойни ичиб, ёнбошлаб ётмайсизми?

Шофер танбеҳидан Қодир отанинг юраги тарс ёрилгудай бўлди:

— Ҳаққоси рост, лекин, ўғлим, тенгқуримнинг хотинига бир нарса ваъда қилганман, ана шунинг илинжида шаҳар кетаяпман...

Мўйлаби сабза урган йигитча кўзлари интизор бўлган чолга: «Машинага чиқа қолинг, отахон», деб орқа ўриндиқдан жой кўрсатди. Шошилиб қолган чол энди ичкарига кирмоқчи эди, Додхо: «Қўлтиғингиздаги қўқисини ташланг!», деб бурнини жийирди.

«Хўб-хўб, жоним билан», калавасини йўқотган Қодир ота чорноҳор чопонини кўчага ирғитди. Машина жўнаб кетди. Улар анчагача чурқ этмай бордилар. Машинадаги сукунатни: «Мақом куйларидан «Қаро кўзим» ҳақида суҳбат эшиттирамиз», деган радио дикторининг овози бўлди. Куй борган сари авжланиб, Қодир отани аллақандай сархуш хаёллар оғушига тортди. Еришган шуурини яширолмай:

— Отанг айлангурлар, мен мана шу «Қаро кўзим»ни марҳум тенгқуримнинг йиллик ошига олиб келгани кетаяпман, — деди ғурурланиб.

— Ҳаҳ, ўлган одамга шунча борди-келдими, — деб Додхо радиони ўчирди.

«Суҳбатни бўлиб яхши қилмадинг!», дегандай мўйлаби сабза урган йигит Додхонинг биқинига туртди. Кейин Қодир отага юзланди.

— Тенгқурингиз санъаткормиди, отахон?

— Йўқ. Раҳматлик ажойиб ўқитувчи эди, — деди хаёл оғушида Қодир ота.

— Подумаешь, дунёда сизнинг тенгқурингиздан бошқа ажойиб ўқитувчи йўқми?! Менинг ҳам домлаларим ажойиб ўқитувчилар эди. Мана, масалан, она тили ўқитувчимни бир умр бошимга қўйиб юргим келади. Тенгдошингизнинг ёши нечада эди? — деди Додхо.

— Мендан икки ёш катта, саксонда эди.

— Вой-бу! — деди Додхо.

— Нимаси вой-бу! Кам демокчимисиз?

— Йўқ, — деб сўзида давом этди Додхо. — Дўстингизнинг машинаси йўқ экан-да, шу ёшга етганингизда пиёда юрибсиз! Мана, менинг дадам энди элликкка кирди. Аммо бирмас, иккита машинани қантариб қўйибдилар. Хоҳласам, «Волга», хоҳласам «Жигули» минаман.

Қодир ота мийиғида кулди:

— Тенгқуримнинг темир-терсакка ишқибозлиги йўқ эди.

— Ўзингизда-чи? Нега машинангиз йўқ?

— Машинам бор. Минадиган дастёрим йўқ.

Светофорнинг қизил чироғи балиқдай сузиб бораёган «Волга»-ни тўхтатди. Додхо йўлни кесиб ўтаётган қандайдир аёлни кўриб бирдан кўзини четга олди. Эгилиб пасайди.

— Додхо, сенга нима бўлди? — сўради ҳайрон бўлиб мўйлаби сабза урган йигитча.

Додхо ўткинчи аёлдан яшириниб, пастга қараганича:

— Биласанми... — бу ўша, она тили ўқитувчиси... — деди.

— Бўлмаса, машинани четга ол, уйига обориб қўямиз. Кўчада туртиниб-суртиниб юрмасин.

Додхо қўл силкиди.

Светофорнинг яшил чироғи ёнди. Машина шиддат билан олдинга юриб, сирғанчиқ йўлда қоқилиб-суқилиб бораётган кекса ўқитувчини қолдириб кетди.

Кейинги светофорга етар-етмас Додхо ўнг томондаги йўлкада кетаётган баланд бўйли хушбичим киши тўғрисида тўхтади, уни қўярда-қўймай машинага таклиф этди, эътибор бермаганди: икки букилганча, қўлини кўксига қўйиб ўтинди. Киши бепарво, димоғидан ёрилгудай кулимсираб, рад этди шекилли, ўсал бўлган Додхо изига қайтди.

Мўйлаби сабза урган йигитча елкасини қисди:

— Додхо, нима қилганинг бу, ўқитувчингни ташлаб кетдинг-ку, бу одамнинг этагидан кириб, ёқасидан чиқасан?

— Жим. Ўқитувчи — бу кечаги гап. Ўз даврини ўтаб бўлган. «Ҳозир машинага чиқинг», деб зўрлаган одамим эса, бугунги куннинг кишиси. «Эҳтиёт қисмлар» магазинининг директори. Демак, машинамнинг бугунги куни мана шу ҳўжайинининг қўлида, — деб тўнғиллади у.

Радио ва телевидение Давлат комитети биносига келгач, Қодир ота «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит», деган маънода: «Менга сабоқ бериб, ҳаёт йўлига олиб чиққан ўқитувчимни бир умр бошимга қўйиб юргим келади», дея Додхонинг ўз сўзини баланд овоз билан қайтарди. Кейин мўйлаби сабза урган йигитчага: «Хафа бўлмасинлар, ўғлим, бунақа тили бошқа, дили бошқаларда эътиқод нима қилсин!» деб машинадан тушди.

Қодир отанинг орқасидан қараб қолган Додхо:

— Уша ўқитувчи тенгқурингдан ҳам, «Қаро кўзим»дан ҳам хафа бўлдим-ку! — деди.

Мўйлаби сабза урган йигитча энсаси қотиб, четга қаради. Ўртоғи Додхонинг қўпол, худбин, лоқайд шахсга айланиб кетганлигидан қаттиқ изтироб чекди... У лип этиб машинадан тушди. Ҳамроҳининг юзига ҳам қарамади, ҳатто хайрлашмади. Инқилоб хиёбони томон юриб кетди.

...Қодир ота эса, «Қаро кўзум» ёзилган пластинкани олиб, тонготарга яқин қишлоққа етиб келди. Мана, радио тўлқинлари ҳазрати Навоийнинг Тўйчи Ҳофизнинг ширали овозида «Қаро кўзум»ини олис-олисларга тарата-тарата...

Маросимдан қайтаётган қишлоқдошлар аллақандай номаълум дуоларни ўқигандан кўра «Қаро кўзум»ни эшитиб, марҳумни ёд этиб қайтганларидан хурсанд эдилар. Улар лабзи ҳалол Қодир ота шаънига раҳматлар айтардилар ва бу янги удум тўйтомошага ҳам, маъракага ҳам файз бағишлайди, деб Навоий ғазалининг эзда қолган сатрларини ҳижжалаб борардилар:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.
Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил...


# ЗУҲРО ХАРИТАСИ

Зуҳро (Венера) бошқа сайёраларга нисбатан ерга яқиндир. Шундай бўлишига қарамасдан, биз ҳали-ҳалигача унинг юзи тасвири тафсилотига эга эмас эдик. Ваҳоланки, космик аппаратлар ёрдамида Меркурий, Юпитер ва Сатурннинг шундай тасвирлари олинган эди. Гап шундаки, Зуҳронинг оптик жиҳатдан тиниқ бўлмаган атмосфераси туфайли унинг юзасини тўғридан-тўғри суратга тушириш қийин эди.

Бироқ радиотўлқинлар учун Зуҳро атмосфераси тиниқ. Сайёранинг геологик тарихий ривожланишини аниқлаш мақсадида унинг юзасининг батафсил тасвирини олиш учун 1983 йил октябрь ойининг ўрталарида Зуҳро йўлдошлари орбитасига махсус радиолокацион аппарат ўрнатилган «Венера-15» ва «Венера-16» космик аппаратлари чиқарилди. Шу махсус аппарат ёрдамида Зуҳронинг шимолий ярим шари қутбидан тортиб 30 градус кенгликкача суратга олинди.

Бу экспериментни амалга ошириш, ҳали айтганимиздек, махсус радиолокатор ва шу юзанинг баландлик рельефини ўлчаш учун радиовисотометр мавжуд эди. Радиолокаторнинг металдан ясалган антеннаси кўзгусининг узунлиги 6 метр ва эни 1,4 метрдир.

1000 — 2000 километр баландликка 1 — 2 километрлик сатҳнинг тасвирини қамраб олиш учун космик аппаратга 70 метр диаметрдаги антеннани ўрнатиш керак бўларди. Бу



муаммони унча катта бўлмаган антенна ёрдамида синтезлашган оперторда деб аталмиш махсус усулни қўллаш йўли билангина ҳал қилиш мумкин эди. Бу усул учиш йўналишига тик тарзда йўналтирилган муайян шаклдаги сигналларни «тутишга» асосланган. Шундай сигналларга эга бўлган станциянинг «ён кўринишни қамровчи» станция деб ҳам аталишининг боиси шундадир.

Космик аппаратларга рақамли хотира қурилмаси ўрнатилган эди. Ундаги махсус металл лентанинг магнитли уламаси ёзишнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Зуҳро юзасини суратга тушириш жараёнида ахборотлар хотира қурилмасида тўпланади. Кейин у ҳисобланиб, радиолиния орқали Ерга узатилди.

Радиолокаторлар жиҳози «Венера-15» ва «Венера-16» космик аппаратларининг ўзи сингари Ерда узоқ вақт давомида ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган аппаратлар комплекси ёрдамида синовдан ўтказилди, космосда бажариладиган ишлар ҳар томонлама пухталаштирилди. Юксак даражадаги борт системаларининг мустаҳкамлиги космик аппаратларнинг фазода саккиз ой давомида муттасил ишлаб, Венеранинг шимолий ярим шарини қутбидан тортиб 30 градус кенгликкача ҳар куни суратга олиш имконини берди.

Сайёранинг харитасини радиолокацион усулда тушириш мақсадида «Венера-15» ва «Венера-16» борт космик комплексини ишлаб чиқиш ва уни яратиш ишининг 1986 йилда СССР Давлат мукофотига тақдим этилиши ҳам бу тадқиқотнинг ниҳоятда муҳимлигидан далолат беради.

Мазкур ихтиро ватанимиз радиоэлектроника ва космик техника тараққиётига қўшилган жаҳоншумул ҳиссадир. Зуҳро сайёрасининг харитасини яратишдаги дастлабки муваффақият эса, шубҳасиз, жаҳон фани учун ҳам бебаҳо ютуқдир.

Ю. КОБЗАРЕВ,
академик




Бразилия кинотеатрларида «футбол қироли» Пеле суратга тушган спорт мавзусидаги кинокомедия намойиш этила бошланди. Фильмда айрим сиёсатдонларнинг спорт соҳасидаги қингирликлари ҳажв қилинади. Киномунаққидларнинг шарҳлашларича, қирқ олти ёшли «футбол қироли» фильмда ҳам ўзининг юксак даражада жисмонан чапдастлигини намойиш эта олган.

* * *

Бразилиянинг Нуэва-Игуасу шаҳарчаси ва унга тегишли районларда зудлик билан сариқ безгак касалига қарши эмлаш ишлари олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш министрлиги ходимлари ва ҳарбий хизматчилар искабтопарларнинг ҳужумига қарши курашмоқдалар. Олимлар ўнлаб турлари мавжуд бўлган бу ашаддий тажовузкорлар орасидан «Осиё йўлбарси» деб ном олган искабтопарларни «таниб» қолдилар. Улар киши ҳаёти учун хавфли бўлиб, денгиз, сариқ безгак, энцефалит каби оғир, асоратли касалликларни тарқатувчи асосий манба ҳисобланар экан.

* * *

Чўққиларни забт этишда кексалик жиддий тўсиқ бўла оладими? Агар бўлади, десангиз хато қиласиз.

Японлялик юз яшар Таиши Игараши мамлакатдаги Фудзияма тоғининг энг баланд — 3.776 метрлик чўққисини ишғол этиб, ўзига хос рекорд қўйди. Тиниб-тинчимас бу чолни сафар чоғида 64 ва 61 ёшли ўғиллари ҳамда 27 яшар невараси кузатиб боришди.




# ҚОЧОҚ МУШУК

Матбуотда: «Қора денгизда маҳаллий ҳайвонот оламида учрамайдиган жонзот топилди», деган хабар тарқалди. Уни Тинч океан шимолида яшовчи сивуч деб ўйлашди. Қизиқ. Қандай қилиб у Ажария қирғокларида пайдо бўлиши мумкин? Мухбирлар Ботуми дельфинарийсига қўнғироқ қилиб, директор ўринбосари Р. Камжарадзедан ўша жонзот ҳақида сўрашди:

— Рифат Сулаймонович, илтимос шу ҳодисани аниқрок гапириб берсангиз.

— Ўртоқлар адашишибди: бу сивуч эмас, балки жануб денгиз мушуги. У олдин циркда эди, кейин эса уни Утриш дельфинарийсига беришган, 5 май куни машқ ўтказилаётган пайтда мушук очиқ денгизга қочиб чиққан.

— Утришдан Ботумигача унчалик ҳам якин эмас-ку!..

— Ҳа, у денгизда сузган, афтидан бизнинг пляжларимизни хуш кўриб қолганга ўхшайди.

— Унинг турадиган жойини қандай қилиб аниқладингизлар?

— Келгиндини тутишгани ҳақида телевидениедан хабар қилиб қолишди. Ўша куниёқ Утришдан телеграмма ҳам олдик. Дельфинарий хизматчилари қочоқни тутганимиздан хурсанд бўлишганини айтишди. Улар ажойиб меҳмонимизни олиб кетгани келишади.

— Уни тутиш қийин бўлгандир?

— Бўлмасам-чи. Дастлаб бу ишнинг уддасидан чиқолмадик. Уни пляжга ташлаган тўрга тушириш ҳам қийин бўлди. Менимча, мушукни томошабинлар чўчитиб қўйишди. Иккинчи марта тонгги соат олтида бордилар. Денгиз мушугини тутиш учун бир соатдан кўпрок уриндилар, ҳатто уни алдаб тутиш учун балиқ билан сийладилар. Ва ниҳоят, қочоқ мушук қўлга тушди...

# БАХТСИЗ ҲОДИСАМИ ЁКИ?..

Қуйи Калифорниядаги Мексика штатининг энг гўзал пляжи ҳисобланган «Эль-Моготе»-да еттита кит ҳалок бўлди. Денгиз тўлқини уларни қирғоққа чиқариб ташлади. Шу йилнинг январь ойида Юкатан ярим оролидаги чўмилиш қирғокларининг бирида ҳам сут эмизувчилардан 25 таси ана шундай ҳолга тушган эди. Бундан етти йил муқаддам Қуйи Калифорниянинг «Сан-Бруно» пляжида бирданига 50 та тиши ўткир йиртқич кит (кашалот) «ўзига-ўзи» қасд қилган эди.

Шуниси қизиқки, бундай воқеалар қадимдан маълум. Китларнинг бундай аҳволга тушиши ҳатто Аристотелни ҳам қизиқтирган.

Олимлар бу ҳақда ҳар хил тахминларни илгари суришаяпти. Ҳозирча мексикалик биолог олим Вилья Рамиреснинг тахминича, бу ҳол кемалар қатнайдиган мавсумда, айниқса, бўрон турган пайтларда юз бермоқда. Афтидан, бўрон турган пайтларда кечқурунлари сув остидаги қояли жойларда китлар мўлжални йўқотиб қўядилар ва оқибатда сув-ҳавзаларининг чуқурроқ ерларини қидираётиб кўпинча қуруқликка чиқиб қоладилар.

Иккинчи бир тахмин: тропик сувнинг ҳаддан ташқари иссиқлиги муздай денгизда яшовчи ҳайвонларда модда алмашинувини кескин бузган бўлиши ҳам мумкин.

Тахминлар ҳар хил. Лекин уларнинг ҳеч бири бундан икки минг йил муқаддам Аристотель томонидан қўйилган саволга: «Нима учун китлар ўзларининг ўлимини хотиржам кутадилар ва нега яшаш учун курашмайдилар?» деган саволга жавоб беролмайди. Бу бахтсиз ҳодисами ёки оммавий тарзда ўз-ўзини ўлдиришми? Бу савол ҳануз жумбоқлигича қолмоқда.

# ҚАЛАМНИ ҚУРОЛ ҚИЛИБ





АДР герби

Савр (Апрель) инқилобининг ғалабаси афғон халқи ҳаётида янги, тенглик ва бирдамликка асосланган тараққиёт даврини бошлаб берди. Инқилобнинг яна бир ижобий самараси Афғонистонда янги, кўп миллатли инқилобий адабиётнинг майдонга келиши бўлди.

Штатсиз мухбиримиз Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети аъзоси, АХДП Марказий Ревизия комиссияси раиси, Афғонистон Ёзувчилар союзининг раиси, шоир Ғулом Дастагир Панжширий билан учрашиб, бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Муҳтарам Дастагир Панжширий, Савр инқилобидан кейинги афғон инқилобий адабиёти фаолияти, афғон ёзувчиларининг орзу ва интилишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Энг аввало «Гулистон» журнали ўқувчиларининг қўшни Афғонистон адабий муҳити билан қизиқаётганликлари учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Афғонистон халқ демократик адабиётининг илдизи классик адабиётимиздан бошланади. Ўтган 50—60 йил атрофида эркинлик, кураш, инсоннинг инсон устидан ҳукмронлик қилишига қарши мавзулар тараққийпарвар афғон адиблари ижодида етакчи ўрин олган эди. Бироқ, том маънодаги инқилобий адабиёт Савр инқилобидан кейин вужудга келиб, юксак тараққиётга юз тутди. Бизнинг бугунги тенг ҳуқуқли турли миллатлар адабиёти — келажаги порлоқ адабиётдир. Афғонистонда Савр инқилобидан кейингина дарий ва пашту тилларидан ташқари ўзбек, туркман, балуж, пашшойи ва бошқа тилларда адабий асарлар нашр этиш, радио ва телевидение эшиттиришлари олиб бориш йўлга қўйилди. Мактабларда мазкур тилларда дарс ўқитилмоқда. Афғон адибининг бугунги вазифаси Савр инқилобини ҳимоя қилиш, бу йўлда қаламларини қуролга айлантириб, халқ душманларининг, империализм чокарларининг таъзирини беришдир. Бизнинг шоир ва ёзувчиларимиз халқимизнинг асл фарзандлари: ишчиларнинг, деҳқонларнинг, инқилоб сипоҳиларининг, жасур афғон хотин-қизларининг ёркин образларини яратиш ҳамда улуғ Советлар мамлакатининг Афғонистон Демократик Республикаси билан азалий ажралмас дўстлиги мавзуларини куйлашни ўзларининг муқаддас вазифалари деб биладилар. Шубҳасиз, тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш, урушнинг ҳар қандай кўринишини тугатиш ҳамда ядро уруши олдини олиш инқилобий адабиётимизнинг ажралмас, долзарб мавзуларидир.

Афғон халқи империализмнинг эълон қилинмаган урушига дуч келди. Бизнинг курашимиз жамиятимиз тараққиётига тўсқинлик қилаётган тинчликпарвар халқимизни завол топтирмоқчи бўлган ва айни пайтда ҳаёт сахнасидан шармандаларча тушиб кетаётган эски, феодал турмуш тарзига қарши курашдир.

Бу адолатли курашда афғон халқи қўшни Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар ёрдамига суяниб иш кўраётир. Бугун бизнинг ўлкада ишчининг болғаси ва деҳқоннинг ўроғи зарбидан янгича маданият, адабиёт инқилобий жаранг олмоқда, янгича турмуш тарзи вужудга келмоқда.

— Афғонистон инқилобий адабиётининг фаол курашчи вакиллари билан таништирсангиз?

— Савр инқилоби шиддати адабиётимизда ҳам аксини топаяпти. Ҳозир юздан ортиқ шоир, ёзувчиларимиз ижоди ана шу долзарб масалалар билан боғлиқ. Инқилобий адабиётимиз оқсоқоллари — Афғонистон Фанлар академиясининг раиси, таниқли шоир Сулаймон Лойиқ, жўшқин шоирлар Боруқ Шафеи, Хатак, драматург Олим Ифтихор, ёш ёзувчилардан Абдулло Ноибий, Назир Ноибий, Муҳиб Бориш, Абдураззоқ Руин, Фориқ Фардо, Ҳайдар Вужудий, ўзбек шоири Ашраф Азимий, доктор Осим, туркман шоири Абдураҳим Ўроз ва бошқаларнинг ижоди афғон халқининг руҳий оламига дадиллик бахш этмоқда.

— Муҳтарам раис, Афғонистон ёзувчиларининг чет эл, айниқса, социалистик мамлакатлар, жумладан СССР, Ўзбекистон ССР ёзувчилари билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Афғонистон Ёзувчилар союзининг тузилганидан буён олти йилча вақт ўтди. Бизнинг адабиётимиз халқ манфаатини ҳимоя қилувчи, кўп миллатли демократик адабиётдир. Чет эллик дўстларимиз, айниқса, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар ёзувчилар союзлари билан ижодий алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Бизнинг Ёзувчилар союзимиз ГДР, Чехословакия, Польша, Совет Иттифоқи Ёзувчилар союзлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эга. 1985 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида, 1986 йилнинг март ойида ўлкамизда совет адабиёти кунлари ўтганлиги, машҳур совет адибларининг инқилобий халқимиз, афғон адиблари билан учрашувлари адабиётларимизнинг дўстлиги, ҳамғоявийлиги тантанасига айланди. Булардан ташқари, Совет Иттифоқи ва АДР адибларининг ўзаро ижодий алоқалари, адабиёт, вақтли матбуот намуналари билан танишув, фикр алмашувлар Афғонистонда СССР Ёзувчилар союзидаги «Детская литература» бўлимининг ташаббуси билан «Болалар адабиёти» бўлимининг очилиши катта янгилик бўлди. Кези келганда, шуни айтиш керакки, биз Совет Иттифоқида нашр этилаётган адабиёт назарияси, болалар адабиёти ва умуман адабий асарларга эҳтиёж сезаяпмиз. Шу жумладан Совет Ўзбекистонида нашр этилаётган назарий-адабий асарлар бизнинг адабий оламимизни бойитишга кўмаклашади, деб ўйлаймиз. Агар СССР Ёзувчилар союзи, иттифоқдош республикалардаги ҳамкасбларимиз бу борада бизга ёрдам берсалар, миннатдор бўлар эдик. Энг аввало бу билан ҳозир Афғонистон инқилобий адабиётининг ривожига ҳисса қўшаётган — ўзбек, туркман тилларида ижод қилаётган шоир, адиблар учун руҳий озиқ бера олган бўлардик.

Афғонистон Ёзувчилар союзининг органи бўлган «Жвандун» («Ҳаёт») журналида Совет Иттифоқининг классик адабиёти намуналаридан, совет адабиёти вакиллари асарларидан мунтазам равишда таржима бериб борилиши, Афғонистон Ёзувчилар союзи делегациясининг Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқаро VII конференциясида қатнашиши, СССР Ёзувчилар союзининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабатига бағишланган пленумда, СССР Ёзувчиларининг VIII съездида иштирок этиши, Болгарияда бўлиб ўтган IV ва V халқаро конференцияларда қатнашиши Афғонистон Ёзувчилар союзининг ютуқлари ва халқаро тараққийпарвар адабиётдаги ўрнини билдиради.

Ўтган йиллар оралиғида жуда кўп афғон адиблари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан яқиндан мулоқотда бўлдилар. Асқад Мухтор, Воҳид Зоҳидов, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов каби ўзбек адибларининг ўлкамизда бўлиши ва инқилобий Афғонистон ҳаётидан асарлар яратишлари ана шу дўстлик ва адабий ҳамкорлигимизнинг ёркин мисолидир. Совет Ўзбекистони ўқувчиларининг Сулаймон Лойиқ, Асадулла Ҳабиб сингари адибларимиз асарларини она тилларида ўқишларининг ўзи адабиётимиз қардошлиги, адибларимиз ҳамкорлигининг энг яхши намунасидир. Биз жаҳон тараққийпарвар ёзувчиларининг тинчлик учун курашини, қуролсизланиш ғояларини қўллаб, Никарагуа, Чили, Салвадор, Фаластин сингари мамлакатларнинг халқлари олиб бораётган — колониализм, империализм, сионизмга қарши курашда ҳаммаслакмиз.

— Муҳтарам раис! «Гулистон» журнали ўқувчилари Афғонистон билан тақдири боғлиқ бўлган ўзбек классик адабиётининг асосчиси, улуғ мутафаккир Алишер Навоий адабий меросини ўрганиш борасидаги янгиликлар билан таништиришни истар эдилар.

— Афғонистонда ўзбек адабиёти, унинг тарихини ўрганиш асосан Савр инқилобидан кейинги даврда алоҳида мазмун касб этди. Яқин орада биз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятига оид саналарга бағишланган илмий-назарий конференциялар ўтказдик. Конференцияда қилинган докладлар, илмий мақолалар вақтли матбуотимизда нашр этилди. Ҳозирги пайтда биз Алишер Навоий асарларини кўпроқ нашр этиб, ўқувчиларга етказишимиз керак. Совет олимлари томонидан Навоий адабий мероси илмий жиҳатдан чуқур ўрганилди, тадқиқ этилди. Ана шу илмий ишларнинг энг салмоқлилари Афғонистоннинг расмий тиллари — пашту ва дарий тилларига таржима қилиниши керак. Бу Навоий ижоди ва шахсиятини афғонистонлик мухлисларга таништиришнинг муҳим йўлидир.

Афғонистон болалари ва ёш-





Тракторчи Шавкат Пўлатов оиласи.

А. Жумаев фотоси

Н. ШИН. РАИСА.






**А. МАМАТОВА.** ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ ЕЛҚИН ТЎРАҚУЛОВ.



**М. СОДИҚОВ.** МЕНИНГ КЎЧАМ.



**А. МАМАТОВА.** ЕЗУВЧИ-ФАНТАСТ ҲОЖИАКБАР ШАЙХОВ.



М. СОДИҚОВ. МАНЗАРА.

В. ЛИСОВ. БАҲОР.



Тинчлик фарзандлари.



Қуришни ўрганамиз.

Ҳинд киноусталари — Рож Капур, Баччана ва Шаши Капур Бухородa.

Т. Степанова фотолари



Ғулом Дастагир ПАНЖШИРИЙ

# Инқилоб сарбози

Инқилоб сарбозиман, тинчлик деб қилурман жанг,
Тўпу милтиғим бурро — душман ҳолин этгум танг.

Хоин, золимни босгум мисли қудратли тўлқин,
Мен ўзимман душманни бурдалар шеру паланг.

Ҳаёт куйин куйлайман инқилоб жабҳасида,
Ватан тупроғин гулгун этган қоним — лоларанг.

Қаердаки, учратсам уруш ўт ёқувчисин —
Нест-нобуд айлагайман қирғий каби солиб чанг.

Ҳеч қачон қул бўлмасман империалистларга,
Порлоқ, қизил истиқбол офтобидан олгум ранг.

Қизил байроқ кўтариб жабҳадан қайтганимда,
Бағрига босар халқим, эъзозлайди ёш-яланг.

Феодал тузумини бузди ботир партиям,
Унинг ҳимоясида мен бир тоғ ё қаттиқ санг.

Кобул, 1979 йил




Ғ. Панжшийнинг ўзбек тилида нашр этилган шеърий тўпламини китобхонлар севиб ўқимоқдалар.

# Зафарбахш савр

Зафарбахш Савр келдию янги куй ижод қилди,
Қадимги душманларни хок-туроб, барбод қилди.
Офицерлар, сарбозлар — учқур қанотларимиз
Армонимиз ушатди, халқ дилин обод қилди.
Заҳматкашлар жунбуши, ғамдийдалар ғазаби
Тузум эскисин яксон, янгисин бунёд қилди.
Инқилобий халқимиз қаҳрамон қўшинлари
Гўзал Ватанимизни ситамдан озод қилди.
Шарқ қонталаш қалбида қўзғолди янги тўфон,
Осиё марказида[1] Ҳуррият иршод қилди.
Лочиндек самолёту филдек зўр танкларимиз
Золим хонасин вайрон, янги йўл ижод қилди.
Манзилимиз кўп олис, лекин шаҳдам борамиз,
Гарчи Оқ ую ЦРУ можарою дод қилди.

Кобул, 1982 йил

М. ҚЎШМОҚОВ таржималари

[1] Афғонистон кўзда тутилмоқда.



**Афғонистонлик болалар тошкентлик шифокорлар ҳузурида.**
**Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)**

---

ларини тарбиялашда Навоийнинг асарларидан фойдаланиш лозим. Бунинг учун болалар зеҳнига бориб етадиган, содда матндаги Навоий асарларидан намуналарни танлаб нашр этиш керак.

Мен ўйлайманки, давр энг яхши табибдир. Афғонистонлик Навоий мухлислари дўст ва қўшни Совет Иттифоқи, жумладан, Совет Ўзбекистони олимлари ва шоирлари билан бирга Навоий меросини янада чуқур ўрганадилар, ундан баҳраманд бўладилар. Бу эса келажак авлодларимизни тинч-тотув яшаш, инсонпарварлик, адолат руҳида тарбиялашга ёрдам беради. «Жвандун», «Миллатҳои бародар» журналларида доимий равишда Совет Ўзбекистони адибларининг асарлари ўзбек тилида нашр этилмоқда. Булардан ташқари, кейинги уч йил ичида Афғонистон Еазувчилар союзи, Фанлар академияси, Кобул университети ташаббуси билан Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Девон»и, «Бобурга армуғон» шеърий тўплами ва уларга атаб ёзилган қатор илмий мақолалар ва шеърларни нашр эттирдик.

— Афғонистон адабиётини кўп миллатли адабиёт, дединг. Уларнинг фаолияти ҳақида сўзласангиз.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Савр инқилобига қадар ўлкамизда 20 дан ортиқ тилда сўзлашувчи халқ, ўз она тилларида бадиий асар ўқишни орзу қилишарди холос. Савр инқилоби, айниқса, унинг иккинчи босқичидан кейин Афғонистонда расмий тил ҳисобланган дарий ва пашту тилларидан ташқари ўзбек, туркман, балуж, пашшойи тилларида шеърлар, насрий асарлар яратила бошланди.

Бироқ шуни таъкидлашимиз керакки, бизнинг адабиётшунослигимиз ҳали жуда ёш. Адабиётимизни жаҳон адабиёти талаблари асосида баҳолаш, уни тўғри йўлга йўналтириш ва халққа хизмат қилдириш учун адабиёт назариясидан, жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлиб, ўз танқидий қарашларида фойдаланадиган мунаққидларимиз бармоқ билан санарли. Шу сабабли биз жонажон қўшнимиз Совет Иттифоқининг ёрдамига муҳтожмиз. Биз ўйлаймизки, бугунги кунда Советлар элининг турли шаҳарларида таълим олаётган афғон ёшлари ўз ватанларига етук адабиётшунос, адиб бўлиб қайтадилар ва адабий танқидчиликнинг келгуси ривожига ҳисса қўшадилар.

— Энди бизнинг анъанавий бир саволимизга жавоб берсангиз. Сизни ўзбек журналхонлари инқилобий, курашчан шоир, жамоат арбоби сифатида билишади. Келгуси режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Шахсан мен бугунги Афғонистоннинг инқилобий адабиётидаги ишчи, деҳқон образи, янги тузум афзаллиги, меҳнатга тарғиб қатори совет ва афғон халқларининг муқаддас дўстлиги ва ленинизм ғояларининг тарғибини адабиётнинг асосий мавзуси, кунлик талаби, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Совет Ўзбекистонидаги ҳамкасбларим менинг ижодимга эътибор бериб, «Пайки зиндон» («Зиндон элчиси») номли шеърлар тўпламимни яқинда нашр этганларидан миннатдорман.

Ҳозир яна бир шеърий тўпламимни нашрга тайёрламоқдаман. Бу тўпламда асосан сўнгги бир-икки йилда яратган ва шу билан бир қаторда шоҳлик даврида зиндонга ташланганимда ёзган шеърларим ўрин олади. Ижодимдаги кейинги йилларда қилган самарали ишларимдан бири адабий тадқиқот иши бўлиб, дарий адабиётида Ленин образи, ленинизм ғояларининг ёритилиши, Октябрь революциясининг инсоният тарихидаги ўрни, албатта, афғон-совет дўстлигига оид материални тўплаш, умумлаштириш ва нашр эттиришга қаратилди.

Асримизнинг 20-йилларидаёқ афғон халқининг тафаккурида буюк Ленин мамлакатига меҳр, садоқатнинг туғилиши, бугунги дўстлигимизнинг нақадар мустаҳкам, абадийлигидан далолатдир. Китобдан жой оладиган материаллар турли даврлардаги вақтли матбуотдан, шахсий қўлёзмалар, хотиралар, архив материалларидан тўпланган бўлиб, умид қиламизки, бу асар адабиётимиз учун янги, кўп томонлама илмий қўлланмага айланади.

Энди рухсатингиз билан «Гулистон» журнали ҳақида мухтасар фикрим ва истакларимни айтиб ўтсам. Маълумки, «Гулистон» журнали ижтимоий-сиёсий, журнал бўлганлиги сабабли унда босиладиган бадиий асарлар, илмий мақолалар, сиёсий хабарлар ҳамиша афғон ўқувчисини қизиқтириб келади. Унинг саҳифаларида Афғонистонга оид материаллар тез-тез босилиб турибди. Журналнинг мақолалари, хабарлари Афғонистоннинг вақтли матбуотида таржима қилиб берилмоқда. Ўйлайманки, журнал бундан кейин ҳам афғон-совет халқлари дўстлиги, бизнинг адабий, санъат муҳитимиз, муштарак адабиётимиз вакиллари ҳақидаги материалларни кенг ёрита боради.

Фурсатдан фойдаланиб, журналнинг барча ўқувчиларига, ижодий коллективига келажак ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қоламан.

— Сизга ҳам журналнинг барча ўқувчилари номидан мазмунли суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдирамиз, ижодингизга, Афғонистон инқилобий адабиёти ривожига улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Суҳбатни филология фанлари кандидати
**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ олиб борди**

Кобул

# АФҒОН ХАЛҚИ КУЙЧИСИ

Ғулом Дастагир Панжширий — Афғонистон Демократик Республикаси инқилобий шоирларидан бири. У 1933 йилда Парвон вилоятига қарашли Панжшир улусволиси (райони) маркази Руха яқинидаги гўзал тоғ қишлоғи Қобизонда камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Бошланғич ва ўрта маълумотларни Панжширда олгандан сўнг ўқитувчилар техникуми (дорулмуаллимин)ни, кейинроқ университетни Кобул шаҳрида поёнига етказди. Сўнгра, Кобул шаҳридаги газета ва журналларда, радиода, маданият ва иттилоот министрлигида хизмат қилди.

У 60-йилларда Афғонистонда авж олиб кетган антифеодал, антиимпериалистик, тараққийпарвар инқилобий ҳаракатларда фаол иштирок этди. Ғ. Д. Панжширий 1965 йилда Б. Кармал, С. А. Киштманд, Т. Бадахший, Н. А. Нур, С. М. Зерай, С. Лойиқ каби ўнлаб инқилобий ёшлар билан биргаликда АХДПни таъсис этишда жонбозлик кўрсатди. Панжширий Зоҳир Шоҳ, Довуд, Амин даврларида инқилобий фаолиятлари учун ҳаммаси бўлиб, 13 йилча зиндонларда азоб чекди.

1978 йилги Савр инқилобидан сўнг Ғ. Д. Панжширий Маориф, Ижтимоий ишлар министрликларини бошқарди. У ҳозир Афғонистоннинг атоқли ижтимоий-сиёсий арбоблари қаторида фаолият кўрсатиб, АХДП Марказий ревизия комиссиясининг раиси, АДР Революцион Кенгашининг аъзоси, Афғонистон Ёзувчилари союзи правлениесининг раиси вазифаларини адо этмоқда.

1982 йилда Панжширий АДР Ёзувчилари союзини бошқара бошлагандан сўнг мазкур союз (иттиҳодия) тобора кучайиб, кенгайиб ва ривожланиб борди. Унинг бўлимлари Кобулдан ташқари Мозори Шариф, Қандаҳор, Ҳирот, Жалолобод шаҳарларида ҳам фаолият кўрсатаяпти. Иттиҳодия таркибига кирган мингдан зиёд ёзувчилар, шоирлар ва мунаққидлар шу кунларда Савр инқилоби ютуқларини ҳимоя қилаётган катта адабий, маданий ва мафкуравий кучга айланди.

Панжширийнинг шу пайтгача Кобулда 5—6 та шеърий ва насрий тўпламлари дарий тилида чоп этилган. Унинг «Пайки зиндон» («Зиндон элчиси»), «Пайки дусти» («Дўстлик элчиси»), «Баҳори жовидон» («Абадий баҳор») шеърий тўпламлари шу кунларда афғонистонлик шеър мухлислари томонидан севиб ўқилаётир. 1984 йилда унинг «Зиндон элчиси» номли кичик бир тўплами Тошкентда ўзбек тилида ҳам нашр этилди.

Шу кунларда Ғулом Панжширий афғон — совет дўстлиги, дунёда тинчлик ва тотувликни сақлаш, уруш оловини ёқувчиларни ҳамда термоядро қуролини пеш қилиб жаҳон тинчлигига таҳдид солаётган урушқоқ империалистик доираларни беаёв фош этиш, Савр инқилоби ютуқларини мустаҳкамлаш ва юксалтириш сингари энг муҳим долзарб масалаларни қаламга олиб, зўр илҳом билан ижод этмоқда.

**Ориф УСМОНОВ,**
ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

ХАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

## НОЁБ МИНОРА

Парижнинг Ҳамжиҳатлик майдонидаги ёдгорлик Франция пойтахтининг тилга тушган ҳайкалларидан бўлиб қолди. Уни фиръавн Рамзес II нинг Луксор саройидан босқинчи Наполеон олиб кетиб (1798—1801) бу ерга келтирган эди. Луксор мармар тошининг баландлиги 24 метр, оғирлиги эса 230 тоннадир. Монументнинг чўққисини кўриш ҳали ҳам амримаҳол.

Луксор ёдгорлигининг фавқулодда тасвирини кўрсатишни «Париматч» журналининг фотомухбирига таклиф қилишди. Мухбир ёдгорликнинг суратини кўтарма крандан туриб туширди. Мармарга фиръавнлар тасвири ўйиб туширилган. Ундан пастда фиръавнларнинг доно лигини ифодаловчи ибис қуши лари тасвирланган.



## ЎРГАТИЛГАН НАҲАНГ

Наҳанг денгиздаги сут эмизувчи жониворлар орасидаги йиртқичлардан бири саналарди. Лекин бу фикрга америкалик сув цирки аъзолари эътироз билдирмоқдалар. Чунки ўргатилган наҳанг уларнинг айтганларини сўзсиз бажармоқда.

Суратда: Лаура Паркинс ўзи ўргатган Шаму лақабли наҳанг билан томоша кўрсатмоқда.



## АСАЛАРИ — ПАССАЖИР

Внуково аэропортига Шимолий Осетиядан самолётда қоғоз халталарга ўралган асалари келтирилди.

Асаларичилик мазкур республиканинг жанубида яхши йўлга қўйилган. Она асаларларнинг бир қисми Москва этагидаги хўжаликларга жўнатилмоқда. Ёз бошидан бери 1 минг 200 та қоғоз халтада 2 миллиондан ортиқ асалари уяси келтирилди. Бу ишлар асалари уялари қўйилган майдонларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш учун амалга оширилмоқда.

## ИНКЛАР

Шимолий ва Жанубий америкалик бир гуруҳ археологлар инкларнинг қадимий йўли бўйлаб кезиб чиқдилар. Жуда кенг доирада, бўлиниб-бўлиниб давом этадиган бу йўлнинг узунлиги қарийб 23 минг километрга етади. Инклар йўли Колумбия ва Эквадор чегараларидан бошланиб, Сантьяго-де-Чилининг салкам жанубий территориясига ҳам кириб боради.

Ҳиндуқабилалари яшаётган территориялар атрофидаги йўлларнинг бир қисми жуда яхши сақланган. Ерлик аҳоли бу йўлларни, Инканьян ёки Инклар йўли, деб аташади. Бу йўлларнинг айрим бўлаклари шунчалик кенгки, ҳатто Панамерикан катта йўлининг бир қисмини ташкил қилади. Йўлнинг яна бир қисми баланд тоғлардан ўтади ва улар шунчалик тор, илонизи сўқмоқлардан иборатки, унда фақат бир киши ёки от-уловларгина юра олиши мумкин. XV асрларда қурилган инклар йўлининг бундай тузилиши ҳали узоқ вақт олимларнинг бошини қотириши турган гап.

## ИЛОН ТАШВИШИ

Лейкленд шаҳридан яшовчи М. Уорбуртон фермасида шовқин тарқалди: уй эгасининг 4 метрдан зиёрат Смисал исмли бўғма илони йўқолганди. Оила аъзолари безовта бўлиб оёққа туришди. Илонга дуч келиш ҳар бир киши учун хавфли эди. Қидириш бир кун давом этди. Илон ошхонанинг пойдевори тагида тинчгина ётган экан.



**ЎзССР Фанлар академияси фахрий аъзоси, машҳур наққош Уста Ширин Муродов.**

# БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Ҳалигина ари уясидай ғувиллаб, шовқин-сурони авжига чиққан синф бирданига сув қуйгандай жимиб қолди. Ота-онасининг иссиқ бағридан илк бор мактаб партасига келган, дунёни ўз уйи ва боғчасидангина иборат деб тасаввур қилган болалар мўъжизалар оламига кириб қолгандек эдилар.

Синфга олтмишлардан ошиб қолган, оқ сариқдан келган, ҳали бардам-бақувват киши кириб келди. Бутун синф оёққа қалқди. Гўё бутун олам устоз, муаллимнинг истиқболига, қуёш янглиғ ҳароратли меҳрига пешвоз чиққандек эди...

Ишдан чарчаб, асабингиз бузилиб келган пайтда, ширин калом фарзандингиз, ҳали мактаб партасида қад тиклаб ўтиришга одатланолмаган фарзандингиз: мени тарбиялаган онамга раҳмат деса, о, нечоғлик фароғат... Дарров ҳаяжон билан суриштира кетасиз, ўғлим ким ўргатди сенга бу гапларни... Ўқитувчим... Биринчи ўқитувчим...

Шовотлик Раҳим ака Қаландаров ҳам минглаб шогирдларга биринчи ўқитувчи бўлган. Ленин сўзини, Ватан сўзини оталик меҳри билан илк бор ёш бўғинлар қалбига қуйган табаррук инсон у.

Қишлоғимиз қариялари ҳам: «Болаларимизнинг саводи шу Раҳимбой қўлида чиққан», дейишади.

— Нима учун айнан шу касбни танладингиз, — деган анъанавий савол билан мурожаат қилдик Раҳимбой акага.

— Касб танлашим ҳам қизиқ бўлган, — дейди кулиб у. — Отам ҳунармандчиликни эъзозлайдиган, хўжаликда тартиб-қоидани яхши кўрадиган одам эди. Ҳунарли одам хор бўлмайди деб, мени этикдўзга шогирд қилиб бердилар. Нолимайман, этик тикишни, ҳар хил ковушлар тикишни ўргандим. Лекин ҳар кун азонлаб болалар китоб-дафтар кўтариб мактабга ўтишганда, юрагимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлаверарди... Шовот районида жойлашган бизнинг Моноқ қишлоғимиз Хева шаҳридан 70 километр узоқликда жойлашган. Ўтизинчи йиллар... хўроз қичқирмай туриб, белимизга онамиз тугиб берган 2—3 та зоғора нон, бир сиқим туршак ёки жийдани олиб йўлга тушамиз... У ер-бу ерда сув бўйларида дам олиб, қош қораймасдан Хевага кириб борамиз... Уқишга, илм эгаллашга ихлосимиз баланд эди. 70 километр йўл машинада икки, икки ярим соатлик йўл. Ана шу йўлни пиёда босардик. Ешликда ғайрати зўр бўлади кишининг.

— Ўқитувчиликда ишлаётганингизга ҳам кўп бўлди шекилли, — дея Раҳим акани яна гапга тортдик.

— Қирқ беш йил.

Қирқ беш йил. Бир йигитнинг навқирон ёши. Бир касбда қарийб ярим аср ишлаш, ҳар кун ўзинг билган, неча марта гапираверіб мияга ўрнашиб қолган гапларни такрорлаш...

Бугун мен ниҳолга тирговуч бермасам эгри ўсади. Келажак кун олдида, боланинг мусаффо умри олдида бир умр қарздор бўлиб қоламан. Шунинг учун муаллим бор кучини, мавжуд билимини, болалардан аямаслиги, чидам ва матонат билан (айтишга осон) 36 ҳарфдан иборат бўлган алфавитни бирма-бир ўргатиб, бўғинларни ҳижжалаб ўқитиши керак... Ўттиз олти ҳарфдан иборат оддийгина, турли-туман расмлар билан безатилган алфавит ҳарфлари... Шу оддий алфавитдан ҳаёт, тафаккур бошланади.

Раҳим ака Қаландаров ўз умрида кўпгина ҳаёт синовларига дуч келди, синалди, тобланди.

...1942 йил, июнь. Хева педагогика билим юртини яқиндагина тугатиб, эндигина иш бошлаган Раҳим ҳам фронтга отланди. Гвардиячи ўқчи армияда хизмат қилди.

Юраги душманга нафрат ўти билан тўлган, доруламон кунларнинг нурли бўлиши учун, талабаларга узоқ-узоқ йиллар дарс бериш, илм бериш учун қонгақон, жонга-жон дея ўз элининг, юртдошларининг насибаси бутун бўлиши учун душман билан мардонавор жанг қилди... Ўлимлар, ёш йигит кўкрагига, муаллимнинг дунёга тўймаган юракларига отилган қўрғошинлар, ажал ўқлари фашистларнинг ўзига насиб қилиб ер тишлади...

Сталинград учун бўлган мисли-сиз жангда, кейинги қонли олишувларда Қаландаров икки марта ярадор бўлди. Днепр учун бўлган жанглар бугунгидай ёдида...

Душман дарёнинг нариги қирғоғида тиш-тирноғи билан, охирги имкониятлар билан жойлашиб олган... Дарё қирғоғида душман билан олишув ўн олти кун давом этди. Ўн еттинчи оқшом армия ёппасига ҳужумга ўтди. Чоржўйлик Бобоев, сибирлик Чучукинлар билан бир қайиққа жойлашиб олган катта сержант Қаландаров командир буйруғи билан биринчилар қаторида нариги қирғоққа отланди...

— Даҳшатли жанг бўлган эди ўшанда, — дейди Р. Қаландаров уруш даврини эслаб. — Эшкаклари учиб аллақаёққа оқиб кетган қайиққа қўлимни эшкак қилиб, қирғоққа қайтиб келганимда, дўстим Бобоев қаҳрамонларча кўз юмган, Чучукин эса оғир яradор бўлган эди... Дарёдан уч кунгача сув ичиб бўлмади, Днепрдан сув ўрнига қон оқиб ётди...

Кўкси орден ва медалларга тўлган Р. Қаландаров ғалабани Кенигсберг (Калининград) шаҳрида кутиб олди.

Уруш оқибатида хўжалиги издан чиққан она қишлоғи Раҳимжондай эр йигитларга муҳтож эди. Тикланиш ишлари авж олиб кетди...

— Мактаб хоналари совуқ, ўқувчилар етишмайди, чўлга чиқиб чопиб келган янтоғимиз музлаб ётган синфхоналар печига юқ ҳам бўлмасди, — деди Раҳим ака урушдан кейинги дастлабки йилларни хотирлаб. — Қизил, қора жилдларни елкасига осиб, қунишиб олган болаларнинг қорни оч, усти юпун эди... Ана шундай оғир кунларда ҳам биз халқнинг руҳини туширмадик. Еш ғўдакларни бу мусибатли кунлар унут бўлиб кетажаклигига ишонтирдик, халққа маънавий мададкор бўлишга интилдик.

Мана, ўшанда орзу қилинган ёруғ кунларда яшамоқдамиз. Р. Қаландаров ишлайдиган — икки қаватли, замонавий техника жиҳозлари билан қурилган, Шовот районидаги Аваз Ўтар номли мактаб ўқувчи ёшларнинг севимли илм масканидир.

Тажрибали педагог Раҳим Қаландаровнинг синфида битта ҳам ўзлаштирмовчи ўқувчи йўқ. Ўқувчиларнинг дастхатларини айтмайсизми: бир-биридан чиройли.

— Болаларнинг деярли барчасининг дастхати чиройли, бунинг боиси нимада? — сўрадик Раҳим акадан.

— Дарс ўтишда барча ўқув қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳаракат қиламан.


Қирқ беш йиллик педагогик тажрибага эга бўлган устознинг қисқагина жавоби бу.

— Мен партия-ҳукуматимиз тутган йўлдан, сиёсатдан мамнунман, — деди у ички ғурур билан. — Бу йўл, сиёсат КПСС XXVII съезди материалларида янада ёрқинроқ ўз аксини топди. Мактаб ислоҳоти эса ёш авлод тарбияси ҳақидаги улуғ ғамхўрлик ифодасидир. Бошланғич синф ўқитувчиларининг моддий манфаатдорлиги янада ошди, уруш қатнашчиларига ҳам ҳукуматимизнинг эътибори беқиёс. Биз маорифчилар бу оталарча ғамхўрликка фидойи иш билан жавоб қайтаришимиз лозим. Мактаб таълимини қайта қуришда биз ўқитувчилар асосий куч, таянчмиз. Шундай экан, ҳар биримиз ўз фаолиятимизни шу кунги талаб ва эҳтиёж асосида ўзимизга нисбатан талабчанлик билан ташкил этишимиз керак.

**Саломат ВАФОЕВА**



А. БОЙМАТОВ. Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти учун курашганлар хотирасига қўйиладиган ёдгорлик. (Эскиз)



Чорвоқ гўзали Тожигул.

С. Величкин фотоси (ЎзТАГ)

# ЕР ЮЗИ ВА ОДАМЛАР

**Ҳурматли редакция! Биз ёшларни ҳозирги даврнинг долзарб муаммолари қизиқтиради. Чунончи, дунё аҳолиси узлуксиз кўпайиб бормоқда. Ер юзининг 70 процента эса океан сувлари билан банд. Бора-бора заминимизнинг қуруқлигида аҳоли ўта зичлашиб кетмасмикин? Журналингиз саҳифасида шу хусусда мақола ўқишни истардик.**

**Студент-ёшлар номидан:**
**Маърифат ҚОРАБЕКОВА,**
**Бувсанам ХОЛМУРОДОВА,**
**Икром ДОВУРБОЕВ**

Дунё аҳолисининг тобора кўпайиб бориш тарзи доимо қизғин ва ҳатто ваҳимали мунозараларга сабаб бўлиб келган. Жумладан, Ернинг одам билан тўлиб-тошиб кетиши мумкин жанлигини эрамиздан аввалги асрларда яшаган Аристотель ва классик даврнинг файласуфлари ҳам айтиб ўтишган. Ҳозирги кунда ҳам табиат ресурсларининг камайиб ва аҳоли сонининг ортиб боришига таяниб баъзи бир буржуа олимлари реакцион назарияни олға сурмоқдалар. Уларнинг фикрича, аҳоли сонининг ортиб бориши ва келажакда моддий бойликлар етишмай қолиши хавфининг олдини олиш учун урушлар қилиб туриш, касалликлар тарқатиш, цивилизацияни барбод қилиш зарурлигини ҳеч тап тортмай асоссиз тарғибот қилмоқдалар. Яхшиямки, бутун Ер юзаси давлатлар ўртасида тақсимланиб бўлинган, акс ҳолда капиталистик тузумнинг бойлик орттириш пайига тушган бир гуруҳ монополистлари «ер ташвиши» касалига дучор бўлиши ҳеч гап эмас эди...

Дарҳақиқат, дунё аҳолиси тобора кўпаймоқда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда аҳоли жадал суратлар билан ўсмоқда. Бу ҳеч кимга сир эмас.

Сайёрамизда, хусусан у ёки бу мамлакат доирасида аҳоли зичлигининг аста-секин, тинимсиз ортиб бориши муносабати билан: «Ер юзида мўътадил аҳоли сони ва зичлиги қанча бўлиши керак?» деган савол барчани қазиқтирмоқда. Шу боисдан бўлса керак, олимлар сайёрамиз, жумладан, мамлакатлар территориясининг тоғ, чўл, саҳро, муз, денгиз, кўл, ботқоқлик каби ноқулай жойлардан иборат эканлигини назарда тутиб, аҳоли яшаши учун энг қулай бўлган макон-жой сиғимини аниқлаш лозимлигини, сўнгра: «Табиат қанча аҳолини боқиш имкониятига эга жанлигини, аҳоли сонининг ортиб бориши чексизми ёки бу жараённи бошқариш чораси борми?» қабилидаги кўплаб саволларнинг ечимини топиш устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Қизиғи шундаки, кишилар учун сайёрамиз доимо торлик қилиб келган. Қадимда, яъни ибтидоий жамоа даврида бир кишини боқиш учун 25 квадрат километрдан 250 квадрат километргача майдон керак бўлишига қарамасдан, улар янги-янги ерларни ахтариб топишга уринганлар. Қулдорлик даврида бир киши учун бир квадрат километр, феодализм даврида эса 0,2 квадрат километр тўғри келган бўлса, ҳозир тахминан 0,5—1,0 гектар майдонни ташкил этади. Кўриниб турибдики, ер сиғими ишлаб чиқариш кучларининг даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариб бормоқда.

Ҳозирги табиий географик зоналарнинг, денгиз ва океан сувларининг экологик вазияти ва уларнинг келажакдаги имкониятлари илмий асосда тўлиқ ишлаб чиқилмаган бўлишига қарамасдан, мутасадди олимлар юқорида айтиб ўтилган масалаларга оид бирмунча фикр ва мулоҳазаларни билдирмоқдалар. Жумладан, америкалик экологларнинг фикрича, бир кишига ўрта ҳисобда 2 гектар ер тўғри келсагина кишиларнинг «психологик нормаси» ҳосил бўлади. Бу кишиларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти, ўз кучини тиклаб олиши, умуман, нормал ҳаёт кечириши учун экологик вазият — табиий муҳит мўътадил ҳисобланади. Психологик норма, яъни 2 гектар ер майдони (макон сиғими) қуйидагича тақсимланади: 0,2 гектар майдон кишиларнинг жойлашуви ва саноат эҳтиёжлари учун, 0,6 гектар озиқ-овқат етиштириш учун, 1,2 гектар дам олишлар, саёҳат, спорт билан шуғулланишлар ва ҳоказолар учун ажратилиши лозим. Агар ер юзидаги табиат зоналарини ўзлаштириш да-

ражаси турлича эканлигини ҳисобга олиб «психологик норма»ни бироз камайтирсак, у ҳолда сайёрамизда хўжаликда фойдаланиши ва аҳоли жойлашуви мумкин бўлган майдонлар миқдори 100 миллион квадрат километрни ташкил этади. Бундай ҳисоб-китобларга кўра, Ернинг сиғими 5 миллиард кишига тенг эканлиги аниқланади.

Шуни айтиб ўтиш жоиздирки, Ер юзида кам деганда 15—20 миллиард аҳоли эркин жойлашиш имкониятига эга. У ҳолда, аҳолининг зичлиги ҳозирги Япония, Бельгия ва Нидерландия мамлакатларидагидек бўлади. Бу мамлакатлардаги аҳоли зичлиги Австралияга нисбатан уч юз баробар ортиқдир (Австралияда бир квадрат километрга қарийб 2 киши тўғри келади).

Заминимиз табиати 20—40 миллиард кишини боқиши мумкин, деб ҳисоблайди совет тадқиқотчиси В. В. Владимиров. Лекин Ер куррасида аҳолининг 5—6 миллиарддан ортиб кетиши оқибатида атроф-муҳитнинг қулайлик даражаси пасая бориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳозир дунё аҳолиси 4,7 миллиарддан ошган бўлса, 2000 йилга бориб 6—6,5 миллиард кишига етиши кутилмоқда. Аҳолишунос олимларнинг фикрига кўра, аҳоли сони 12 миллиард кишига етганда ўсиш бир меъёрда бўлади.

Баъзи мамлакатларда ер танқислиги туфайли маълум чора ва тадбирлар кўрилаяпти. Масалан, ҳозир олтмишга яқин мамлакатларда туғилишни махсус давлат қонуни асосида чеклаш орқали аҳоли сонининг ўсиш сурати камайтирилмоқда; ер юзидан ўнлаб метр пастга томон, юзлаб метр баландликка бўй чўзган биноларнинг лойиҳалари тузилмоқда; денгиз устида, ҳатто АҚШда коинотда сайёрамизнинг 10 минг кишилик сунъий «йўлдош шаҳар»ини қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Қуруқлик майдонини кенгайтириш мақсадида денгиз билан инсон жанг қила бошлади. Жумладан, Япония мамлакатида денгиз саёзлигига тош, тупроқ тўшаш йўли билан тоғ ёнбағирларидан ҳамда денгиз территориясидан ер ўзлаштирилмоқда. Финляндия аҳолиси 1640 йилдан буён 500 минг гектар ботқоқликларни ўзлаштирди. Финляндияни «кўл-ботқоқликлар мамлакати» деб аташлари бежиз эмас. Бу борада Голландия (иккинчи номи Нидерландия) мамлакатига бас келадиган бирорта мамлакат жаҳонда топилмаса керак. Жафокаш аҳоли бир неча юз йиллардирки, тинимсиз денгиз билан «жой» талашиб келмоқда. Бу мамлакатда шу кунларда ҳар бир кишига 0,25 гектар ер тўғри келади. Ҳисобларга қараганда, 2000 йилга бориб мамлакат аҳолисининг ярми денгиздан «тортиб» олинган жойларда яшайди. Денгиздан йирик дамбалар ёрдамида чегирилган қирғоқ зонасида денгиз сатҳидан паст бўлган ерларда, яъни қадимги денгиз тубларида не машаққатлар билан хўжалик ишларини юритишмоқдалар. Шунинг учун бўлса керак, маҳаллий аҳоли орасида «Худо дунёни яратди, голландияликлар — Голландияни», «Худо денгизни яратди, голландияликлар — қирғоқни» каби асосли мақол тез-тез қулоққа чалиниб туради. Бу мақоллар ерлик аҳолилар учун «ер ташвиши» нақадар муаммоли ва машаққатли эканлигидан далолат бериб турибди.

Мамлакатимизда аҳолининг қулай табиий шароитда фаровон ҳаёт кечиришини назарда тутиб, яшаш учун ноқулай ҳисобланган табиатни тиклаш ёки қайта қуриш, табиий ресурслардан асраб-авайлаб фойдаланиш борасида ибратли ишлар қилинди ва яна режалаштирилмоқда. Жумладан, ботқоқликлар қуритилиб, чўллар ўзлаштирилмоқда, Каспий денгизи тагидан нефть қазиб олувчи ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида свайлар — темир қозиқлар устига «шаҳарча» қурилди. Партия ва ҳукуматимизнинг «Ленинград шаҳрини сув тошқинларидан муҳофаза қилиш ва қурилиш ишлари» масаласига тааллуқли қарорига биноан Котлин ороли орқали узунлиги 25 километр, баландлиги 8 метр келадиган дамба қуриш мўлжалланди. Дамбанинг устидан 6 қаторли автомобиль йўли қурилиб, у денгиз тубидан махсус туннел орқали икки мартаба ўтади. Йўлнинг бу қисмларидан йирик денгиз кемаларининг ўтиши назарда тутилган. Ғарбдан эсадиган шамоллар ҳисобига сув тошқинлари бўлиш хавфи бўлган тақдирда оғирлиги 10 минг тонналик бақайбат темир-бетон дарвозалар ёпилади, негаки, 1977 йилги сув тошқинининг таъсир даражаси ҳисобга олинган. Қурилиш ишлари 1990 йилда ниҳоясига етади, барча сарфланган харажатлар олти йил мобайнида қопланади. Авваллари Нева кўрфазининг қирғоқ зоналаридаги ботқоқликларда энди кўп қаватли бинолар аста-секин қад кўтармоқда. Демак, юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, қудратли ва бепоён мамлакатимизда ҳали айтганимиз «ер ташвиши» деган масала биз учун муаммога айланмайди.


Яна бир долзарб ва муаммоли масалалардан бири — дунё аҳолисининг тобора шаҳарлар территориясида тўпланиб боришидир. Шаҳар аҳолиси шу даражада кўпаймоқдаки, улар гўё сайёрамизнинг «аҳоли қутблари»ни барпо қилмоқдалар. Шу муносабат билан шаҳар территориясида аҳоли зичлиги анча юқоридир. Шаҳар территориясининг кенгайиб бориши оқибатида қишлоқ хўжалик экинлари учун яроқли ерлар майдони тобора камаймоқда.

Тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, аҳоли шаҳарларда қанчалик зич жойлашса, уларнинг яшаш қулайлиги шунча паст бўлар экан. Масалан, бир хил шароитда агломерациянинг (шаҳарнинг атрофдаги қишлоқлар ҳисобига кенгайиш жараёни) марказида бир квадрат километрда 2500 киши яшаган жойга қараганда бир квадрат километр майдонда 5750 киши яшаган тақдирда аҳолининг грипп ва бошқа касалликлар билан хасталаниш даражаси икки баробар кўп учрайди. Агар аҳолининг зичлиги шаҳар марказида бир гектар ерга 332 дан 1120 кишига қадар тўғри келган тақдирда болаларнинг нафас олиш йўллари касаллиги билан оғриши 1,5—2 баробар кўпаяр экан. Бундан кўриниб турибдики, шаҳар территориясининг ҳам аҳоли яшаши учун энг қулай бўлган «макон сиғими» мавжуд бўлиши керак.

Одатда, территория сиғимини аниқлашда кўпроқ гигиеник принцип қўлланилиб келинмоқда. Шаҳар аҳолисининг ўта зичлиги тўғрисида немис тадқиқотчилари шундай фикрдадирлар. Шаҳар агломерацияси доирасида аҳолининг ўта зичлиги бир квадрат километрга 1000 дан 1500 кишига қадар бўлгани мақсадга мувофиқдир. Бунда территория қуйидагича тақсимланади: шаҳар саноати, транспорт коммуникацияси ва ҳоказолар учун 28 процент; қишлоқ хўжалик экинлари, дам олиш зоналари учун 42 процент, сув ҳавзалари, дарёлар, ўрмонлар ва бошқа ерлар учун 30 процент майдон тўғри келади. Поляк тадқиқотчилари эса, агломерация ядроси учун бир квадрат километрга 3000—5000 киши, бутун агломерация учун эса 800—2000 киши, шаҳар аҳолиси кўпайиб кетган районлар учун 300—1000 киши тўғри келиши лозим деб ҳисоблайдилар. Совет тадқиқотчилари саноат районлари территориясининг сиғимини ишлаб чиқиб, бир кишига ўрта ҳисобда 3—3,5 минг квадрат метр тўғри келиши мумкинлигини аниқладилар. Жумладан, В. И. Пальговнинг ҳисобларига қараганда, аҳоли зичлиги саноат районларида бир квадрат километр майдонга 300 киши, шаҳар марказида, яъни агломерация ядросида 2500 кишидан ошмаслиги лозим.


Демак, территориянинг сиғими давлатларнинг қайси социал-иқтисодий тараққиёт босқичида эканлигига, аниқ территориянинг географик ўрнига, табиий географик шароитига (тоғ, текислик, чўл, муз, денгиз, кўл, ботқоқлик, саҳро ва ҳоказолар мавжуд эканлигига) кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сайёрамиз, қолаверса, ўлкамиз территориясининг сиғимини ва бошқа имкониятларини олдиндан билиш хўжаликни планли ва системали юритиш ишларига ёрдам беради. Бу эса, табиий имкониятлардан мақсадга мувофиқ тўғри фойдаланишни, атроф-муҳит муҳофазасини илмий асосда ҳал қилишни тақозо этади.

**Абдурасул СОАТОВ,**
СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси



**БЕКОБОД. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон Металлургия заводи ишчилари ритмик гимнастика билан мунтазам шуғулланмоқдалар.**

**Ф. Шарафутдинов фотоси**



# КУРАШЛАР ДАВРИ ШИДДАТИ

Иттифоқ ёзувчиларининг VIII съездида совет адабиётининг ҳозирги ижтимоий-маънавий ҳаётда тутган ролига юксак баҳо берилди. Таниқли украин шоири Борис Олейник мазкур анжуманда зўр ифтихор билан: «Бизнинг адабиётимиз ўзининг энг яхши намуналари орқали партия XXVII съезди белгилаган бурилишнинг эмоционал жиҳатларинигина эмас, фалсафий асосларини ҳам тайёрлади», деди. Бу сўзлар кўпчилик нотиқлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шуниси қувонарлики, кўп миллатли совет адабиётининг ўшандай намуналари қаторида ўзбек адиблари асарлари, жумладан, Одил Еқубовнинг «Диёнат» романи ҳам тилга олинди. Езувчи Анатолий Иванов ўз сўзида насримизнинг кейинги йилларда босиб ўтган йўли ҳақида гапириб, носирларимиз ўша кезларда ҳам ҳаётнинг ўзи илгари сурган ўткир муаммоларни кўргани, жамоатчилик эътиборини уларга жалб этганини алоҳида таъкидлади. «О. Еқубовнинг «Диёнат» романини эслайлик, — дейди адиб. — Ахир, у Ўзбекистонда ўзбошимчалик, кўзбўямачилик, қонунбузарликка қарши кейинроқ авж олдирилган кескин курашни олдиндан пайқамаганмиди? Езувчи волюнтаризм ва хўжакўрсинчиликнинг авж олгани, табиатнинг топталаётганини кўриб бонг урган эди».

Одил Еқубовнинг шу кунларда қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган, ўқувчилар даврасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган «Оққушлар, оппоқ қушлар» асари ғоявий проблематик жиҳатдан «Диёнат» романининг мантиқий давомидир. Агар ёзувчи «Диёнат»да ўзбошимчалик, кўзбўямачилик, волюнтаризм, қонунбузарлик кенг ёйилган даврни акс эттирган бўлса, янги романида ўлкамизда худди ўша иллатларга қарши бошланган аёвсиз жангларни, покланиш деб аталган — ҳамма соҳада социал адолатни барқарор этиш учун кетаётган бугунги шиддатли курашларни қаламга олади.

Давр руҳига мос тарзда янги роман конфликти, бош пафоси, тасвир тарзи, оҳанги ўзгача, бу ерда ҳаётдаги салбий иллатлар, салбий шахслар табиатидаги қабоҳатлар «Диёнат»дагидан кўра кескинроқ ва қуюқроқ; чунончи, салбий кимсалар — Музаффар Фармонов, унинг ўғли Фотиҳ Музаффаров ўзбошимчалик, қонунбузарлик бобида «Диёнат»даги Отақўзини хийла ортда қолдириб кетганлар, улар ҳар қанақа эзгу инсоний туйғуларни — инсофу диёнатни, имон-эътиқодни тарк этиб, ўта беор, шафқатсиз, очкўз, нопок махлуққа, фақат ёр-биродарлари, ўзлари ишлайдиган, яшайдиган муҳит учун эмас, бутун бир жамият учун хавфли кучларга, тараққиёт учун хатарли тўсиққа айланганлар. Шу билан баробар, асарда қайта-қайта уқтирилганидек, ҳозир бундай қинғир, нопок, зўравонларнинг тагига сув кетган кураш даври, улар ҳозир замон нозик, нотинч ва қалтис эканини сезиб, мана мен деган не-не одамлар юксак лавозимлардан учиб кетаётганини кўриб бир оз шаштидан қайтган, таҳликага тушиб қолганлар. Бундан ҳам муҳимроғи, даврнинг ўзи мардона, курашчи кишиларни майдонга чиқарган, ҳалол, инсофли одамлар давр руҳидан куч-қувват олиб қинғир, олғир, нопок кимсаларга қарши шиддатли курашга киришадилар. Романда оқибат-натижада ҳалол, пок қалбли курашчи кишилар биринчи планга чиқадилар, романнинг поклик рамзи бўлмиш оққушлар номи билан аталиши ҳам шундан.

«Оққушлар, оппоқ қушлар» романининг фақат «Диёнат» эмас, ёзувчининг бошқа асарлари — «Излайман» повести, «Эр бошига иш тушса...», қолаверса «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» тарихий романлари билан муштарак жиҳатлари кўп. «Оққушлар, оппоқ қушлар» асосида уч биродар — собиқ жангчилар қисмати ётади. Худди «Улуғбек хазинаси» ва «Кўҳна дунё»да бўлгани каби ёзувчи етакчи персонажлар ҳаётининг кейинги тиғиз палласини, қисқа муддатли драматик дақиқаларини тасвир учун танлаб олади-да, сўнг ўрни-ўрни билан уларнинг ўтмишига, ўсмирлик йилларига сайр этади, хусусан Ватан уруши даври воқеаларини, Узоқ Шарқда Гоби саҳроси ва Хинган тоғлари оша япон самурайларига қарши олиб борилган жанг лавҳаларига кенг ўрин беради, қаҳрамонларнинг ўсмирлик хотиралари, севги саргузаштлари, асардаги жанг лавҳалари беихтиёр «Излайман», «Эр бошига иш тушса...» персонажлари тақдирини ёдга туширади.

Йўқ, ёзувчининг мақсади қаҳрамонлар ўтмишини — ўсмирлик, уруш даври хотираларини шунчаки ҳикоя қилиб беришдан иборат эмас. Адибнинг асосий диққат-эътибори қаҳрамонларнинг шу кунги ҳолати, хатти-ҳаракатлари, қисмати ифодасига, улар орқали бугунги кунда ҳаммани қаяжонга солаётган кескин ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларга қаратилган.

Романдаги уч етакчи қаҳрамон — Шораҳим Шоввоз, Расул Нуриддинов, Музаффар Фармоновлар бир қишлоқда туғилиб бирга улғайган, болалик сурурини баҳам кўришган, уруш бошланиб эр бошига иш тушган кезлари эл-юрт ғамида далада тер тўкишган, уччаласи Ватан мудофаасига отланиб, Узоқ Шарқда бирга жанг қилишган, бир умр бир-бирларига дўст, биродар бўлиб қолишга онт ичишган. Ёшликда ораларида севги туфайли айрим зиддиятлар ҳам рўй берган... Буларнинг барчаси орқада қолиб кетган. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири оилали, болачақали, набираларга бобо, катта ишларга бош; Шоввоз — бир неча йиллардан бери боғ бригадири, Расул санъатшунослик доктори, Музаффар эса «Даштстрой» деб аталган гигант ташкилот таъминот бўлимининг бошлиғи... Ёзувчи бу уч биродарнинг оилавий муҳити, касби-кори билан боғлиқ можаро-муаммоларни хийла кенг тасвир этади. Уч биродар ва уларнинг оила аъзолари орасидаги ҳам самимий, ҳам чигал, гоҳо эса, кескин зиддиятли муносабатлар асар сюжет тўқимасида муҳим ўрин тутади. Худди ўша уч оила қисмати, улар тақдирига оид можаролар бугунги қуннинг жиддий ижтимоий, маънавий ҳодисалари, муаммолари билан туташиб, асарнинг ғоявий-бадиий проблематикасини, драмаларга тўла фабуласини ташкил этади.

Урушдан кейин ўтган қирқ йиллик давр мураккабликлари уч биродар тақдирига уч хил таъсир кўрсатади. Расул ўқиб, илм йўлидаги машаққатларни енгиб, улкан олим, санъатшунос бўлиб етишади, Шоввоз оддий боғбонлик йўлини танлайди, ҳар иккиси ҳам виждонига гард юқтирмай эл-юрти хизматини ўтади, уруш даврида ичган онтига содиқ қолди. Музаффар эса ўзгача йўлдан кетди, у мансаб-мартаба, шон-шуҳрат, шахсий манфаат, ҳирс қулига айланди; ҳамма ишда волюнтаристик йўл тутиб, ерга, тупроққа, табиатга беҳисоб зарар келтирди, бажарилмаган ишларни бажарилди, деб давлатнинг миллион-миллион сўм пулларини кўкка совурди; оддий меҳнаткаш, заҳматкаш халқ ризқини ўмариб, дабдабали ҳаётга, маишатга, ҳисобсиз молдунёга эришди. Асарда бу одам қиёфасини очадиган ғоят ҳаётий, таъсирчан лавҳалар келтирилади. Шулардан бирини эслайлик: пахта терими пайти шаҳардан келган ҳашарчилар туриштурмуши ночор, расмиятчилик, маъмуриятчилик авжида, айни шу дамларда Музаффар шахсий меҳмонини «шахсий» самолётида сайр қилдиради, унинг шарафига хос хонасида — афсонавий «боғи эрам»ида тенгсиз зиёфат уюштиради. Шу зиёфатда мезбон — Музаффарнинг собиқ дўсти Расул бу контрастни ҳолатдан ўта ноқулай аҳволга тушади, боягина меҳнат аҳлининг ночор аҳволи билан танишган Расул учун бунақа дабдабаю асъаса гайриахлоқий туюлади; унингча, меҳнаткаш халқ бошида турган раҳбар ходим — чин коммунист бундай қилишга маънавий ҳаққи йўқ, у бунақа турмушдан, роҳат-фароғатдан, базм-жамшидлардан ҳазар қилади, жирканади; Музаффар эса, буларнинг барчасини табиий, қонуний деб билади. Чунки халқ, давлат манфаати, ўзгалар дарди, ташвиши унинг учун бутунлай бегона.

Музаффар — ўта қув, устамон кимса, у бекорга бировнинг олдига дастурхон ёзмайди, у «боғи эрам»даги зиёфатлар билан ҳам меҳмонлардан бир нарса ундириш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш пайида бўлади; худди шу «боғи эрам»даги зиёфатлар устида юқори мансабдор шахслардан давлат ҳисобидан катта пуллар ундирган, худди шу «боғи эрам»да Жаъфар Жавдонов сингари субутсиз қаламкашларни ёллаб, ўзи ҳақида мадҳиядан иборат асар ёздирган, мана энди ўшан-

дай зиёфат устида эски дўсти кўнглига қўл солмоқчи, уни ўша «асар»ни қўллаб-қувватлашга кўндирмоқчи. Бу одам шахсий манфаат, шуҳрат, мансаб йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди, юқори лавозимдаги эски қадрдони Белобородовга қимматбаҳо нозик совға узатиб, уни қўлга олишга уринади, ўз қудағайи билан бемалол дон олишади...

Шу муҳитда етишган фарзанди Фотиҳ авантюристликда, маънавий-маиший бузуқликда отадан хийла «ўзиб кетган». Езувчи ота кўмагида совхоз директорлигига кўтарилган бу ёш нопок, авантюрист фаолиятининг фақат бир жиҳати — ўз отасининг собиқ дўстлари Шоввоз билан Расулга, уларнинг оила аъзоларига кўрсатган зуғуми, юзсизлиги, бу хавфли оғунинг яқин кимсалар ҳаётига солган заҳрини кўрсатиш билан чекланади: ота таълимини олган бу шафқатсиз, уятсиз қаллоб чин меҳнаткаш Шоввозни дағдаға билан ишдан ҳайдайди, келинини йўлдан оздиради, соддадил заҳматкаш ўғли нафсониятини оёқ ости қилади, аварияга дучор этади, Ойсулувнинг бевакт ўлимига сабабчи бўлади; бу устамон бетафвиқ жазмани — Нигора атрофида парвона бўлиб, унинг турмушини издан чиқаришга уринади...

Боя айтилганидек, ўзбошимча, авантюрист, нопок қаллоблар ҳар қанча ҳаддидан ошмасин, уларнинг даври-даврони ўтган, тагига сув кетган, қилғиликари қилиб қўйиб, энди улар таҳликада. Уларга қарши бутун юрт оёққа турган. Гарчи асарда бу кураш жараёни бевосита кўрсатилмасада, китобхон бу кураш шиддатини баралла сезиб, ҳис этиб туради.

Езувчини асарда ота-бола Фармоновларнинг жиноятчи сифатида фош этилиш жараёни эмас, кўпроқ уларнинг маънавий қиёфаси, инқирози қизиқтиради, шу мақсадда муаллиф эски қадрдонларни қалтис дамларда бир-бирлари билан бир неча бор рўпара қилади. Шоввознинг Шоқосим аварияга учрагандан кейин Фотиҳ ва Музаффар билан тўқнашуви, Ойсулувнинг дафн маросими кунида Расулнинг аввал Шораҳим, сўнг Музаффар билан учрашуви, улар орасидаги муросасиз баҳс-тортишувлар ва шу жараёнларда улар кўнглида кечган туйғу, ўй-мушоҳадалар ифодаси романнинг энг ёркин, таъсирчан саҳифаларини ташкил этади. Бу учрашув-тортишув, дил рози онларида, хусусан, Расул билан Шоввознинг қалб саховати, эзгу туйғулари, орзу-армонлари, ҳасрат-надоматлари бутун жилолари билан намоён бўлади.

Шоввоз образи — ёзувчининг жиддий ютуғи. Унинг сиймосида меҳнаткаш халқимиз, асл деҳқон-боғбон характерига хос бебаҳо фазилатлар мужассам. У эл-юрт ғамида ўзининг шахсий ҳаётини, ҳузур-ҳаловатини унутиб, бутун умрини меҳнатда ўтказиб юборади; йил ўн икки ой эртаю кеч меҳнат қилиб ўзига ҳам қарамаган, вафодори Ойсулув кўнглини ололмайди, соғлигига қароламайди, охирида у бунинг учун ўкинади, аммо ҳаётини қайтадан бошлаш имконияти бўлганида яна ўшандай умр кечириши табиий. Чунки у — меҳнат учун туғилган, эл-юрт ғамидан бошқасини билмайдиган одам... У — ўта ҳалол, нопокликни, ғирромликни асло дилига сиғдиролмайдиган шахс. Афсуски, социал адолат оёқ ости қилинган, ғирромлик ва нопокликка йўл очиб берилган бир шароитда мана шундай ардоққа лойиқ инсонлар, ҳалол, камсуқум, чин меҳнаткаш, бунёдкор шахслар панапастқамда қолиб кетди, ҳар хил йўллар билан камситилди, хўрланди.

Шоввоз — бирда мард, танти, кези келганда кескин, қаҳри қаттиқ, шиддаткор; бирда майинмулойим, қалби дарё, саховату мурувватга тўла; бирда ўта содда, гўл; бирда эса, кўпни кўрган донишманд — хуллас, ғаройиб табиатли одам. Унинг йигитлик шаъни оёқ ости қилинган ўғлига айтган қатъий сўзини тинглаганда, қабиҳ кимса — Фотиҳга, қаллоб Музаффарга ҳамласини, Музаффар «ҳиммати»ни рад этгандаги ҳолатини кўрганда шижоатига қойил қоламиз; бу одамнинг ишдан ҳайдалгач, ўз шахсий ҳаёти, умр йўлига бир нигоҳ ташлаб, ўтган беҳаловат кунларини эслаб, Ойсулувнинг ночор аҳволини, бу беминнат, фидойи умр йўлдоши олдидаги қарзларини ўйлаб кўнглида кечган ҳазин нидоларини, ўғли аварияга учраганда, хусусан, Ойсулувдан жудо бўлганида чеккан аламли зорларини, кўнгил фарёдларини тинглаганда, ўзимизни қўярга жой тополмай қоламиз. Шоввознинг шўхлик билан ўтган ўсмирлик, йигитлик саргузаштлари, оловли севги тарихи, жангда кўрсатган жасорати, дўстларига садоқати — ўзи бир достон. Дўстларига, мурувватга муҳтож шахсларга мунис-меҳрибон бу одам ғанимларига нисбатан ўта шафқатсиз.

Романнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, ёзувчи ҳаётдаги ҳозирги жараёнларга, салбий тенденцияларга ҳам раҳбар ходим — Белобородов, ҳам меҳнаткаш деҳқон — Шоввоз, ҳам меҳнаткаш халқ орасидан чиққан зиёли, ижод кишиси Расул нигоҳи орқали назар ташлайди, ҳаёт муаммолари мағзини улар нуқтаи назаридан таҳлил этади. Отабола Фармоновлар ўзбошимчалиги, авантюристик хатти-ҳаракатлари эски қадрдон раҳбар ходим Белобородовни ҳам, оддий боғбон Шоқосимни ҳам, зиёли-санъатшунос Расулни ҳам бирдек ташвишга солади, ўйга толдиради. Кечаги оддий жангчи нега бугун бу ҳолга тушди, жангдаги онтини унутди — зўравон, ҳудбин, ҳирс қули, мол-дунё бандасига айланди? Айниқса Расул ижод одами сифатида бу ҳақда кўп бош қотиради. Фармоновларнинг тубанлашиш сабаблари, илдизларини қидиради. Фармонов ва улар типидаги кишиларга қарши юртда кетаётган аёвсиз кураш, инсофу диёнатни унутган олғирлар, қаллоблар қилмишининг фош этилиши, мислсиз жиноятларнинг очилиши, бир томондан, Расулни қувонтиради, иккинчи томондан, қаттиқ изтиробга солади, буларни халқимиз номига иснод деб билади.

Расул Нуриддинов образининг романда яна бир муҳим ғоявий-бадиий функцияси бор: адиб бу одам образи орқали бизни санъат, гўзаллик оламига, бадиият, илм аҳли турмушининг хилма-хил муаммолари ичига олиб киради. Худди хўжалик, ишлаб чиқариш соҳасида бўлгани каби санъат, бадиият, илм оламида ҳам имонэътиқодсиз, маънавий тубан, худбин, олғир шахслар бор. Санъатдек муқаддас даргоҳга муайян ноҳуш вазият тақозоси туфайли кириб қолган истеъдодсиз, диёнатсиз, шуҳратпараст кимсалар ҳақиқий талантлар йўлига тўғаноқ бўладилар, чин санъат асарларининг юзага чиқишига монелик қиладилар, ҳар хил воситаларни ишга солиб ҳақиқий истеъдод эгалари теварагида ифво, фисқу фасод гапларни тарқатадилар, гоҳо тўғридан-тўғри демагоглик билан ҳамлага ўтадилар. Фидойи олим Расул, унинг истеъдодли куёви Беҳзод шундай ифво, ҳамлаларга дуч келади. Асарда Расулнинг ғаламислар билан тўқнашув-олишувлари, Беҳзод яратган обида теварагидаги курашлар, айниқса бу ноёб обиданинг ижодий тарихи, тақдири зўр эҳтирос ва маҳорат билан тасвир этилган. Расул билан Беҳзоднинг санъат, гўзаллик оламида эзгулик, адолат, ҳақиқат учун олиб борган курашлари, уларнинг санъат бобидаги орзу-идеаллари, ташвишлари дилимизга ниҳоятда яқиндир, уларни қийнаган кўпдан-кўп муаммолар ҳозирги кунда ҳар бир ҳақиқий истеъдод соҳибини, чин виждон эгасини қийнаётган, ҳаяжонга солаётган муаммолардир.

«Оққушлар, оппоқ қушлар» романи эндигина бошланиб шиддатли тус олган, ҳали поёнига етмаган ҳаётий жараёнлар ҳақидаги романдир. Шунинг учун бўлса керак, унда кўтарилган ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг барчаси ҳам поёнига етмагандай туюлади. Шундай бўлиши табиий. Чунки асарда кўтарилган кўпгина ҳаётий муаммолар қандай хотима билан тугашини келажакнинг ўзи кўрсатади. Езувчи гоҳо айрим чигал, кескин можаро, зиддиятлар ечимини беришда бир оз шошилгандай кўринади. Чунончи, Музаффарнинг айбига иқрор бўлиб, ўзўзини фош этиши, Фотиҳнинг ишдан олиниши, ҳақиқатнинг қарор топиши — жафокаш Шоқосимнинг лавозимга кўтарилиши, Беҳзоднинг ижоддаги ғалабаси, Беҳзод билан Нигора орасидаги англашилмовчиликларнинг бартараф этилиши, Шоқосим рафиқаси Меҳринисонинг ўзгариб, тўғри йўлга тушиб олиши, шу сингари бахтли хотималар ифодаси асар давомидаги шиддатли драматик руҳни бир оз сусайтиради. Тажрибали адиб покланиш, социал адолатни барқарор этиш йўлидаги қийинчиликлар, янгидан туғилаётган ҳаётий жумбоқлар драмасини яна ҳам кескинроқ, шиддатлироқ тарзда бутун мураккаблиги билан бериши мумкин эди. Аммо шу ҳолда ҳам адиб романда бурилиш даври руҳини, бу даврнинг бир қанча муҳим жиҳатларини ҳаққоний, таъсирчан акс эттиришга эришган. Асарнинг қиммати аввало шунда.

**Умарали НОРМАТОВ,**
филология фанлари доктори

# ХАРАКТЕР ЯРАТИШДА УСТА

**Баъзан, бу одамнинг исми жисмига мос тушган, деймиз. Ҳа, ОДИЛЖОН адабиётимизда АДОЛАТЛИ қаламкашлардандирки, буни дўстлари, зукко ўқувчилари сезмаслиги мумкин эмас. О, ДИЛ... деган маъноси ҳам бор. У ёзган роману қиссаю драматик асарлар, ҳикоялар замирида лирик кечинмалар, дил туйғулари, дилбар воқеалар, инсоний кечинмалар, дилдорликлар кўпдир. Ҳатто тарихий Али Қушчи феълида ҳам дунёга беш юз йил кейин келган Одилжон характери йўғрилган деб, айтгим келади. Бу, табиий. Саркарда Кутузов образига Лев Толстой, Отабекка Абдулла Қодирий, Навоий характерига Ойбек феълу фазилатлари ўтганидай Одилжондаги характер ҳам «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат»да ўзини кўрсатган. Одилжон кўп ўқийди, уқиб ўқиган яхши! Матбуот — дорилфунунида аъло таҳсил олган, хонаки эмас, одамлар ичида кўп биладиган, шу сабабли ҳам асарларидаги кишилар ном бўлиб қолмай, ўз характери билан ёдда қоладиган даражага етгандир. Профессор Умарали Норматовнинг фикрларини қувватлаб, мақолани ортиқча чўзишга ҳожат қолмади.**

**1951 йили «Шарқ юлдузи» журналида унинг дастлабки қиссаси «Тенгдошлар»ни биринчи бор эълон этиб, иқтидорини пайқаганлардан биридирмиз. У эллик ёшга тўлганида юракдан сўзлар айтиб, яримта эмас, бутун бўлишни, яъни юз йил умр кўриб, халқ бахти учун ижод қилишини умид қилганларнинг биримиз. Ўн йил, мана кўз юмиб очгунча ўтиб кетди. Одилжон ҳақида, нима деган бўлсак, ҳеч қачон янглишганимиз йўқ, меҳнатда одиллиги, билимдонлиги билан бизларни хурсанд қилиб келмоқда. Дунёда мана шу иш ва яхши асарлар қолади.**

**Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати, нишондор адиб Одил Еқубов 60 ёшга тўлди. Уни қучиб, оёғини ердан узиб, курашчилардек майдонда бир айлантириб ерга қўямиз, саломат бўл, халқимиз бахтига кўп-кўп яхши асарлар ёзиб беравер, деймиз.**

**МИРМУҲСИН**

# Қушлар шайдоси



Ўргатилган бедана.

Табиатни севиш — унинг наботот ва ҳайвонот оламини кўз қорачиғидай асраш, ардоқлаш ва кўпайтириш демакдир! Халқимиз — табиатга меҳрибон халқ. Орамизда асрий дарахтлар ва ниҳолларни, қушлар ва ҳайвонларни, гуллар ва сабзавотларнинг хилларини кўпайтириш ва парваришлаш билан шуғулланаётган минглаб фидойилар борки, эндиликда уларнинг тажрибаларини оммалаштириш, тарбия усулидан фойдаланиш давр тақозосидир! Масалан, Чорвоқ посёлкасида яшовчи Ғани Эргашев бўш вақтини табиат қўйнида ўтказади. Уни ҳамкишлоқлари «табиат шайдоси» дейишади. Ғани ака беш асрдан буён ўз салобатини йўқотмаган Бобочинорни алоҳида меҳр билан парвариш қилиб келади. «Асрлардан асрларга тирик тарих бўлиб яшаб келаётган Бобочинорни келгуси авлодларга авайлаб ҳадя этишимиз керак», дейди у...



Тоғ маликаси.

Республикамизнинг кўпгина клублари ва мактабларида «Еш табиатшунослар» тўгараклари, станциялар ишлаб турибди. Бу тўгаракларда сабзавотчилик, гулчилик, асаларичилик, боғдорчилик, ипакчилик, паррандачилик, қуёнчилик билан шуғулланаётган болалар йилнинг тўрт фаслида турли тажрибалар ўтказадилар. Улар район, шаҳар, область, республика миқёсида уюштирилаётган «Табиат байрами», «Қушлар байрами» каби тадбирларда актив иштирок этадилар. Бундай тадбирларни мусобақа тарзида ўтказиш анъанага айланмоқда...

Ўзбекистон — ноёб қушлар ўлкаси! Булбул ва тўти, қалдирғоч ва мусича, лайлак ва ҳакка, қарға ва чумчуқ, бургут ва қирғий, ҳар куни, ҳар дақиқа теграмиздан учиб ўтадиган, боғимизда хониш қиладиган минглаб навоси сафоли қушлар кўнглимизни яйратади. Зотан, қушлар парвариши ва уларнинг хилларини кўпайтириш билан боғлиқ қадимий анъана ва удумлар такомиллашиб, замонавий мазмун касб этиб бормоқда. Бунда маҳаллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган қуш ишқибозларининг кўргазмалари, «Қушлар байрами» каби тадбирлар ҳаётимиздан кенг ўрин олмоқда...

1986 йил март ойида Чехословакиянинг Оломоус шаҳрида халқаро қуш ишқибозларининг VII Кўргазмаси ғолиби Абдужаббор Қаҳҳоров шарафига СССР гимни янгради. Кўргазмада Чехословакия, Болгария, Югославия, ГДР, ГФР, Польша, Руминия, Франция, Австрия, Люксембург, Венгрия ва СССРнинг қуш ишқибозлари қатнашдилар. Абдужаббор Қаҳҳоровнинг «Бахт қуши», «Оқ томоқли булбул», «Чўл каклиги», «Ола-була шақшақ», «Кумуш рангли шақшақ» каби қушлари кўргазманинг 3 Олтин, 3 Кумуш медалига сазовор бўлди. Наманганлик бу қуш ишқибози 1965 йилдан бери 560 хил парранда боқиб, 1981, 1983, 1985 йилларда ўтказилган Халқаро кўргазмаларнинг Олтин ва Кумуш медалларини олган. Германия Демократик Республикаси паррандачилик ва қуш ишқибозлари журнали «Экзота»нинг бош редактори Ханус Петерс Абдужаббор Қаҳҳоровга йўллаган мактубида шундай ёзади: «Ҳамкасбим Абдужаббор! Сизнинг ҳар бир кўргазмада эришаётган зафарингиздан жуда қувонаман. Менинг юз хилдан ортиқ қушим бор. Лекин «Бахт қуши»дан йўқ. Агар имкони бўлса, ўша қуш масаласида менга ёрдам берсангиз...»



Ўрта Осиёдагина учрайдиган Бахт қуши.

А. Ўтарбеков фотолари



Калифорния беданаси.



— Қирғовул қизил экан,
Думлари узун экан...

Ш. Осмонов фотоси

Тошкентдаги М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида ҳам ҳар йили «Табиат байрами» ўтказилади. Янги ўқув йилини эндигина бошлаган болалар бу ерга «Қуш сайли» томошасига йиғиладилар. Йўлаклар чеккасида тизилган катта-кичик қафасларда турли қушлар. Гуё бу сўлим гўшага етти иқлимдан паррандалар кўчиб келгандай. Қирғовулдан тортиб колибри деб ном олган рангдор митти қушгача — ҳамма-ҳаммаси бор. Баъзи қушлар бетакрор овози, хониши, нағмаси билан эътиборни тортади, «ясан-тусанга ўчлари» эса нафис патларини кўз-кўз қилади...

Ғ. ҒОФУРОВ




# ИЛҲОМБАХШ ИЖОД ТАЪСИРИ

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг умумбашарий ғояларни тарғиб қилган асарлари жаҳон маданияти ва адабиёти тарихидаги барча сиймоларнинг ижоди билан ҳамоҳангдир.

Академик Н. И. Конрад Уйғониш даври ҳақида фикр юритар экан, унинг VIII—IX асрларда Хитойда бошланганлигини, IX—XV асрларда Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистоннинг бир қисмида давом этганлигини ва XIV—XVI асрларда Европада ниҳоясига етганлигини ёзганди. Уйғониш даврининг буюк вакиллари ижодида қандайдир умумийликни кўриш мумкин. В. М. Жирмунский ҳақли равишда: «Алишер Навоийнинг улкан сиймоси жаҳон адабиётидан алоҳида ажралиб қолган эмас. Ўзбек адабиётининг буюк асосчисининг ижоди бевосита ғарбдаги ҳамфикрларининг — Уйғониш даври шоир ва мутафаккирларининг илғор ғоялари билан қўшилиб кетади», деб ёзади. Дарҳақиқат, Шарқ адабиёти тарихини, хусусан турк адабиёти тарихини қиёсий-типологик ўрганган олимлар бошқа халқлар адабиётининг маълум тарихий даврига хос характерли хусусиятларнинг айрим тенденциялари мазкур адабиёт тарихида ҳам кўринишини таъкидлайдилар.

Уйғониш даври турли вақтларда ҳар жойда ўзига хос тарзда кечгани билан барча халқлар маданияти ва адабиётида умумий ўхшаш томонларни ҳам вужудга келтиради. Бу ҳол давр мутафаккирларининг умуминсоний ғояларни кўтариб чиққанлиги, башарият тақдири учун қайғурганлиги билан белгиланса, ажаб эмас. Зеро, Уйғониш даври алломаларининг ижоди бир халқ доирасидан чиқиб, бошқа халқ ижодкорларига таъсир қилиши шубҳасиз.

Буюк Навоийнинг асарлари ўзи ҳаётлигидаёқ узоқ-узоқларда ҳам машҳур эди. Унинг ғазалларини биринчи бор ўқиган, тинглаган киши, беихтиёр шоирнинг мухлисига айланган, бошқа асарларини топиб ўқишга ҳаракат қилган.

Шарқ халқлари ўртасида, айниқса туркий халқлар ўртасида Алишер Навоий машҳур бўлган. Шоир ғазаллари севилиб ўқилибгина қолмай, унинг ғазалларига назиралар боғланган, эпик асарларидан илҳомланиб достонлар яратилган. Турк адабиёти мисолида бунинг яққол намунасини кўришимиз мумкин.

XV асрда турк адабиёти тарихидан ўзига хос ўрин эгаллаган Аҳмад Пошо (туғилган йили номаълум — 1496 йили вафот этган) биринчилардан бўлиб Алишер Навоий ижодига мурожаат этади. Замондошлари кўпроқ форс, араб поэзиясининг улуғ сиймоларига тақлид қилган бир даврда Аҳмад Пошонинг Навоий ижодига ёндашиши ижобий ҳолдир.

Илмий манбалардаги маълумотларга қараганда, 1480 йиллари Алишер Навоий Туркияга — Боязид II га ўттиз учта ғазалини юборган. Бу ғазаллар барча шеърият мухлисларига, жумладан Аҳмад Пошога ҳам жуда ёқади, шунинг учун у ўз қўлида бўлган Навоий ғазалларининг ҳаммасига назира боғлайди. Аҳмад Пошо Низомий, Жомий каби улкан сўз санъаткорлари ижоди билан ҳам яхши таниш эди. Навоий ғазаллари унинг ижодига жуда катта таъсир ўтказади. Бинобарин, Аҳмад Пошо лирикасининг баркамоллашувида Навоий ғазалларининг аҳамияти каттадир.

Алишер Навоий ижоди фақат турк лирик шеъриятига таъсир қилибгина қолмасдан, балки йирик эпик асарларнинг яратилишида ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлигини сезиш мумкин. Умуман, XV—XVI асрлар турк адабиёти тарихида яратилган достонларга буюк озарбойжон шоири Низомий Ганжавий (1140—1209), ўлмас «Шоҳнома»нинг муаллифи Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоийларнинг улкан таъсири бор. Масалан, турк шоирлари орасида биринчи бўлиб «Хамса» яратган Ҳамдулла Ҳамди Чалабийдир. Унинг «Хамса»сига биринчи достон қилиб Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси киритилади. Шоир тақдири ҳам Юсуф тақдирига ўхшаб кетганлиги учун Чалабий ўз «Хамса»сига «Юсуф ва Зулайҳо» достонини танлаганлигини айтади. Фақат шоир асарга романтика, тасаввуф руҳини сингдириб, қайта ишлайди ва 1491 йилда уни тугатади.

Чалабий «Хамса»сининг иккинчи достони, Шарқда кенг тарқалган, кўпгина шоирларнинг севимли сюжети бўлган «Лайли ва Мажнун» (1499 йилда ёзиб бўлинган) достонидир. Чалабий ва Навоий достонларини қиёслаб ўрганган адабиётшунос В. Гарбузова Ҳамдининг «Лайли ва Мажнун» достонини ёзишида Навоий ижоди таъсири бўлганлигини аниқлайди: «Гарчи Ҳамди ўз достонида Алишер Навоийнинг шу номли достони билан таништлиги тўғрисида ошкор бирор нарса айтмаса ҳам (Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»и 1484 йилда, яъни Ҳамдининг китобидан 15 йил олдин дунёга келган эди), Ҳамди Навоийнинг гениал асари билан таниш бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Ҳамди достонидаги воқеалар ривожланадиган муҳит тасвири Навоий тасвирини жуда-жуда эслатади. Бундан ташқари, Навоий сингари Ҳамди ҳам ўз достонида Қайс (Мажнун)нинг телба муҳаббати кечмишига асосий кучни бермайди, балки Лайлининг оғир аҳволини тасвирлаш орқали ўрта асрда аёлларга паст назар билан қаралишига қарши норозилик билдиради.

Ҳамдининг достони шу жиҳатдан ҳам эътиборга сазоворки, «у Навоийнинг чинакам таъсирини сезиш мумкин бўлган биринчи турк маснавийсидир». Олиманинг бу мулоҳазаларида жон бор. У бевосита образлар таҳлилидан кейин шундай хулосага келади.

Навоийнинг асарлари Туркияга дастлаб айрим-айрим ҳолда етиб боради, тўла девони 1501 йилда шоир Вазирий томонидан олиб борилади. Турк шоирларининг Навоий ижодига бўлган муҳаббати, ғазалларига боғланган назиралари улуғ ўзбек шоирини турклар орасида жуда машҳур қилиб юборади. Бу ҳақда В. Гарбузова шундай деб ёзади: «Навоийнинг ажойиб лирикаси турк шоирларига, уларнинг ижодига жуда катта таъсир кўрсатди. Буюк мутафаккир лирикасидаги чуқур фалсафий фикрлар, инсон ҳаётига зўр таъсир қила оладиган ёркин поэтик образлар ва тасвирий воситалар ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Улар Навоийнинг шоирлик қудратига, унинг жуда катта санъаткорлик кучига қойил қолдилар».

Шоир ижодига ана шундай улкан муҳаббат туфайли Навоий ҳақида турк халқи ажойиб ҳикоялар, достонлар яратдилар. Бинобарин, «Гули ила Алишер» турк халқ оғзаки достони улуғ Навоийга бўлган турк халқининг эъзози намунасидир. Достонни 1941 йили П. К. Баратов бахши Мудомийдан ёзиб олади, 1946 йили Анқарада «Халқ ҳикоялари ва халқ ҳикоячилиги» тўпламида нашр эттиради. Мазкур достонни шарқшунос Г. Горбаткина ўзининг «Алишер Навоий ҳақидаги турк достони» мақоласида атрофлича таҳлил қилади. Биз учун энг муҳими, достонда Навоий мисраларига оҳангдош, шоир сатрларини эслатувчи мисраларнинг кўплигидир. Масалан, достон айтувчи қўллаган: «Сарв толнинг соясида сўлди гул, нетмоқ керак» мисраси Навоийнинг машҳур ғазалларидан бири:

«Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,

Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил» матласи билан бошланадиган ғазалнинг ёзилишига туртки бўлган афсонани эслатиб, «Гулоб ила юву гул баргидан кафан қилғил» мисраларини ёдга солади.

Дарҳақиқат, «Шарқ юлдузи» журналининг 1986 йил 2-сонида шоир Ж. Камол таржимасида ўзбек тилида эълон қилинган мазкур достон Навоий даҳосига турк халқининг меҳрини ифодаловчи далилдир.

Асрлар давомида турли халқларнинг Алишер Навоий ижодига бўлган қизиқиши йилдан-йилга кучаяётир. Унинг ғазаллари, достонларигина эмас, илмий асарлари ҳам, у ҳақдаги илмий адабиётлар ҳам омма эътиборини тортмоқда. Унинг «Муҳокамат-ул-луғатайн» асари ўтган асрдаёқ Туркияда нашр этилди. 1937 йили Истамбулда академик В. В. Бартольднинг Навоий ҳақидаги илмий иши Аҳмад Жаъфар таржимасида эълон қилинди. Шоир туғилганига 525 йил тўлиши муносабати билан ҳам Истамбулда Навоийнинг бир қанча асарларидан намуналар чоп этилди.

Алишер Навоий ижодининг турк адабиётига таъсири хусусида олимлар ҳам бир мунча илмий тадқиқотлар яратганлар. Айниқса, Ф. Кўпрулузода ва А. С. Левендларнинг бу соҳадаги хизматлари диққатга сазовор. Аммо бу ҳали қилиниши лозим бўлган ишларнинг дебочаси. Навоий ва жаҳон адабиёти, жумладан турк адабиёти муносабатлари борасида келажакда кўпгина илмий ишлар яратилишидан умидвормиз.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
филология фанлари кандидати

# БАДИИЯТ МЕЗОНИ



Чинакам проза асарини киши фақат ўзи ўқиб, мутолаа қилсагина унинг ҳақиқий моҳиятини, жозибасини ҳис қила олади. Чунки унда ҳаёт ҳодисалари, инсон қалби кечинмалари шундай тасвир этилган бўладики, уларни кимдир бировнинг айтиб бергани орқали англаб етиш қийин. Тўғри, эшитганда ҳам асардаги қаҳрамонлар номини, касби-корини, сюжетдаги воқеаларни билиб олиш мумкин. Аммо унда ифода этилган қаҳрамон қалб драмасини, у дуч келган зиддиятлар мураккаблигини тўла-тўкис англаб етиш амри маҳол. Қолаверса, етук насрий асардаги бадиий тасвир жозибасини кинода ҳам бор бўйича акс эттириш ниҳоятда мушкул. Чунки у ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг шунчаки оддий кўриниши эмас. Масалан, айтайлик, бирорта одамнинг бошидан ўтганларини, ўзаро суҳбатларни оқизмай-томизмай қоғозга туширган билан у бадиий асар бўлиб қолмайди. Ёки айнан қизиқроқ, антиқароқ саргузаштни топиб, уни безаб, бўрттириш билан ҳам китобхонлар қалбини ҳаяжонга соладиган бирор асар яратиш мумкин эмас. Негаки, булар бор-йўғи воқеанависликдир холос. Ҳақиқий насрий асар эса, бу ҳаёт ҳодисаларини, унинг мураккабликларини, инсон қалбининг турфа хил жилоларини тасвир этиш — китобхон кўз ўнгида жонлантириш ва уни ўйлатишдир. Лекин адабий жараёнимизда бадиий тасвирдан йироқ, турмуш воқеаларининг шунчаки қайдига айланиб қолган асарлар бир мунча кўпайиб кетаяпти. Албатта, ҳеч вақт адабий жараён фақат етук асарлардангина иборат бўлолмайди. Бу — табиий. Бироқ шундай бўлса-да, қаҳрамоннинг бошидан кечирганларини бор-йўғи баён қилган асарларнинг ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндай учраши асло ижобий ҳодиса эмас.

Мана, «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журнали саҳифаларида, нашриётларда ҳар йили ўнлаб романлар, қиссалар босилади. Аммо уларнинг аксарияти ўз-ўзидан унутилиб кетади. Чунки уларда сўз санъатининг энг муҳим хусусияти — бадиийлик у қадар етарли эмас. Уларда ҳодисаларнинг бутун қарама-қаршилиги, муаммоларнинг дабдурустдан кўринмайдиган қатламлари, инсоннинг табиий-ижтимоий мураккаблиги, қаҳрамоннинг қалб бисоти тўлалигича ишонарли ифода этилмайди. Бир марта ўқилиши биланоқ унутилиб кетадиган асарларда ҳам воқеалар, тафсилотлар, қаҳрамонлар бор. Аммо уларнинг ичига кириб борилмайди, сиртдангина баён этилади.

Лекин бу билан адабий жараёнимизда китобхонлар қалбидан жой олаётган ғоявий-бадиий жиҳатдан салмоқли баъзи бир проза асарлари мавжудлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Тарихий ҳамда замонавий мавзуларда катта адибларимизнинг, айрим истеъдодли ёш ёзувчиларимизнинг яратган асарлари ўз ўқувчиларини инсон маънавияти, кишининг бурчи, мақсади, яшашнинг мураккаблиги, ҳаёт курашлардан иборат эканлиги каби ҳаётий муаммолар ҳақида ўйлантираётганлиги, тасаввурини бойитаётганлиги сир эмас.

Аммо шундай қиссалар пайдо бўлаяптики, улар бор-йўғи битта қаҳрамоннинг ҳикоясидан иборат. Қаҳрамон ўз бошидан ўтганларини бирма-бир айтиб беради — шу билан асар тамом. Лекин унинг сўзлаб бераётганлари ўқувчида лоқайдликдан бошқа нарса қолдирмайди. Зеро, чинакам насрий асарда ҳаёт ҳодисаларининг моҳияти чуқур таҳлил қилинади, инсон руҳияти ўз зиддиятли, ғалаёнли жараёнлари билан таъсирчан очиб берилади.

Мана шу ҳақиқатдан келиб чиқсак, С. Қолбекнинг «Гулжон», В. Бобомуродовнинг «Менинг юз куним» қиссалари хусусида бундай деб бўлмайди. Бу асарларнинг ҳар иккисида воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ўй-кечинмалари баён қилинади, тавсифланади. «Гулжон»да ҳам, «Менинг юз куним»да ҳам қаҳрамонлар ўз бошидан ўтганларини сўзлаб беради. Лекин адабиётимиз тарихида ҳам, ҳозирги адабий жараёнда ҳам худди шу йўл билан яратилган жуда баркамол асарлар мавжуд. Бироқ асарнинг биринчи шахс тилидан ҳикоя қилиниши на Султон Қолбек, на Вали Бобомуродов асарларида ўзини оқлай олган. Ҳар икки муаллиф бу йўл орқали ўзлари қаламга олаётган ҳодисаларнинг янги қиррасини, кўзга у қадар ташланмай турган қатламларини очиб беролмаганлар. Асар қаҳрамонининг қалбидаги дард, ташвиш, ўйлар, бир-бирига зид туйғулар кураши бор бўйича ифода этилмаган. Муаллифларда ўқувчини воқелик ичига, қаҳрамон дунёсига олиб кирадиган, ундаги мураккабликлар ҳақида ўйлатадиган ижодкорона теран бир идрок, ўзига хос нуқтаи назар етишмайди. Шу сабабли асардаги воқеаларнинг давоми нима бўлишини ўқувчи олдиндан билиб туради. Бу эса, муаллифларнинг ўз муайян бадиий концепцияси, китобхонга айтмоқчи бўлган муҳим бир гапи етарлича сезилмаслигидандир.

Султон Қолбекнинг «Гулжон» («Ёшлик», 1985, 12-сон) асаридаги воқеалар уруш йилларида кечади. Унинг қаҳрамони Собиржон эндигина мактабга қатнаётган бола. Воқеалар шу болининг тилидан ҳикоя қилинади. Собиржон отасининг урушга кетгани, онаси билан қиш-қировли оғир кунларда чўпонлик қилганлари, бирда қўйларга хашак ўриб келишга борганларида уларга бўри ҳужум қилиб, онасидан айрилгани, бу мусибатдан ўзининг, Гулшан опасининг (асли холаси, лекин бунга ҳеч бир изоҳ берилмайди) қийналганлари, отасининг урушдан қайтиб келиши, унинг ҳам бу кутилмаган фожиадан изтиробга тушиши ва ҳикоясининг сўнггида Гулшан опасининг отасига текканию, унга онасидай меҳрибон бўлиб қолганини айтиб беради. Бироқ воқеалар қаҳрамон қалбидаги изтироблар, дардлар, армонлар билан етарлича йўғрилиб ифода этилмаганидан бу бир қадар қайғули фожеийлик ҳам кишини ҳаяжонга солмайди. Қиссада муаллифнинг оддий шарҳчи, баённи эканлигини мана бу ўринлар ҳам исботлайди: «Шафқатсиз изғирин шохлардаги сўнгги тилла япроқларни қушдек чирқиратиб юлиб кетди... Бўғзигача қорга кўмилган ўт-ўлан ҳаёт билан видолашарди. Далалар олмос қиличдай совуқ». Ёки: «Ой нурида яна ҳам ёришган оппоқ қирлар хаёлдай чексиз. Қизилжар оғуши муздай; сирли ва қўрқинчли. Қамиш ортилган арава узоқдан денгиз қирғоғида синиб ётган қайиққа ўхшаб кўринади». Яна бир ўринда: «Хаёл дарёсида оқиб, дераза токчасига қалаштириб ўтирган билакларимга бошимни қўйиб ухлаб қолибман». Таъкидлаш керакки, булар ҳаммаси Собиржоннинг гап-сўзлари. Унинг манзара-кўринишни бу қадар тасвир-ўхшатишлар билан ифода этиб беролмаслиги ҳаммага равшан. Тўғри, юқорида келтирилган мисолларда муаллифнинг ифодада образлиликка интилгани кўринади. Бироқ образлилик ҳам, мантиққа мос бўлиши, ким томонидан айтилаётгани реал ҳақиқатга тўғри келиши керак. Бинобарин, «Гулжон»даги ўхшатиш, жонлантириш каби воситалар асар руҳига сингишиб кетмаган. Бор-йўғи безак вазифасини бажарган. Агар асар турмушнинг маълум бир манзарасини, кўринишини таъсирчан ифода қилиб, киши қалбида туйғулар, ўйлар, қислар қўзғамаса, ундан нима наф?

Энди ёш ижодкор Вали Бобомуродовнинг «Менинг юз куним» номли асарини («Ёшлик», 1986, 2-сон) кўздан кечирайлик. Унинг қаҳрамони Илғор деган бола. Асарда Илғор ўз бошидан ўтган саргузаштларни айтиб беради. Аммо уларнинг бари муаллифнинг ўқувчини қулдиришга зўрма-зўраки уриниши эканлиги аниқ сезилиб туради. Илғор ҳам «Гулжон» асарининг қаҳрамони Собиржон сингари мактаб ўқувчиси. Илғор ҳамма касбдаги кишиларга ҳавас қилади. Масалан, боғчага қатнаб юрганида боғча опа бўлишни, магазинчи «Волга» олганини кўриб, магазинчи бўлишни, колхоз раисини доим машинада олиб юрганлари учун раис бўлишни, анонимкачидан ҳамма қўрққанидан анонимкачи бўлишни хаёл қилади. Ҳатто унда аттор бўлишга ҳавас уйғонади. Кейин у бирдан «Ёш мухбир» тўғарагига боради-ю, машҳур шоир бўлиш, ҳаммага танилиш ишқига тушиб қолади. Сўнгра айрим латифанамо саргузаштларни бошидан кечиради. Бир машҳур шоирга ўхшаб шеър ёзмоқчи бўладими-ей, колхозда бригадир бўлиб ишлайдиган ўз отасининг айрим қинғир ишлари устидан газетага ёзадими-ей... Аммо бу олди-қочди саргузаштлар ифодасидан муҳим бир салмоқли маъно англашилмайди. Тўғри, болалик, ёшлик — орзулар даври. Киши болалигида ҳамма нарсага эришишни истайди. Лекин «Менинг юз куним»да Собиржоннинг хаёлий орзулари билан реал воқелик ўртасидаги муносабатлар китобхонда безовталик қўзғатадиган даражада ифода этилмайди. Ўқувчи қаҳрамоннинг кечмиш-кечиришларига лоқайд қараб, асарни ташлаб қўяди.

Кишининг бошидан кечирганлари, орзу-хаёллари, ташвиш, ғамлари... Булар — реал турмуш ҳодисалари. Реал турмуш воқелиги, ундаги бу сингари хилмахил жараёнлар ҳар қандай асар учун асос-манба бўлади. Бироқ ҳодисаларни сиртдан оддийгина қилиб кўчириш билан асар яратиб бўлмайди. Чунки воқеани қоғозга тушириш билан уни бадиий асарга айлантириш моҳият эътибори билан бири биридан бутунлай бошқа-бошқа нарса. Ижодкор ҳаётда учраган ёки учраши мумкин бўлган ҳодисаларни шунчаки кўчириш билан эмас, уларни бадиий идрок этиш, моҳиятини очиш, турмушнинг энг муҳим ижтимоий-маънавий муаммолари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш орқалигина бадиий асар ярата олади.

«Гулжон» билан «Менинг юз куним» қиссалари-ку мактаб болаларининг ҳикоялари асосига қурилган. Лекин катта ёшли қаҳрамонлар тилидан ҳикоя қилинган айрим асарларда ҳам қаламга олинаётган воқеликни бадиий тадқиқ этиб кўрсатиш у қадар кучли эмас.

Дилбар Саидованинг қатор ҳикоялари, «Еру осмон ўртасида» номли қиссаси эълон қилинган. Яқинда «Шарқ юлдузи» журналида унинг «Овоз» асари босилиб чиқди. Қисса Роҳила исмли аёлнинг ўз тақдири, ташвишлари, болалари, рўзғорининг кундалик икир-чикирлари ва эри билан муносабати ҳақидаги ҳикоясидан иборат. «Ҳаётда неники чинакам ҳис этган, нимага эришган бўлсанг, ҳаммаси йигирма беш ёшинггача бўлган. Дорилфунунда ўқиш, заводдаги иш, аспирантлик даври... Яна шаҳар чемпиони эдинг», дейди ўзига-ўзи у. Энди Роҳиланинг учта фарзанди бор. Эри Ҳафиз — рассом. Аммо уларнинг турмуши Роҳиланинг ўйлаганидай бўлмаяпти. Эри ичадиган, рўзғорга қарамайдиган бўлиб қолди. Бунга яраша Ҳафизнинг ижодий ишлари ҳам яхши

# АКТЁРНИНГ БАХТИ

*Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Жалилов туғилганига 90 йил тўлди*



**Обид Жалилов «Бой ила хизматчи» драмасидаги Солиҳбой ролида.**

**К. Ромеев фотоси**

Актёрнинг бахти — у яратган образлар халқ томонидан эътироф этилиши, халқнинг қалби ва онгига сингиб қолишида. Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Обид Жалилов — ана шундай бахтга муяссар бўлган машҳур саҳна соҳибларидан бири. У 1920 йил 15 апрелдан умрининг охиригача — 1963 йилнинг 27 сентябригача Ҳамза номли академик драма театрининг актёри бўлиб ишлади. Ана шу давр ичида саҳна ва экранда юз элликка яқин турли характердаги образлар яратди. Улар орасида Вершинин, Арслон, Солиҳбой, Клавдий, Маждиддин, Ҳакимбек, Оғабек, Комилов, Мавлон, Қодир, Маҳкам образлари ўзбек совет театр ва кино тарихига алоҳида саҳифа бўлиб қўшилди.

Маълумки, социалистик реализм — барча совет санъаткорлари учун ягона методдир. Аммо уларнинг ҳар бири ундаги принципларни ўз ижодида ўзича татбиқ қилади, ўзича амалга оширади. Бу кўп жиҳатдан санъаткорнинг ижодий индивидуаллигига, истеъдоди, маънавий-ахлоқий, ҳатто жисмоний имкониятларини рўёбга чиқара олишига боғлиқдир.

К. С. Станиславский таъбирича, саҳна реализмининг энг юксак босқичи — қаҳрамон кечинмалари билан яшаш: саҳнада тўлақонли, ички ва ташқи жиҳатдан бой инсоний характерлар яратиш; ҳар гал саҳнага чиққанда қаҳрамонининг кечинмаларини қайтадан кечиришдир.

Обид Жалиловнинг талқинидаги дастлабки реалистик образ Вершининдан («Бронепоезд 14—69» спектаклидан) тортиб ижро этган сўнгги роли Маҳкам ота («Сен етим эмассан» фильми)га қадар саҳна реализмининг ана шу талабларига жавоб бера олади.

Бу актёр образ устида ишлар экан, характернинг ривожланиш жараёнидаги йўлларни, энг муҳим босқичларни аниқ белгилаб оларди, уларни мустаҳкамларди. Спектакль давомида образнинг ташқи ва ички дунёсини янгидан очгандай ва уни турфа бўёқлар, оҳанглар билан суғоргандай бўларди. Жалилов яратган образларнинг доимий навқиронлиги, эмоционал таъсир кучи сўнмаслигининг асосий сабаби ҳам ана шунда. Бу шундан далолат беради, санъаткор спектакль қўйилгунга қадар ва ундан кейин ҳам образ устидаги ишини тўхтатмай, муттасил давом эттириб борарди.

Саҳна реализмининг энг муҳим асосларидан бири — актёрнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кира олишидир. Актёр актёрлигича қолаверади, аммо у яратган образлар бир-биридан мутлақо фарқ қилиши шарт. Акс ҳолда, саҳнада маълум характерлар эмас, балки либоси ва башараси ўзгарган актёр кўринади, холос. Обид Жалилов ижодида саҳна реализмининг бу принципи ҳам ўзининг тўғри ифодасини топди. У яратган қайси бир образни олманг, Солиҳбой ёхуд Клавдий, Маждиддин ёхуд Вазир, Оғабек ёхуд Ҳакимбек, Мавлон ёхуд Жўравой, Комилов ёхуд Маҳкам ота, ҳуллас, уларнинг ҳар бири ўзича бир дунё, уларнинг бирортаси бир-бирига сира ўхшамайди. Бу образларнинг ҳар бирида характернинг ўзига хос ички ва ташқи қиёфасигина эмас, конкрет тарихий даврнинг нафаси, белгилари ўз аксини топган.

Обид ака пъеса ўқишдан тортиб премьерага қадар, ҳатто ундан кейин ҳам, бутун диққат-эътиборини образ яратиш борасидаги ижодий масалаларга қаратарди. У ижодий жараёнга шу қадар завқ билан берилардики, ҳатто томоша залини унутарди. Бу ҳол актёрга саҳнада бўлаётган ҳодисаларни реал ва муҳим нарсалардек ҳис этишга, уларга тўла ишонч билан қарашга имкон берарди. Ижодий иш жараёнида ҳосил бўлган бу хусусият туфайли Обид ака муайян образнинг, шунингдек, бир бутун асарнинг ғоявий йўналишини, ундаги энг муҳим ва асосий томонларни ажратиб олибгина қолмай, воқелигимизда рўй бераётган жараёнларни ҳам эътибор билан кузатиб, ижодини, интеллектини, дунёқарашини бойитиши мумкин бўлган нарсаларни ўзлаштириб борарди.

К. С. Станиславскийнинг таъкидлашича, актёр санъатини, драматик санъат негизини саҳна ҳаракати ташкил қилади. Бу шунчаки, актёрнинг юриш-туриши деган гап эмас. Саҳна ҳаракати — ғоят мураккаб жараён, у образнинг ички дунёсига мантиқан боғлиқ. Бу аввало, саҳнада фикрлаш деган гап.

Жалилов жонлантирган қаҳрамонлар саҳнада дастлаб пайдо бўлишидан, то охирги эпизодгача доимо фаол ҳаракатда. Масалан, «Бой ила хизматчи» спектакли давомида Солиҳбойнинг ёки «Сен етим эмассан» фильмида Маҳкам отанинг бошидан кечирганларини эсланг. Актёр бунга ўз қаҳрамонига бошқа образларнинг муносабатини уйғотиш билан эришарди. У саҳнада суҳбатдоши билан мулоқатда ўз фикри ва кечинмаларини баён қилиб ёхуд изоҳлаб ўтирмасди. Актёр ўзининг бутун борлиғи ва ҳаракатлари билан суҳбатдошини нимагадир ишонтириш, ниманидир рад этиш, исботлаш, талаб қилиш, таҳдидлаш ва шулар сингари бошқа фикр-туйғуларни ифода-

## Саҳна усталари

эмас. У ичиши туфайли ўзини ҳам, хотинини ҳам қийнаб қўйган. Оиланинг бутун ташвиши, рўзғорнинг барча юғур-югури Роҳиланинг зиммасида. Роҳила ўзининг аёллик масъулиятини, оналик бурчини чуқур ҳис этсада, у ёлғизлигидан, эринг ўзидан тобора узоқлашиб кетаётганидан қийналади, эзилади. Ўзининг ҳам Ҳафиздан кўнгли қолиб бораяпти. Эр-хотин ўртасида даҳанаки жанжаллар кўпайган. «Ҳафиз, сизнинг мендан ҳар жиҳатдан кучли бўлишингизни истайман. Нега кучли эмассиз? Нега сиз билан уришишимга, сизни кундан-кун ёмон кўриб бораётганлигимга индамайсиз, ҳеч бир чора кўрмайсиз», дейди Роҳила. Аммо у эрининг уйдан кетиб қолгани ҳақида ўйлаганида бу масалада ўзининг ҳам айбдор эканлигини ҳис қилиб туради. Шундай пайтларнинг бирида Роҳилани иш жойидан командировкага жўнатишади. У ўзи туғилиб ўсган шаҳарга келиб, қариндошлари, танишлари билан учрашади, уйларига боради. Уларнинг турмушини, оилавий ҳаётини ўзиникига қиёслайди. Аммо командировкага келганининг эртасигаёқ тўсатдан кичик ўғлининг касалхонага тушгани, операция қилинганини хабар қилишади-ю, Роҳила дарҳол изига қайтади. Аэропортда эса, уни Ҳафиз, яъни уйдан чиқиб кетиб қолган эри қўлида гул билан кутиб олади. «Унга яқинлашар эканман, шунча кунлардан бери ненидир истаганим, ўша нелигини биролмаганим ва бу Ҳафиз эканини, унинг таниш овози эканлигини англадим», деб ҳикоясини тугаллайди Роҳила. Демак, асар қаҳрамони ишхонасидаги ташвишлар, у ердаги аёллар, қариндошлари, уларнинг оилалари, Абдулатиф билан севишган пайтлари ва бошқа шу кабилар ҳақида ўйлаб қийналганида ҳам ўз қалбига яқин бир кишини, ташвишларига елкадошни топмоқчи бўлган. Бу ахтаргани эса, ўзининг эри бўлиб чиқади. Албатта, ҳар бир одамнинг, айниқса, аёл кишининг ўзига, юрагига яқин бир инсонни, ҳамдардни излаши оддий бир ҳодиса эмас. Бу туйғу, бу кечинма жуда сирли муаммо. Бироқ «Овоз»нинг қаҳрамони қалбида кечаётган бу жараён китобхон юрагини жизиллатмайди. Ҳис-туйғуларини жунбушга келтирмайди. Уни қаҳрамоннинг дардлари, ташвишлари, қийналишлари ўз гирдобига томон тортолмайди. Айтайликки, воқеалар киссада талқин қилинганидан сал бошқача бўлганида, ўғли касалхонага тушмаганида ёки шундай бўлган тақдирда ҳам эри уни самолётдан тушиши билан гул кўтариб кутиб олмаганида нима бўларди? Роҳила ўзининг ўйлаганлари-ю нимани излагани хусусида қандай фикр айтган бўларди? Бу пайтда ҳам у Ҳафизни, ўз эрининг таниш овозини излагани ҳақида гапирган бўлармиди?

Умуман олганда, «Овоз»да муаллифнинг нуқтаи назари, ўзига хос нигоҳи ёркин кўринмайди. Балки асарда ички ва ташқи зиддиятлар, мураккаблиги, драмалари билан ифода қилиб берилган, деб бўлмайди. Қолаверса, муаммонинг долзарблиги асарнинг таъсирчанлигини, баркамоллигини таъмин этолмайди.

Қисқаси, бадиий асар воқеанавислик, воқеалар йиғиндиси эмас. Бадиий асар ҳаёт ҳодисасини қаҳрамон хатти-ҳаракатини, унинг қалб бисотини ич-ичидан туриб кўрсатиш орқали яратилади. Шундагина у китобхонни ҳаётнинг мураккабликлари, инсон қалбининг турфа хил жараёнлари, унинг ўй ташвишлари ичига етаклаб киради.

**Абдулла УЛУҒОВ**

лашга интиларди. Унинг ҳар бир ҳолатини, кайфиятини, мақсадини аниқ акс эттирарди. Хоҳ сўзли, хоҳ сўзсиз бўлсин, бутун спектакль давомида ҳаракат ҳолатидан чиқмай, доимо қаҳрамонининг кечинмалари билан яшарди, ҳатто унинг саҳна орқасидаги ва кўринишлар орасидаги ҳаётини сезиб турарди томошабин. Хуллас, Обид ака саҳнада қилаётган ҳаракатларига ўзини ва бошқаларни, жумладан томошабинни ҳам ишонтирарди.

Саҳна реализми актёрдан саҳна ҳаракатларининг ҳаётийлигинигина эмас, изчиллигини, узвийлигини, мантиқий ривожланиб боришини ҳам талаб қилади. Актёр ҳаракатининг мантиқи эса курашда, кураш орқали унинг қаҳрамони билан бошқа образлар ўртасида содир бўлган тўқнашувлар жараёнида ҳосил бўлади ва изчил ривожланади. Обид Жалилов ўзида саҳна реализмининг ана шу асосларига доимо амал қилиб келди. У ҳар бир образнинг ғоявий-фалсафий йўналишининг ижтимоий моҳиятини очишга, унинг спектаклдаги вазифаси, конфликтни ҳал қилишдаги ўрнини аниқ белгилаб олишга, бутун диққат-эътиборини, ҳаракатларини қаҳрамонининг нима мақсадда саҳнага чиққанлигини мантиқан исботлашга интилган. Унинг талқинидаги образлар воқеалар жараёнида муттасил, саҳнама-саҳна очилиб, ривожланиб борарди. Бунга, масалан, «Шоҳи сўзана»даги Мавлон ёки «Алишер Навоий»даги Маждиддинни мисол келтириш мумкин.

Обид ака образнинг асосий ғояси, бош мақсадини очишга бутун диққатини, ҳаракатини сафарбар қилиш билан бирга, унинг бадиий яхлитлигига ҳам эътибор берарди. У саҳнада пайдо бўларкан, бирорта ортиқча, мақсадсиз, мантиқсиз ҳаракат қилмасликка уринарди. Қаҳрамонининг ташқи ва ички оламини, унинг асосий моҳиятини томошабинга тўла ва аниқ етказишга интиларди. Бунинг учун у пьесани, унга топширилган ролни адабий таҳлил қилишни шарт деб биларди. «Актёрнинг энг муҳим ижодий ҳислатларидан бири, — деган эди Обид ака, — пьесани, унга ажратилган образни ипидан игнасигача чуқур, бафуржа таҳлил қилиб, асар ва образнинг мағзига кириш, ички ҳамда ташқи хусусиятларини тўғри белгилаб олишидир. Мен буни анча кеч, Солиҳбой устида иш бошлаганимдагина тушундим».

Обид ака қайси образ бўлмасин, хоҳ бош қаҳрамон, хоҳ эпизодик образ (жумладан, «Мешчанлар»даги Тетерев, «Қароқчилар»даги Максимилиан, «Мирзо Улуғбек»даги Пири Зиндоний ва бошқалар) адабий таҳлил жараёнида бутун эътиборини автор ғоясини очишга қаратарди. У ўзини унутиб, асар, образ ғоясига қанчалик берилса, шунчалик образ пишиқ чиқарди, ўзини эркин тутиши билан киши эътиборини кўпроқ тортарди. Актёр драматургик манбани шу қадар чуқур ўзлаштирар, образ руҳига шунчалик кириб кетардики, уларни ҳатто бир-биридан ажратиш қийин бўларди. Бунга, масалан, Солиҳбой, Маждиддин, Клавдий, Мавлон, Маҳкам ота каби қатор образлар ёрқин мисол бўла олади. Отеллони Аброр Ҳидоятовсиз, Навоийни Олим Хўжаевсиз, Жамилани Сора Эшонтўраевасиз, Ғофирни Шукур Бурҳоновсиз, Шокир отани Наби Раҳимовсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, мазкур образларни ҳам Обид Жалиловсиз тасаввур қилиш қийин. Актёр ўз қаҳрамонлари билан бир тан, бир жон бўлиб қолган эди.

Обид Жалилов образни таҳлил қилар экан, уни доимо ҳаётга таққослайди. Образга: «Ҳаётда бундай, асарда-чи, саҳнада қандай?» деган мезон билан ёндошади. Қайси образ устида иш олиб бормасин, узоқ ё яқин ўтмиш, ёхуд замонавий бўлсин, бир вақтда воқеалар рўй бераётган давр руҳи ва ўзи яшаб турган замон нафаси билан яшайди. Ана шу икки даврнинг узвий боғланиши натижасида образнинг тарихий конкретлиги ва замонавий аҳамияти ҳосил бўлади.


Ифода воситаларини иложи борича тежаш — Обид Жалиловнинг хусусан эпизодик образларни яратишда қўллаган асосий принципидир. У эпизодик роль ижро этганда ҳар бир чизиққа, ҳар бир кўзга чалинар-чалинмас деталга алоҳида аҳамият берарди. Тўғри топилган чизиқ ёхуд деталь образнинг қалбига киришга қулай восита бўлиб хизмат қилади, муаллиф кўзлаган мақсадни рўёбга чиқаради, олдинга сурган ғояни чуқурлаштиради. Бу фикримизни, масалан, «Тоҳир ва Зуҳра» фильмидаги Вазир, «Шубҳа» спектаклидаги Жўравой, «Насриддин саргузаштлари» фильмидаги Оғабек каби қатор образлар тасдиқлаши мумкин.

Обид Жалиловнинг ижодий йўлига назар ташлар эканмиз, у совет санъаткори олдида турган вазифани тўғри тушунгани ва реалист актёр сифатида саҳна ҳамда экрандаги образлари билан гўзалликни, юксак идеалларни тарғиб қилишга интилганини чуқур ҳис этамиз. Инсон тақдири, инсон қадр-қиммати учун кураш — бу олижаноб ғоя унинг талқинидаги кўпчилик ижобий қаҳрамонлар, айни вақтда урушдан кейинги даврда яратилган совет кишилари образининг лейтмотивини ташкил қилди. А. М. Горький таъкидлаганидек, актёр ўз қаҳрамонлари билан кишиларга ўз-ўзини яхшироқ тушунишлари, ўз-ўзига бўлган ишончни янада кучайтиришлари, ҳақиқатни чуқурроқ ҳис этишлари учун уларга ёрдам беришга, одамлар феълидаги ярамас хусусиятларни қоралаб, ажойиб фазилатларини очишга, совет одами янада гўзал ва олижаноб бўлиши учун унинг қалбида уят, номус, ғазаб, шижоат, қатъият каби туйғулар ўтини ёндиришга интилган.

Обид Жалилов ўз ижодининг мазкур маънавий ва эстетик идеалларини фақат ижобий қаҳрамон образи орқали эмас, салбий характерлар воситаси билан ҳам амалга оширган. Санъаткорнинг ўзи бу ҳақда қуйидагиларни айтган: «Гўзалликни, яхшиликни ижобий образ билангина эмас, қабиҳлик, разолатни фош этиш йўли билан ҳам ўрнатиш мумкин. Бу аввало, актёрнинг маҳоратига, унинг салбий образни талқин қилишда тутган позициясига боғлиқдир. Маълумки, актёр ҳам томошабин сингари, ижобий ва салбий образларга бир хил муносабатда бўлолмайди. Агар ижобий образга, айниқса совет кишилари гавдаланган образга ихлоси кучли бўлса, уларга алоҳида ҳурмат кўзи билан қараса, салбий образларни, хусусан эзувчилар дунёси вакиллари акс эттирилган типларни хуш кўрмайди, уларга ғазаб ва истеҳзо билан қарайди. Бу табиийдир. Бироқ актёр совет граждани бўлиши билан бирга, ижодкор ҳамдир. Модомики, шундай экан, у салбий образга ўзининг шахсий муносабати, инсоний туйғулари билан эмас, аввало гражданлик бурчи нуқтаи назаридан ёндошмоғи лозим. Актёр ижобий қаҳрамон образи устида қанчалик берилиб, эҳтирос билан ишласа, салбий образни гавдалантиришда ҳам бор талантини, маҳоратини, билимини ишга солиб, унинг синфий моҳиятини, разил қалбини, психологиясидаги иллатларини, уларнинг илдизлари, келиб чиқишининг ижтимоий сабабларини равшан очиб бериши кёрак. Борди-ю актёр салбий образни, унинг катта-кичиклигидан мустасно, менсимай, унга бефарқ ёки совуққонлик билан қараб, саҳнада юзаки яратса, демак, бу унинг санъатимиз олдида турган вазифаларнинг моҳиятини охиригача тушуниб етмаганлигидан дарак беради. Актёр салбий образнинг ички дунёсига чуқур кириб,унинг қалбини, қиёфасини ҳаётдагидек ҳаққоний акс эттириши шарт. Шундагина томошабин яхшилик билан ёмонлик, олижаноблик билан ёвузлик, гўзаллик билан таъвияликнинг маънисига, фалсафий моҳиятига чуқур етиб боради, биз, актёрлар яратган салбий образларнинг қабиҳлиги, разиллигини кўриб ич-ичидан нафратланади...»

Обид Жалиловнинг социалистик реализм принципларига асосига қурилган бадиий услуби, унинг ижодга масъулияти ва талабчанлик билан қараши, доимий изланувчанлиги натижасида яратилган образлар катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, ўзларининг фалсафий мазмуни, бадиий мукаммаллиги, қисқаси, реалистик талқини билан томошабинга маънавий озуқа ва эстетик завқ бағишлаган. Моҳир актёр, ажойиб инсон ўзининг бутун ижоди билан ўзбек саҳнаси ва киносанъатининг шуҳратини оширибгина қолмай, унда реалистик ижод мактабини шакллантириш, такомиллаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшди.

**Фрунзе ЖЎРАЕВ,**
санъатшунослик кандидати



**Чорвоқ сув омборида.**

**С. Величкин фотоси (ЎзТАГ)**



**Уч оғайни ботирлар.**

**А. Жумаев фотоси**

Табиат ва инсон

# МИРИШКОР



Моҳир темирчининг ўғли Раҳим Абдуюсупов тўсатдан боғ яратиш қўйига тушиб қолди. Яна қанақа боғ денг, тоғу тошлар орасида. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иш. «Келиб-келиб кетмон чопиб бели оғримаган киши шу харсанглар орасида боғ яратса», деб юсупхоналиклар ҳайрон. Раҳим ака эса жаҳд билан боғбоп ўнғирларни мўлжаллаб юрибди. Ниҳолни-ку бир амалаб экар, кейин-чи, уни ундириш, ҳосилга киритиш учун қанча ҳаловатсиз онларини бағишлаши керак. Раҳим акани ҳозир шовуллаган боғ завқи, олтиндай товланадиган сархил мевалар шавқи қамраб олган. Мақсад — боғ яратиш — бор имкониятдан фойдаланиб, Юсупхона посёлкасининг кўркига кўрк, юртдошларининг дастурхонига қут ато этиш. Бу ишнинг оғирлигини билади. Биладию, қалбининг садосини ҳам икки қилолмайди. У ўз фаолиятини «Бўстонлиқ» боғдорчилик совхозидан бошлади. Шредер номидаги боғдорчилик илмий текшириш институтининг бир йиллик боғбонлар тайёрлов курсини битириб чиқди. У дастлабки амалий сабоқни бундан 20 йил муқаддам Янгиер қўриқларида олган эди, у ерда минглаб мевали дарахтларни ўтқазди, парваришлади. Бу боғ шундай ҳосилга кирганки, Раҳим ака ва унинг бу ишга бош қўшган маслаҳатгўй ўртоқлари ҳозир бу боғни кўриб, таниёлмасалар керак.

Раҳим Абдуюсупов қадрдон посёлкасига қайтиб келгач, қоялари осмон билан бўйлашиб ётган Чорвоқ сув омбори қирғоқларини бўйлаб узоқ кезинди. Яна «Бўстонлиқ» боғдорчилик совхозига ишга кирди. Аммо бу ерда у кўнгилдагидай «терлаб» ишлай олмасди. У том маънода ижодкор эди. Ўзбекистон электр тармоқлари қурилиши трестининг дам олиш зонаси жойлашган Сувлисой ёнбағирлари уни чорлаб турарди. Бу ерда икки мингга яқин ўрик, олча, гилос, олхўри, олма, беҳи каби шарбатли мевали дарахтларни ўтқазиб меҳр билан парвариш қилди. Уларнинг дурагай навларини яратди.

Раҳим ака яратган навлар бу ернинг иқлимига жуда мослашиб, ҳосили йирик, шарбатли, хушбўй ва хуштаъмлиги билан ажралиб турарди. Тоғ бағирлаб ястаниб ётган боғ оғуши ажабтовур сеҳрли, баҳаво ва кўркамдир. Энди Раҳим ака бу ерда ёлғиз эмас. Тожиали Ашуров, Тоҳир Мирзалиев, Рўзмат Ҳасанов, Фотима Шоюсупова, Ашурбиби Кураматова каби тажрибали, ишчан ёрдамчилари бор. Уларнинг бевосита ҳамкорлигида Раҳим ака ўзига хос тажриба олиб боради. Олти фарзандниг онаси Рисқи ҳам, турмуш ўртоғидай, катта боғнинг меҳрибон боғбони — мактабда муаллима. Фарзандлар ҳамиша бўш вақтларида ота-онаси билан ҳамдам, ҳамфикр. Катта қизи Бахти дорихона ходимаси, ўғли Абдували студент, Мурнисо, Дилрабо, Умид ва Муроджонлар мактабдан бўш вақтларида боғда, отаси Раҳим ака сингари табиатга меҳр қўйиб, бўйларига бўй, қувончларига қувонч қўшилиб, навниҳолларни парваришлайдилар.

С. МОРОЗОВ

## ОЧОФАТ ЧИГИРТКАЛАР

Бу йил Африкада ёғингарчиликнинг кўп бўлиши мазкур қитъада икки йил давомида юз берган очарчиликдан қутилиш имконини берди. Бироқ бу ёмғирлар қитъа аҳолисига янги фалокатни: очофат чигирткаларни келтирди. Агар бу зараркунанда ҳашоратнинг йўли тўсилмаса, улар барча экинларга ғорат келтиради ва яқиндагина барҳам берилган очарчиликдан ҳам баттар даҳшатли оқибатларга сабаб бўлади. Бу йилги чигирткалар ҳужумининг даҳшати шундаки, сўнгги 60 йил давомида Африка чигирткаларининг барча тўртта тури (саҳро чигирткаси, учувчи чигиртка, малланг, қизил чигирткалар) бир вақтда урчишга кирган. Ваҳоланки, аввалги чигирткалар фалокати пайтида икки турдан ортиқ ҳашорат ривожланмаган эди.

Африка мамлакатларида мустамлакачилик даврларида зараркунанда ҳашоратларга қарши кураш программаси йўқ эди. Мустамлакачиликдан қутулган кўпгина мамлакатлар кейинги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) раҳбарлигида чигирткалар ҳужумига қарши ўзларининг миллий программаларини ишлаб чиқдилар. «Биз ҳозир шу муаммони ҳал этиш жараёнида турибмиз, — деди ФАОнинг Рим шаҳридаги бош экономисти П. Ньюхаус. — Бироқ жуда тезлик билан ҳаракат қилмоқ лозим».

Ньюхаус Африканинг учта регионидан олинган маълумотларни баён этди. Шунга кўра Ғарбий Африкада, айниқса, Малидаги аҳвол ачинарли. Бу ерда тариқ ва бошқа экинларни тўрт мартадан қайта экишга тўғри келаяпти.


Африка жанубида Ботсванадаги аҳвол кескин муаммолигича турибди, йил бошида Африка жанубидан учиб келган малланг чигиртка аллақачон икки марта авлод берди. Жанубий яримшарда қиш маҳали бўлганидан чигирткалар уруғи тупроқда «ухлаб» ётибди. Октябрь ойида бошланадиган ёмғирлардан сўнг улардан ҳам сон-саноқсиз ҳашоратлар учиб чиқиши аҳолини таҳликага солмоқда. Чигирткалар бу районда кейинги уч ёки тўрт йил давомида хавф солиб туриши ва Ботсвана, Зимбабве, Замбия, Намибия ва Ангола мамлакатларида экинларга қирон келтириши мумкин.

## БЕШ МИНГ ЁШЛИ ҚИШЛОҚ

Шриланкалик археологлар мазкур орол жанубидаги Ратнапур шаҳри атрофида жуда қадимий манзилгоҳ қолдиқларини топдилар. Қазилма ишлари давомида чағир тошлардан ишланган иморат харобалари топилди. Олимларнинг фикрларига кўра, бу манзилгоҳ беш минг йил муқаддам қурилган ва у Жанубий Осиёда топилган манзилгоҳларнинг энг қадимийларидан биридир.

Ҳар тўғрида бир шингил

## ЭНГ ЭНСИЗ БИНО



Япониянинг Нара префектурасида қурилган бинонинг ён энлиги атиги 1 метр 40 сантиметр. Бу бинода қандай яшаётганликларига ҳайрон қоласан киши.

## ФАМИЛИЯЛАР СОНИ ҚАНЧА?

Япон социологлари яқинда қизиқарли тадқиқот ўтказдилар. Улар Японияда юз мингдан ортиқ фамилия борлигини аниқладилар. Олимларнинг фикрича, бу дунёдаги юқори кўрсаткичлардан биридир. Улар Хитойда бир миллиарддан ортиқ аҳолига уч юзта фамилия, Буюк Британияда 16 мингта фамилия тўғри келишини муқояса қилиб келтирадилар. Японияда энг оммавийлашган фамилия Сато бўлиб, мамлакатдаги икки миллиондан ортиқ киши шу фамилияга эгадир.

## ТОҒ ДУРДОНАСИ МУҲОФАЗАДА

Хитойда «Тоғ дурдонаси» номи билан машҳур бўлган Цинхай районидаги мамлакатда энг йирик ҳисобланган тузли кўл 4 минг 500 гектар майдонни ишғол қилади. Кузатишлар унда сув сатҳининг йилдан-йилга пасайиб, туз миқдори муттасил ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Экспертларнинг фикрича, аҳвол шу тарзда давом этса, кўл йигирма йилдан сўнг туз ҳавзасига айланиб қолади.

## БЕЛЬТ ЕРОСТИ ЙЎЛИ

Катта Бельт кўрфази тагида қуриладиган сув ости йўли ишончли алоқа ва муттасил ҳаракатнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Дания ҳукумати 15 километрлик масофадаги тоннель лойиҳасини маъқуллади ва уни қуришга уч миллиард марка ажратди...

Қурилишнинг биринчи босқичида кўрфазнинг айни ўзида жойлашган Фин оролидан Спрогё оролчасигача темир йўл тоннели қурилади. Кейин бу тармоқ Зеландия оролигача чўзилади.

## ИШҚИБОЗЛАР ДУЭЛИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионати тамом бўлганидан буён анча вақт ўтган бўлишига қарамай ашаддий ишқибозлар ўртасидаги тортишувлар, баҳслар ҳануз давом этмоқда. Мексиканинг «Ла Лагуна» фабрикасидаги икки хизматчи чемпионат якуни ҳақида ўзаро шунчалик баҳслашиб кетишдики, ҳатто улар бир-бирларини дуэлга чақиришгача бориб етдилар. Уч метрлик масофадан туриб тўппончадан бир-бирига узилган ўқлар ҳар иккала ишқибозни оғир яралар қилди.

ШАХ МАТ

# КАСПАРОВ — КАРПОВ БАҲСИ

Маълумки, шахмат — спортнинг кўҳна турларидан бири. Лекин унинг кенг оммавийлашиб кетганлигини биргина шу билан изоҳлаб бўлмайди, албатта. Табиийки, шахматни ҳамма вақт ҳам энг зўр шахматчилар оммалаштириб, назарий жиҳатдан бойитиб келганлар.

Шахмат тарихида чуқур из қолдирган улуғ шахмат усталари рўйхатидан замонамизнинг кучли шахматчилари: уч марта жаҳон чемпиони бўлган Анатолий Карпов ҳамда йигирма икки ёшида ана шу юксак шарафга муяссар бўлган Гарри Каспаров номлари ҳам муносиб ўрин олди.

Ҳа, шуни дадил айтиш мумкинки, кейинги пайтлардаги шахмат назарияси ва тактикасига доир ютуқлар шу икки гроссмейстер номи билан боғлиқ. Ун йил давомида ҳеч кимга сўз бермай жаҳон чемпиони унвонини ўзида сақлаб келаётган Анатолий Карпов узоқ давом этган кескин ва қизиқарли беллашувлардан сўнг чемпионлик тожини бокулик гроссмейстер Гарри Каспаровга топширган эди.

Ўша муросасиз беллашувлар ҳамон журналхонлар ёдида. Шахмат ишқибозлари шахмат тожи учун бўлган курашнинг навбатдаги партияси қандай ўтганлигини интиқлик билан кутган, сўнг шахмат тахтасида уларнинг ўйинини қайтадан териб, тож эгасининг ҳам, тож талабгорининг ҳам маҳоратига тан берган эдилар. Келинг, ҳозир ҳам бир дақиқага бўлса-да, ўша ҳаяжонли пайтларга қайтайлик. 1984 йил сентябрда Москвада бошланган тож учун биринчи беллашув салкам олти ой давом этди ва ФИДЕ президенти Ф. Кампоманеснинг қарорига мувофиқ ғолиб аниқланмаган ҳолда тўхтатилди. Орадан бир йил ўтди, гроссмейстерлар беллашувни янгидан бошлашди. Бироқ энди ўйналадиган партиялар чекланган — ғолиб 24 учрашувдан сўнг аниқланиши лозим эди. Иккинчи беллашув роппа-роса етмиш кун давом этди ва 13:11 ҳисобида ғолиб чиққан Г. Каспаров жаҳоннинг 13-чемпиони бўлди. Ана шунда жаҳоннинг собиқ чемпиони Анатолий Карпов баҳс давом этишини, яъни ўзининг матч-реваншга чақириш ҳуқуқидан фойдаланишини маълум қилди. Натижада ҳар иккала томон ҳам орадан маълум фурсат ўтгач, яна янги учрашувга ҳозирлик кўра бошлади.

Хўш, тайёргарлик қандай ўтди? Бу ўринда уларнинг ҳар иккаласи ҳам турли усулда тайёргарлик кўрганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, А. Карпов Вена, Брюссель ҳамда Бугайно шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро турнирларда иштирок этиб, биринчи ўринларни эгаллади. Г. Каспаров эса англиялик гроссмейстер Э. Майлс билан яккама-якка матч ўтказиб, бир партиянигина дуранг қилди, қолганларида ғолиб чиқди.

Шундай қилиб, матч-реванш...

Лондон шаҳри марказидаги «Парк-Лейн» отели 28 июлдан бошлаб бир ойдан кўп вақт ичида шахмат ишқибозлари билан гавжум бўлди. Унинг «баллар зали»да икки совет шахматчиси ўзаро куч синашишди. Мусобақалар олдидан ўтказилган матбуот конференциясида бўлажак матч-реванш ҳақида улар шундай фикр билдиришган эди:

Г. Каспаров: «Матч жуда қийин бўлади деб айтиш, ҳеч нарса демаслик билан баробардир. Биз ўзаро 72 партия ўйнадик. Қолганлари эса олдинда... Менга келсак, шундай жавоб беришим мумкин: мен ўзимни бардам ҳис қилаяпман, беллашувга истагим ҳам катта, соғлиғим ҳам яхши».

А. Карпов: «Матч-реваншга чақирганимдан буён олти ойдан кўпроқ вақт ўтди. Шу вақт ичида мен амалий жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам тайёргарлик кўрдим. (Назаримда, тайёргарлик чакки бўлмади.) Менинг матч-реваншга чақиришим асосли, деб умид қиламан. Кейин мен характер жиҳатидан ҳам оптимистман. Охирги матчга қараганда анча яхши ўйин кўрсатаман, деган ниятдаман...»

Кўриниб турибдики, ҳар иккала гроссмейстер ҳам беллашувларга шай. Дастлабки ўйинларда ўқ шахматчилар ўз сўзларини амалда исботладилар.


Жаҳон чемпионига гроссмейстерлардан Г. Тимошенко, И. Дорфман, СССРда хизмат кўрсатган тренер А. Никитин, халқаро мастер Е. Владимиров ёрдам берган бўлса, А. Карповга И. Зайцев ва С. Макаричев, В. Салов каби гроссмейстерлар секундантлик қилишди.

Қуръага кўра биринчи партияда оқ доналар билан А. Карпов ўйнади. 21 юришдан сўнг дуранг билан тугаган бу партияни ўзаро разведка билан ўтди, деб баҳолаш мумкин. Иккинчи партия шахмат мухлисларини анча ҳаяжонлантирди. Гап шундаки, ўйин дебютдаёқ кам ўрганилган йўлдан ривожланиб кетди. Карпов ҳарифининг ҳамлаларини ўз вақтида қайтариб, устунликни қўлга олди. Бироқ ўйин ўрталарида бўш юриш қилган эди, жаҳон чемпиони битта пиёдани ютиб, қораларни қийин аҳволга солиб қўйди. Қолдирилган учрашувда эса Карпов моҳирлик билан ўйнаб дурангга эришди. Кейинги партияларда кескинлик янада кучайди. Хўш, Лондондаги қайси партияларни энг яхши деб айтиш керак? Учинчи ва тўртинчи партиялардан ташқари, ўн биринчи партияни энг яхши деб айтсак, бизнингча, хато бўлмайди. Реванш-матчнинг Лондондаги қисми 5,5:6,5 ҳисобида Г. Каспаров устунлигида якунланди. Ленинградда давом этган баҳсларда эса у ўн тўртинчи партияда оқ доналар билан ўйнаб, яна ғалаба қозонди. Реванш-матч сентябрь ойининг охирида ниҳоясига етди.

**Шоҳрух АКБАРОВ**



Ўймакор уста Ортиқбой Файзуллаев.



Нақшинкор эшик бўлаги.

А. Жумаев фотолари

# Чақир-чиқанак

## «СЕҲРЛИ» БУЛОҚЛАР

Ойшахон ишдан келган эрини имлаб ёнига чақирди-да, томоғига ишора қилиб, бўғиқ овозда шивирлади:

— Томоғим бўғилиб кетаяпти, яна ўша «Қушқўнмас ота»га олиб боринг.

— Сабр қил, маош олай, бориш-келиш, назр-ниёз деган гап бор, буларнинг ҳаммасига муллажиринг керак, — деб Нормурод уйга кириб, кийимини алмаштириб чиқди. Ойшахон кўз ёшларини артиб, овозсиз йиғларди:

— Қаранг, тобора бўғилаяпман. Одамлар Ўратепадаги «Қўтирбулоқ»қа бориб келишаяпти, сиз бўлсангиз, маош пойлайсиз. Битта-яримтадан қарз топилиб қолар, ахир.

Нормурод ўйланиб қолди, унинг кўзи олдидан булоқ ёнига тиз чўкиб олган назр-ниёзчилар, уларнинг ғалати қилиқлари ўтабошлади. Ўшанда ҳақиқатан ҳам Ойшахон булоқ сувидан шифо топиб, аҳволи яхши бўлиб кетганди. Шу боисдан Нормурод сал бўлса-да, назр-ниёзчиларнинг «дийдиё»ларига ишонганди. У шундай кунларнинг бирида газетада босилган «Муқаддас булоқ сири» деган мақолани ўқиб қолиб, ҳайрон бўлди. Ахир, хотини назр-ниёзчининг дуосидан эмас, шифобахш булоқ сувидан ичиб, даво топган экан-ку!

Ҳа, нафси ҳакалак отган сохта эшон, чала муллалар табиат мўъжизаси ҳисобланган шифобахш булоқларга уя қуриб олишганди. Улар булоқ сувларининг шифобахшлигини илоҳийлаштириб, назр-ниёз олишни авж олдириб юборгандилар. Шундай булоқлардан бири — Паркент шаҳри яқинидаги тоғ ёнбағридан отилиб чиқаётган «Қушқўнмас ота» булоғи эди. Олимлар томонидан текширилганида, бу булоқ сувида йод моддаси кўп эканлиги маълум бўлди. Худди шунга ўхшаш Ўратепа шаҳри яқинидаги «Қўтирбулоқ» суви ҳам ниҳоятда шифобахш эди.

Шифобахш булоқлар Ўзбекистоннинг деярли барча областларида мавжуд. Бухородаги «Чашмаи Аюб», Қашқадарёдаги «Хўжаи пок», Намангандаги «Балиқли кўл», Андижондаги «Ширмонбулоқ» сингари булоқлардан шу маҳалгача дин кишилари «муқаддас» деб, фойдаланиб келардилар. Ҳозирги кунда бундай «пуллик» булоқларнинг сирлари ошкора бўлиб, назр-ниёз дардида юрганларнинг тўрваси тешилиб қолди. Ана шундай булоқ сирини билганлардан бири тошкентлик ишчи Нормурод эди. У энди шифобахш булоққа бидон олиб кетаяпти. Назр-ниёзсиз, булоқ сувидан хотинига келтириб бермоқчи.

**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ**

## Чақир-чиқилдоқ

«Кишилар билан саломлашмас эмишман, димоғим кўтарилиб кетган эмиш! Мен фақат ўзимга керакли одамлар билан саломлашаман».

(Худбин йигитчанинг «фалсафаси»).

* *

«Менинг дадам академик, у зот номидан келдим, деб тўйда тўрга ўтсам бир айниган чол: «Узинг академик бўлганда тўрга чиқасан, отанг номини сотма, зумраша», деб ақл ўргатди».

(Отасининг номини пеш қилиб юрадиган фарзандниинг арзидан).

«Қўшним: «Сен ҳар куни ғишт заводидан портфелингда ғишт олиб келиб участка қургансан, ашаддий ташимачисан», деди.

Ғиштни кўлда эмас, машинада олиб келган кишини ташимачи дейиш туҳматдан бошқа нарса эмас».

(Содда-муғомбирнинг гапи).

* *

«Мен пияниста эмасман, ухлаб ётганимда қизчам хотинимнинг лаб бўяйдиган бўёғини бурнимга суриб қўйибди».

(Бир араҳўрининг баҳонаси).

* *

«Хотинидан яшириб тўпланган мол-дунё меҳнатсиз даромадга кирадими?»

(Қўли эгри кишининг саволи).

## ЛАТИФАЛАР

Чайқов бозорида айиққа ўхшаган бир олибсотар қўлидаги қалпоқни мақтар эди:

— Кеп қолинг, ондатра қалпоқ, сотаман-у кетаман!

Бир мўйсафид қалпоқни олиб, айлантириб кўрди-да, юзини буриштирди:

— Нега ёлғон гапирасиз, йигит, қалпоқ қуён терисидан тайёрланган-ку?

Қаллоб йигитнинг сиридан воқиф бўлган Афанди киноя билан деди:

— Уша қуёнининг оти Ондатра эди, содда одам!

* * *

Қариганда сўфи бўлган Солипиён бир тўйда ҳамма билан қўл олиб кўришди-да, ўрнидан тураётган Афандига гап отди:

— Йўл бўлсин, мулла Насриддин?


— Қўлимни ювиб келай,— жавоб берди Афанди.

— Ия, ҳали дастурхонга қўлингизни ювмай ўтирган эдингизми?— масхара қилди Соли пиён.

— Қўлимни ювган эдим, сиз билан кўришгандан кейин яна бир марта чайқаб олсам, зарар қилмас, — деб жавоб берди Афанди.

**А. ИСОМИДДИНОВ**

### Ўрганган кўнгил...




**— Ароқ ўлсин, лампочка бўлмай...**

### «Томошабоғ»



**— Анави турқи совуқни кўрган, иккинчи бу ерга қадам босмайди...**

**Қ. Раҳмонов чизган расмлар.**




— Нима бало, чойчақаси йўқ, деб ўз кранингизни ҳам тузатмайсизми?!



— Сен аралашма, итвачча!

Қ. Раҳмонов чизган расмлар.

# КРОССВОРД



**Энига:** 1. Тожик совет ёзувчиси. 4. Иттифоқдош республика пойтахти. 9. Ўрта Осиёдаги тоғ. 10. Қовун нави. 11. Сувда ва қуруқликда яшовчи жонивор. 14. Сабзавот экини. 16. Қизларнинг исми. 18. Ростов областидаги порт шаҳар. 20. Узум нави. 21. Садриддин Айний повести. 22. Сирдарё областидаги район. 26. Спорт тури. 29. Ўлчов бирлиги. 30. Қаҳрамон қалъа. 31. Сибирдаги область. 32. М. Ю. Лермонтов поэмаси. 34. Сунъий йўл билан ҳосил қилинган радиоактив элемент. 38. Ииртқич ҳайвон. 39. Ой номи. 40. Ғалла экини. 41. Саноат корхонаси. 42. Ҳўл мева.

**Бўйига:** 2. Юк кўтариш механизми. 3. Инсоний фазилатлардан бири. 5. Усимлик аъзоси. 6. От-улов абзали. 7. Сабзавот тури. 8. Африкадаги, Тошкент билан биродарлашган шаҳар. 12. Дастурхон шокиласи. 13. Ҳарбий бўлинма. 15. Овоз ёзиб олиш қурилмаси. 16. Фан ва техника тармоқларидан бири. 17. Ўзбекистондаги область. 19. Космонавт учувчи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 23. Краснодар ўлкасидаги шаҳар. 24. Бинокорлик материали, минерал. 25. Бир неча машинадан таркиб топган қурилма. 26. Электр кучланиши ўлчов бирлиги. 27. Кавказда яшовчи халқлардан бири. 28. Чавандозлик машқлари ўтказиладиган жой. 33. Матбуот жанри. 35. Қотишма тайёрлашда ишлатиладиган кукун. 36. Бўёқ моддаси тайёрланадиган манзарали ўсимлик. 37. Ўрта Осиёдаги денгиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

## 9-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Абакан. 6. Нурота. 9. Ложуард. 10. «Бозирган». 14. Бурғи. 15. Маснавий. 16. Болгария. 19. Байкал. 21. Ромитан. 22. Эпилог. 23. Авезов (Мухтор). 24. Соната. 30. Дўлана. 31. Акробат. 32. Калхат. 35. Матросов. 36. Бақлажон. 37. Ирода. 39. Новшадил. 40. Габардин. 41. Каолин. 42. Малина.

БЎЙИГА: 1. Марварид. 2. Машраб. 3. Гулоби. 4. Кошинкор. 7. Ботаника. 8. Хондамир. 11. Плакат. 12. Грузия. 13. Оқизоқ. 17. Городки. 18. Самовар. 20. Лавҳа. 22. Эртак. 25. Сўзана. 26. Қайрағоч. 27. Қоплон. 28. Алкалоид. 29. Жазоир. 33. Чорвадор. 34. Кавкабий. 37. Исириқ. 38. «Арарат».

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Ешлик — шижоатга чорлайди.

В. Мосин фотоси

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари —33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, маданият бўлимлари —33-36-59; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 25.08.86 й. Босишга рухсат этилди 24.09.86 й. Р-10967. Қоғоз — 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 201849. Буюртма 4447. Нашр — А —114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.


Редакцияга келган бир босма тобоққача материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидаги айрим материалларни тайёрлашда марказий газета-журналлардан фойдаланилди.



Б. БОБОЕВ. ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ.





Ишчи аёллар Адиба Мирхўжаева, Мукаррама Акраева.

А. Ваништейн фотолари



Хирмонга барака!



Ўрим.

А. Жумаев фотоси

ISSN 0134—2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.